

**ҒУЛОМ АҲМЕДОВ
АБДУГОФУР САТТОРОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН:
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ
ВА ҚОНУНЛАР**

Тошкент
«Адолат»
1999

A 98

F. Аҳмедов, А. Сатторов
Ўзбекистон: Инсон ҳуқуqlари ва қонунлари /масъул мухаррир
А. Х. Сайдов.—Тошкент: Адолат, 1990.—168 б.

67.99 (54)0

Мазкур китоб XXI асрга интилаётган мустақил Ўзбекистон аҳолиси ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда муайян кўмак беришга қаратилган.

У олий ўқув юрти талабалари, ўрта мактаб ҳамда академик лицей ўқитувчи ва ўқувчилари, «Давлат ва ҳуқуқ» асослари, «Инсон ҳуқуқлари» ўқув курсларини ўрганувчилар ҳамда ҳуқуқий масалаларга қизиқувчи кенг китобхонлар оммаснга мўлжалланган.

A—C 1203130000—020
(04) 99 эълонсиз, 99.

- © «Адолат» нашриёти, 1999.
Ўзбекистон ички ишлар вазирлиги Академияси.
© Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 1999.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНЛАР ДҮНЁСИГА САЕХАТГА МАРҲАМАТ!

(Сўзбоши ўрнида)

Истиқлол шарофати ила «дунё ҳаритасида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган янги давлат — Узбекистон Республикаси пайдо бўлди».¹

Мустакиллик йилларида тубдан янги ўзбек миллий ҳуқуқий тизими шаклланди. Узбекистон парламенти салкам саккиз йил мобайнида мамлакатимиз асосий қонуни бўлмиш Конституция, 12 та Кодекс ва 300 дан ортиқ қонунларни қабул қилди. Натижада, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган эркин бозор иқтисодиёти таомилларига асосланган демократик давлатнинг конституциявий ва ҳуқуқий асослари яратилди, инсон ҳуқуқларига онд қонунлар тизими барно этилди.

«Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминланганда у чинакам ҳуқуқий, фуқаролик жамияти бўлади. Ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олиши лозим. Бунинг учун аввало, мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини ошириш зарур. Шу билан бир вақтда ҳар бир инсон тўраларча ўзбошимчалидан, қонунсизликдан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қиласидаган идоралар мавжудлигига амин бўлмоғи керак»².

Узбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг биринчидан, қонуйи, иккинчидан, ташкилий, учинчидан тарбиявий ва тўртнинчидан ҳалқаро-ҳуқуқий асослари яратилган.

1. Аввалимбор, инсон ҳуқуқлари тўғрисида асосий қонун нормалари қабул қилинди.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқларига бағишланган Иккинчи умумжаҳон анжуманининг тавсияларига кўра, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими яратилди. Бу тизимга Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакилин (омбудсман), Олий Мажлис ҳузуридаги амалдаги қонунчиллик мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Узбекистон Республикаси Миллий маркази киради.

3. Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятини юксалтириш миллий дастури» Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг тарбиявий асосларини ташкил этади. Юртбошимиз ташабуси билан мамлакатимизнинг барча мактаб ва олий ўқув юртларида «Инсон ҳуқуқлари» курси ўқитиля бошланди.

4. Жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида Узбекистон Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қирқдан ортиқ ҳалқаро шартномаларга қўшилди ва улар бўйича ўз зиммасига олган ҳалқаро мажбуриятларни бажариб келмоқда.

Узбекистон Республикаси қонунлари жамият ҳаётининг деярли барча жабхаларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган.

Биринчидан, давлат суворенитети ва янги конституциявий ту-

¹ Қаримов И. А. Узбекистон XXI асрга интилмоқда. — Тошкент: Узбекистон, 1999. 8-бет.

² Уша жойда, 31-бет.

зумни мустақкамлашга қаратилган қонунлар жумласига, аввалимбон, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, мустақил давлат рамзлари — байроқ, герб, мадхия, тил тўғрисидаги қонунлар, давлат органлари — Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат органлари, Конституциявий суд, судлар, прокуратура ҳақидаги қонунлар ва бошқалар киради. Бу қонунлар давлат мустақилликнинг ҳуқуқий асосларини ва ёқимият ваколатларини тақсимлаш конституциявий ташомилии асосида тубдан янги давлаг органлари тизимини шакллантириди.

Иккинчидан, мулкчиликнинг турли шаклларига ва эркин равобатга асосланган ҳамда ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётининг қонуний асослари яратилди. Фуқаролик кодекси бозор иқтисодиётининг том маънодаги хартиясига айланди. Мулкчилик, тадбиркорлик, фермер хўжалиги, қишлоқ хўжалиги кооператив (ширкат хўжалиги), товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисидаги қонунлар, Божхона, Солиқ, Ер, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал Кодекслари — бозор муносабатларига оид қонунлар тизимишининг мухим таркибий қисмларидир. Узбекистонда бозор ҳуқуқи асослари шаклланди.

Учинчидан, фуқароларниң ҳуқұқ, ва әрқинліккларни бевосита ҳимоя қилишغا қаратылған юздан ортиқ қонунлар тиизими яратылди. Бу қонунлар фуқароларнинг шахсий, сиёсий, іктисодий, ижтимоиј вада маданий ҳуқұқларға оиддир. Улар жумласында таълим, вижандон әркинлігін ва диннің ташкылолтар, оммавий ахборот воситалари, адвокатура, нотариат, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкылоллари. Фуқароларнинг ўзини ўзи башқарыш органдары, Ийсон ҳуқұклары бүйінча Олий Мажлис вакилы (омбудсмен) тұғрисидеги қонунлар, Оила, Жиноят, маъмурый жағобарлық тұғрисидеги Кодекслар киради.

ХХI аср бошларында Узбекистон фуқаролари яратилган мұхим Қонуний мезонга таянған ҳолда «барча ҳуқуқтый давлаттар қатырида қонун асосида яшашын ўрганишимиз зарур»¹. Бу борада оммавий ҳуқуқтый тарбиянинг ажralmas таркий қисмы бўлмиш ҳуқуқтый адабиётларни зот этиши алоҳидаги амайтас касб этади.

Барча фуқаролар томонидан ҳуқуқий нормаларга риоя этиш, қонун талабларини бажариш, қонунга итоаткорлик демократик фуқаролик жамияти ҳуқуқий маданияти даражасининг кўрсаткичидир.

Юридик фанлари доктори, профессор Ф. Аҳмедов ва Ўзбекистон Республикаси Йиғи Ишлар Вазирлиги Академияси докторанти, юридик фанлари номзоди А. Сатторовларнинг «Ўзбекистон: инсон ҳуқуқлари ва қонунлар» номли китоби аҳоли ўтрасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилишда муайян кўмак берига қаратиллган. Муалиффлар давлат ва ҳуқуқ, инсон ва қонун, инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқий маданият, Конституция, асосий Кодекслар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вазифалар тўғрисида қисқача ҳамда лўйда ва тушунарли маълумотлар беради. Китобнинг энг асосий хусусияти шундан иборатки, у, аввалимбор, кенг китобхонлар оммасига бағишланган. Ундан мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари, олий ўқув юртлари талабалари, «Давлат ва ҳуқуқ асослари», «Инсон ҳуқуқлари» ўқув курсларини ўрганувчилар

¹ Каримов И. А. Узбекистон XXI асрға интилмоқда. Тошкент: Узбекистон, 1999. 20-бет.

ҳамда ҳуқуқий билимларга барча қизиқувчилар фойдаланишлари мүмкін.

Мұхтарам китобхон! Ушбу китоб сизни инсон ҳуқуқлари ва қонунлар оламиға саёҳат қилишингизда мұхим құлланма бўлади, деб умид қиласиз.

A. X. САИДОВ,
ҳуқуқшunoslik фанлари
доктори, профессор.

ИНСОН ВА ҚОНУН

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» номли китобида таъкидлаганидек, «мустақиллик йилларида ҳаётнинг ўзи кўп нарсаларга бизнинг кўзимизни очиб берди, кўп нарсаларга ўргатди».¹

Мустақил Ўзбекистонда тубдан янги давлат ва ҳуқуқий тизим таркиб топди. Ҳар қандай суверен давлатда бўлганидек бизда ҳам қонун чиқарувчи олий орган— Олий Мажлис бор, сайлаб қўйиладиган маҳаллий ваколатли органлар— Қенгашлар бор, Бош вазир, Бош вазир ўринбосарлари бор, тегишли ваколатга эга бўлган вазирлар ва маҳкамалар бор. Жойларда ҳоким ва ҳокимликлар бор. Ўзбекистонда шаклланган давлат ҳокимияти тизимининг ўзагини— Президентлик бошқаруви ташкил этади. Мустақил суд ҳокимияти шаклланмоқда.

Юртбошимиз айтгаплариdek XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасида энг долзарб вазифалардан бири— «қонунчилик фаолиятимиздаги камчиликларни танқидий баҳолаб, бартараф этиш, қонунларимизнинг мукаммал ва изчил бўлишига эришмоғимиз ва энг муҳими, барча ҳуқуқий давлатлар қаторида қонун асосида яшашни ўрганишимиз зарур».²

Истиқлолга қадар бирорта ҳам ҳуқуқий журнал бўлмаган Республикаизда мустақилликка эришиш муносабати билан Адлия вазирлигининг «Ҳаёт ва қонун», Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг «Қонун ҳимоясида» Ўзбекистон ИИВ лигининг «Қалкон» (Шитъ), ИИВ Академиясининг «Ҳуқуқ» Ўзбекистон республикаси Олий судининг «Қонун номи билан», Ўзбекистон олий ҳўжалик судининг «Ҳўжалик ва ҳуқуқ», Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Марказининг «Демократлаштириш ва Инсон ҳуқуқлари» каби ойлик журнал, шунингдек, «Инсон ва қонун», «Ҳуқуқ» ва бошқа ҳуқуқий газеталар вилоятларда ҳам чоп этилмоқда.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Тошкент: Ўзбекистон, 1999 йил, 6-бет.

² Ўша асар, 20-бет.

Маълумки, ҳозирги кунда ривожланган, юксак мадданиятли жамиятда яшайпмиз, жамият, мамлакат эса давлат ва ҳуқуқсиз бўлмайди. Қаерга борманг, кишилар ўртасидаги муносабатлар, бозор иқтисадиёти муносабатлари, корхона, муассаса, ташкилот ва мансабдор шахслар фаолияти қонун-қоидалар билан тартибга солинади. Ҳозирги ҳаёт ғоят мураккаб. Одамлар ўзаро, корхона, муассаса ва ташкилотлар билан турли ҳуқуқий, мулкий муносабатларни, хизмат ва турмуш соҳасини, транспорт, савдо, алоқа ҳамда бошқа хилма-хил соҳадаги ижтимоий муносабатларни амалга оширадилар. Уларни қамраб, муайян тартибга солиш учун юзлаб, минглаб қонун-қоидалар керак. Энг муҳим ижтимоий муносабатлар қонунлар билан, қонунлардан келиб чиқадиган яна бошқа муайян масалалар, турли қарор, низом, буйруқ, фармойиш ва қўйлланмалар билан тартибга солинади. Булар ҳаммаси бир бутун бўлиб ҳуқуқ системасини ташкил қиласди.

Ҳуқуқ алоҳида ўзинга хос соҳадир, унинг тили, услуби, амал қилиш донраси ҳам ўзгача ва ўзига хос хусусиятларга эга. У инсон ҳаётининг у ёки бу томонини гина эмас, балки одамнинг жамиятдаги бутун ҳаётини ўз ичига олади. Қонун-қоидалар инсон ҳаёти ва фаолиятини тартибга солади. Шуни айтиш лозимки, кишилик жамияти синфсиз, давлатназ яшаган неча минг йиллик ибтидой жамоа даврида ҳам ҳуқуқий нормалар ўрнида турлича ижтимоий нормалар, масалан, одат, анъана, диний маросимлар шаклида ифодаланган удум тарзидаги социал нормалар мавжуд бўлиб, улар ўша даврдаги уруғ ва қабила аъзолари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қоидалар эди. Қейинчалик вужудга келган қонунлар ҳам ана шундай нормалар ва қоидаларни ифодаласа-да, улар бошқача ва алоҳида шаклда расмий равишдаги юридик нормалар бўлиб, аввалги урф-одат ва анъаналардан кескин фарқ қиласди.

Илгари социал нормаларни амалга оширишда жамоатчилик фикри, ҳарбий лашкарбошилар, қабила бошлиқлари ва оқсоқолларнинг обрў-эътиборига таянилган бўлса, кейинроқ ҳуқуқий нормаларни ижро этиш ва ҳуқуқ талабларининг бажарилишини таъминлашда давлатнинг мажбурлов органларига таянилган. Инсон ҳуқуқ субъекти бўлиб, бутун ижтимоий муносабатлар, ер-сув, мулк ва шунинг каби барча қийматликлар ҳуқуқ объекти ҳисобланади.

Одамнинг ҳуқуқий лаёқати у туғилган кундан бошланиб, ўзи учун мустақил ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келтириш лаёқати, яъни муомала лаёқати (деспособность) 18 ёшдан бошланади. Лекин ўсмир ана шу маънода 15 ёшдан чекланган муомала лаёқатига эга, жиноят қонунида эса 14 ёшдан айрим жиноятлар учун жавобгарлик мажбурияти кўзда тутилади.¹

Ҳуқуқ талабларини бузган ҳар бир шахс юридик жавобгарликка тортилади. Ҳуқуқга хилоф қилмиш содир этгай шахсга нисбатан давлат мажбуров чоралари қўллайди. Ҳуқуқ соҳасида жиноий, маъмурӣ, интизомӣ, моддий ва мулкий жавобгарлик белгиланган.

Ҳуқуқ системаси ҳуқуқ соҳаларидан, унинг айрим институтлари ва аниқ масалалар юзасидан чиқарилган қонун-қоидалардан иборатdir.

Мамлакатимизда энг Асосий Қонун бу Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўлиб, у давлат ва жамият аҳамиятидаги энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Ўзбекистон Конституцияси ҳуқуқнинг барча соҳалари учун муҳим юридик база бўлиб хизмат қилади. Фуқаролик ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, ер-сув ҳуқуқи, онла ҳуқуқи, жиноят ва процессуал ҳуқуқ ва бошқа соҳадаги барча қонунлар Конституцияда белгиланган умумий қонда ва принципларга асосан ишлаб чиқилади. Бу муҳим қонунлар Республика миқёснда қабул қилинади.

Ҳаёт шуни талаб қиласиди, барча фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг давлат, жамоат ташкилотлари ва бирлашмаларининг ҳаёти ва фаолияти қонун-қоидалар билан тартибга солинмоғи ва ҳар бир шахс қонун-қоидаларга аниқ риоя қилмоғи, давлатимизнинг амалдаги қонунларини пухта бажармоғи лозим. Қонунлар янги жамият қуришда, хўжалик ва маданий ҳаётимизни бошқаришда таъсирчан восита бўлмоғи зарур. Бинобарин, ҳозирги ҳаёт ҳамма фуқароларнинг амалдаги қонунларни яхши билишларини тақозо қиласиди. Чунки, айни замонда Асосий Қомусимиз бўлган Конституция ва барча соҳа қонунлари талабларини билиш жуда муҳимдир.

¹ Фақат айни оғирлаштирувчи ҳолатларда одам ўлдирганлик учун ўсмир 13 ёшдан жавобгарликка тортилади (Ўзбекистон Республикаси ЖК 97-моддасининг 11-қисми).

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ

Давлат ҳақида айрим манбаларда, тарих ва бошқа ижтимоий фанларда бирмунча маълумот берилса-да, сўнгги йилларгача аҳоли ўртасида энг кам ўрганилган, деярли энг нотаниш соҳа ҳуқуқ соҳаси, қонунларимиз ҳисобланар эди. Бир вақтлар Р. Бахтамов ўзининг «Закон есть закон»¹ («Қонун — бу қонун») номли ажойиб асарида ҳуқуқ соҳасини ҳақли равишда номаълум ва мутлақо ўрганилмаган ўлкага қиёс қилган эди.

Илгари чиндан ҳам аҳвол шундай эди. Қонунлар билан аҳоли яхши таниш эмас, ҳуқуқ фани фақат юридик ўқув юртларидағина ўрганилиб, бошқа олий ва ўрта мактабларда ҳуқуқий таълим берилмас эди. Ваҳоланки, юқорида айтганимиздек, қонунлар инсон ва жамият ҳәтида жуда катта роль ўйнайди. Чунки у ҳаётнинг барча соҳаларида ижтимоий муносабатларни тартибга соловучи воситадир.

Маълумки, давлат ва ҳуқуқ кишилик жамияти тараққиётининг муайян босқичида вужудга келган бўлиб, аста-секин ривожланиб борди. Инсоният тарихи турли типдаги давлатлар ва турли характердаги қонунларни билади. Қадимги за ўрта аср давридаги қонунлар анча иномумкаммал бўлиб, ҳаётнинг кўп томонларини ҳали тартибга сололмаган эди. Лекин у қонунлар ҳам ўзича, ўз даври ва маданияти даражасига мувофиқ асосий масалаларни кўзда тутарди. Масалан, қулдорлик давридаги муҳим қонунлардан бири — қадим Вавилон подшоси Ҳаммураппи қонуни эди. Эрамиздан ўн саккиз аср илгари харсанг тошга ўйиб ёзилган бу қонун кишилик жамиятидаги дастлабки ҳуқуқий актлардан бизгача етиб келган ва кам учрайдиган ёдгорликлардан биридир. Унда ўша замонда, яъни ибтидоий жамоалар замираиде эндиғина давлат ва ҳуқуқ иайдо бўла бошлигар даврдаёқ хусусий мулк жуда ҳам қаттиқ қўриқланганлигини кўрамиз. 282 моддадан иборат ушбу қонуннинг жуда кўп моддаларида хусусий ва шахсий мулкка қарши жиноятлар учун жазо белгиланган. Аввало, бирорнинг мулкига етказилган ҳар қандай зарар тўланиши керак бўлган. Агар айборнинг

¹ Бахтамов Р. Закон есть закон. М., 1968.
1968 г.

маблағи бўлмаса, унинг ўзи қул тариқасида сотилган ва хўжайиннинг мулкига айлантирилган.

Ўғирлик учун ҳам жуда қаттиқ жазо чоралари кўзда тутилган. Дехқоннинг молини ўғирлаганлик учун ўша молнинг қийматидан 10 баравар ошиқ миқдорда жарима, агар чорва моли подшо саройи ёки диний муассасага қарам бўлса, 30 ҳисса ошиқ жарима солилиган. Агар буни тўлашга қурби етмаса, айборд ўлим жазосига ҳукм қилинган. Борди-ю, шахс талончилик қилиб қўлга тушса, шу жойнинг ўзида ўлдирилган, ёнгни вақтида ўғирлик қиласа, ўтга ташлаб ёндирилган. Шу қонунда ўша даврдаги асосий йўналиш — талион системаси акс эттирилган. Чунончи, агар бирон киши ўзига (мавқеи) тенг шахснинг тишини синдириса, унинг ҳам тишини синдириш, кўзини ўйса, унинг ҳам кўзини ўйиш каби жазолар қўлланилган. Одам ўлдирганлик учун албатта ўлим жазоси қўлланилган.

Қадим замон қонунлари ҳамма жойда ҳам бенихоя қаттиқ оғир, эзувчи ва шафқатсиз, қонли қурол тариқасида қўлланилган. Қадимги Мисрда ҳар қандай зино учун ўтда ёндириш ёки михга ўтказиш усули билан ўлим жазоси, ундан ташқари бошқа хил жиноятлар учун жисмоний, яъни қўлни, бурун ва тилни кесиш, калтаклаш, ярадор қилиш каби жазолар қўлланилган.¹ Қадим ҳуқуқий манбаларда кўрсатилишича калла кесиш, тошиброн қилиш, сувга чўқтириш ва устига девор қулатиш каби усуллар ҳам қўлланилган. Хитой давлатида ҳам ўлим жазоси халқни қўрқитиш мақсадида жуда кенг равишда қўлланилган. Ўтда ёндириш, тирниклайн ерга кўмиш, қатл қилинган кишининг жасадни дарахтга, йўл ёқасига ёки бозорга осиб қўйиш расм бўлган. Кейинчалик бундай жазолар ўринига хун тўлаб қутулишга ҳам йўл қўйиладиган бўлди.

Кўхна тарих Ҳиндистонда чиқкан Ману қонуни, мусулмонларнинг шариат қонуни, қадимги юнонларнинг Дракон ва Салон қонунлари. Римда XII жадвал ва бошқа қонунлар. Германиянинг XVI асрдаги «Королина» (Жиноят кодекси), Петр I қонунлари каби қўплаб қадимий ва ўрта аср даврининг турли бошқа қонун манбаларини билади. Бу қонун актларида ҳуқуқнинг бир

¹ Мұхамедов Ҳ. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи. Тошкент, «Адолат», 1999. 45—65-бетлар.

қанча соҳалари, шу жумладан, жиноят ҳуқуқи, айниқса фуқаролик ҳуқуқи анчагина ривож топган эди.

Үмуман ана шу йўсинда турли тарихий даврларда турли соҳалар бўйича қонунлар чиқарилиб, ҳаётнинг у ёки бу масалалари тартибга солиниб келинди. Лекин ижтимоий муносабатлар жуда ҳам ривожланган давр— капиталистик тузум шароитида қонунлар тизими тараққий топди. Буржуа синфи тенг ҳуқуқлилик, адолатлилик, инсонпарварлик қонунийлик ўрнатиш тўғрисидаги илфор шиорларни кўтариб чиқди. Бу шиорларни халқ оммаси қўллаб-қувватлади.

XVII—XIX асрларда Англия, Франция ва бошқа кўпгина Фарбий мамлакатлarda кўп сонли қонунлар қабул қилинди. Булардан энг муҳими ва энг мукаммал қонунлар деб XIX аср бошларида Наполеон даврида Францияда қабул қилинган фуқаролик ва жиноят кодексларини тилга олсак бўлади. Уларда Рим ҳуқуқи таъсири катта эди.¹

Бу давлатларда хусусий мулкни қўриқлашга қаратилган қонунлар тез суръатлар билан ривожланди, хусусий мулк дахлсиз ва муқаддас деб, эълон қилинди. Россияда бу янги ижтимоий муносабатларни ўзида акс эттирувчи қонунлар мавжуд эди. Булардан XVII асрда қабул қилинган подшо Алексей Михайлович қонунлари («Соборное уложение»), 1845 йилги жиноий жазолар ҳақидаги қонун ва 1903 йили қабул қилинган «Уголовное уложение» — қонунлар мажмуасини кўрсатиш мумкин. Уларнинг ҳаммасига хос бўлган хусусият ҳукмрон синиф мулкини муқаддас ҳисоблаб, озгина бўлса-да путур етказишдан, уларни ҳар қандай йўл билан қаттиқ қўриқлаш, мавжуд тузум негизига зарар етказувчи ҳаракатларни жиноят ҳисоблаб, айбордога оғир жазолар қўллашидан иборат эди. Айниқса, сўнгги қонун («Уголовное уложение») Россия империясининг энг ашаддий реакцион қонунларидан бири бўлиб, у биринчи рус революцияси арафасида, яъни революцион ҳаракатлар ўсиб бораётган бир даврда қабул қилинган эди. Бу қонунда асосан чор самодержавиясига қарши курашчиларга нисбатан анча оғир жазолар, террористик характердаги жазо чоралари кўзда тутилган эди.

Урта Осиё республикаларида, шу жумладан, Ўзбе-

¹ Қаранг: Сайдов А. Х. Сравительное правоведение, юридическая география мира. Москва, 1993.— С.

кистонда ҳам ана шу қонунлар ва мусулмонлар учун шариат қонунлари амал қиласынан да жетекшілік асасан фуқаролик ишлари ҳам, мерос ва оила никоҳ ҳақидаги ишлар, ҳам күрилаверарди.¹

Үртада Осиёда одат ҳуқуқи ҳам мавжуд бўлиб, бундай ҳуқуқ нормалари Қозогистон, Қирғизистон ва Туркманистон ҳудудларида кўпроқ қўлланилар эди.

Амир Темур даврида, сўнгра Қўқон хонлиги, Бухоро амирлиги ва Хоразм хонлигига шариат қонунлари қўлланилар эди.

Қозоқ одат ҳуқуқида 1680—1718 йилларда тўплangan Таукехон қонунлари — «Жети жарға» қозоқ феодал давлатини мустаҳкамлашга хизмат қиласынан. Бу қонунда фуқаролик ва никоҳ, жиноят ҳуқуқи нормалари мавжуд бўлиб, ўрта аср муносабатлари акс эттирилган эди. Унга асасан жисмоний ва кўпгина бошқа оғир жазолар қўлланилар эди. Туркманистонда ҳам шу сингари одат ҳуқуқи ва Чор Россияси қонунлари амалда эди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

«...Халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим. Зоро, мустақиллик сўзининг замирида ҳам катта, улуғ ҳуқуқ-ка эга бўлиш деган тушунча ётади.²

Ҳар қандай мамлакатнинг демократик ва инсонпарварлик хусусиятларидан бири — инсонга бўлган муносабат, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари қандай ҳимоя қилинаётганлиги билан белгиланади. Шунинг учун ҳам кўпгина мамлакатлар тарихий ривожланиш жараёнида инсон ҳуқуқларига оид ўз қонунлар системасини яратган. Лекин давлат ва ҳуқуқ вужудга келган даврдан то 1948 йилгача жаҳон мамлакатларида бир йўниалишда «Инсон ҳуқуқлари»нинг халқаро қонуний асосининг аниқ бир шаклда яратилиши муаммоси ҳал қилинмаган эди.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги фикр олимлар томонидан турлича талқин қилинар эди.

Ўз тараққиёти даврига қараб инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунларни учта босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич 1789 йилги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари

¹ Қаранг: Сайдов А., Тошқулов Ж. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи, Тошкент, 1995.

² Каримов И. А. Юқсак ҳуқуқий тафаккур демократик жамият тақозоси ва барқарор тараққиёт йўлидан. Т. 6. — Т.: Ўзбекистон, 1998. 30-бет.

Француз Декларациясидан бошланиб, то биринчи жаҳон урушига қадар давом этган.

Бу босқичда инсоннинг шахсий ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар тез ривожланган. Бунга мисол та-риқасида АҚШ конституциясига киритилган биринчи ўнта қўшимча — Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Биллий кўрсатиш мумкин. Бу даврда шахс эркинлиги ва дахл-сизлиги, хусусий мулк ва сайлов ҳуқуқи билан боғлиқ муаммоларни тартибга солишга алоҳида эътибор бе-рилган.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар тараққиёти-нинг иккинчи босқичи XX асрнинг биринчи ярмини ўз ичига олган. Бу босқичда социалистик ғоялар таъсирида инсонларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларига оид қонунлар тез суръатда ривожланган.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқи тўғрисида қонунлар алоҳида аҳамият касб этган.

Франция ва Швециядаги социал қонунлар, 1920 йилги Веймар Конституцияси, Франция ва Йиалияниң 1946 йилги Конституциялари бунга яққол мисол бўла олади. Учинчи босқич XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келиб, бу босқичда Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро қонунларнинг янги системаси шаклланди.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 80 га яқин, Оврупо Қенгаши томонидан 160 дан зиёд, Юнескода 70 дан ортиқ, Овруподаги хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан 30 дан кўпроқ; турли минтақавий халқаро ташкилотлар томонидан ҳам кўплаб инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалар, конвенциялар, декларациялар, пактлар қабул қилинди.¹

Хозирги кунда ҳаммаси бўлиб инсон ҳуқуқлари бўйи-ча 500 га яқин халқаро ҳужжатлар мавжуд. Дунёдаги барча мамлакатларда инсон ҳуқуқларига оид қонунлар системаси шаклланган бўлиб қўйидаги беш таркибий қисмдан иборат:

Биринчиси: фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларига оид қонунлар — виждан эркинлиги, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи, судга шикоят қилиш ҳуқуқи ҳақида қонунлар;

Иккинчи: фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларига оид қо-

¹ Сайдов А., Султонов А. «Узбекистоннинг Республикаси Консти-туцияси ва инсон ҳуқуқлари» Адолат. 1998. 7-бет.

нунлар — жамоа бирлашмалари, сиёсий партиялар, сайловлар тўғрисидаги касаба уюшмалари, оммавий ахборот воситалари ҳақидаги қонунлар.

учинчиси: фуқароларнинг иқтиносидай ҳуқуқларига оид қонунлар — мулк, тадбиркорлик, ер, ижара хусусийлаштириш, истеъмолчининг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар.

тўртинчи маданий ҳуқуқларга оид қонунлар—фан, таълим, маданият, музейлар, кутубхона, маданий меросни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар.

бешинчиси: инсон ҳуқуқларига оид ҳалқаро ҳужжатлар кўп томонлама ва икки томонлама — миллий ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисми сифатида.

Ҳозирги дунё мамлакатларидаги демократия ва инсон ҳуқуқларига оид қонунчиликнинг ўзига хос хусусиятлари қўйидагилардан иборат.

— инсон ҳуқуқларини тўла амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш;

— конституциявий судловни ривожлантириш;

— инсон ҳуқуқларига оид ҳалқаро ва миллий институтларни шакллантириш;

— янги демократик институтларни, жумладан омбудсман институтини тараққий эттириши.

Барча мамлакатлар қатори мустақил Ўзбекистон Республикасининг ҳам асосий мақсади ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган. Ана шу мақсадда у мустақилликка эришилган дастлабки кунлардан доқ инсон ҳуқуқларига оид қонунлар системасини яратиш йўлидан борди.

Қисқа муддат ичida Республика Олий Мажлиси томонидан 300 га яқин қонунлар қабул қилинди. Шулардан 100 дан ортифи инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига тааллуқлидир.

Инсон ҳуқуқларига оид қонун 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Бош қонуннинг иккинчи бўлими инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари эркинликлари ва бурчларига бағишлиланган.

Конституциянинг 18-моддасида Республикаиздаги барча фуқароларнинг тенглигини эътироф этиб шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши

эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқендан қатъи назар қонун олдида тенгдир». Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинишида Умумжаҳон ва халқаро ҳуқуқ нормалари ўрганиб чиқилганлигини таъкидлаш лозим. Айниқса, инсон ҳуқуқларига оид иккинчи бўлимида халқаро ҳуқуқ нормалари мужассамлашгандир. Масалан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг З-моддасида «Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эга» дейилган бўлса, Ўзбекистон Конституциясининг 25-моддасида «Ҳар кимнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи» мустаҳкамланган.

Шундан кўриниб турибдик, мамлакатимиз Конституциясида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ нормалари эътироф этилган: Шу билан бирга Конституция ва бошқа қонунларимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида ўзига хос хусусиятлари ҳамда анъаналари ҳисобга олингандир.

Республикамизнинг ўзига хос хусусияти ва анъаналари эътиборга олинган ҳолда Конституциямизда демократик ва инсон ҳуқуқларига оид қуйидаги муҳим қондалар мустаҳкамланган.

1. Демократия ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш — бу давлат мажбуриятидир.

2. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари каталоги халқаро ҳуқуқий андозаларга мос келиши ва бу соҳада халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги;

3. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга туғилганидан бошлаб тааллуқлидир, яъни табиий ҳуқуқ ғояси нинг, назариясининг эътироф этилиши;

4. Ҳаммага ва ҳар кимга инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларининг тенг ва баробар тааллуқлиги;

5. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат идоралари фаолиятининг мазмунини ташкил этиши;

6. Фуқароларнинг кафолатланган суд ҳимояси билан таъминланиши;

7. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахслар ҳуқуқларини бузмаслик зарурлиги;

Шу билан бирга Республикамизнинг Конституцияси инсонга кенг кўламдаги ҳуқуқ ва эркинликлар бериши билан бирга, унга маълум мажбуриятлар ҳам юклайди.

Асосий конституциявий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча мухим соҳаларини ўз ичига олади. Лекин, унинг бошқа хилдаги ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларини батамом қамраб олмайди. Инсон ҳуқуқи, эркинликлари ва унинг мажбуриятлари инсон ҳуқуқларига оид бошқа қонунлар билан ҳам тартибга солинади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги қонунда Республика фуқароларининг давлат билан сиёсий ҳуқуқий муносабатларини, бу муносабатлар уларнинг ўзаро ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини ифодалашда аниқ ифодаланган.

Ўзбекистон Республикаси қонунларида мамлакатимиз фуқаролигини олиш ва уни тўхтатиш қоидалари, ота-оналар ҳуқуқлари, бурчлари, болалар ҳуқуқи, фуқаролар ҳуқуқларини таъминлашда ташкилотларнинг ва давлат идоралари тизими, уларнинг вазифалари, фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби, ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ва бошқа шу каби масалалар ўзининг ҳар томонлама демократик ечимини топган.

Умуман олганда Конституция ва инсон ҳуқуқларига оид барча қонунлар ҳар бир инсон учун, ҳаётй зарур бўлган ҳуқуқ ва эркинликларни ўзида мужассамлаштириб мустақил давлатимизнинг буюк келажак сари одимлаб боришига асос бўлиб хизмат қиласди. Инсон ҳуқуқларига оид қонунларнинг яратилиши билан бирга, уларнинг мазмуни ва моҳиятини ҳам билиб олиш лозим.

Ҳар қандай ҳуқуқ, шу жумладан инсон ҳуқуқлари инсоннинг биологик моҳияти билан эмас, балки унинг ижтимоий моҳияти, муайян жамият аъзоси эканлигидан келиб чиқади.

Франция буржуа инқилобининг 1789 йилги «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси» табиий ҳуқуқ мактаби ғояларидан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқларига баҳо берган. Декларацияда инсонга икки жиҳатдан изоҳ берилади: бир томондан, алоҳида олинган инсон, одам тарзida, иккинчи томондан — фуқаро, яъни бирон бир жамиятнинг сиёсий-ижтимоий гуруҳнинг аъзоси сифатида тавсифланади.

Шунга биноан, Декларация «Инсон ҳуқуқлари» ва

«Фуқаронинг ҳуқуқлари»ни белгилаб берган. Инсон ҳуқуқлари қаторига у туғилиши, билан мавжуд бўладиган, одамнинг инсоният жамиятига қўшилгунга қадар ҳолатидаги ҳуқуқлари йиғиндиси киради.

Фуқаронинг ҳуқуқлари деганда эса, инсон сиёсий жамиятга қўшилгандан кейин эга бўладиган ҳуқуқлари тушунилади.

Г. Гроций, Б. Спиноза, Дж. Локк, Ш. А. Монтесъеке, Т. Жеферсон ва бошқа кўплаб ҳуқуқшунос, файласуф олимлар табиатдан келиб чиқиб, ҳар бир кишига; яшаш ҳуқуқи, эркинлик ҳуқуқи ва мулк ҳуқуқи тегишилдири, деб таъкидлайдилар. Мазкур мутафаккирлар бўлажак янги давлат моделини ишлаб чиқиб, унда ҳар бир фуқаро эга бўлиши лозим бўлган асосий сиёсий ҳуқуқлар кўламини ҳам белгилаб бердилар. Бу ҳуқуқлар «Фуқаронинг ҳуқуқлари ёки фуқаровий ҳуқуқлар» номи билан юритиладиган бўлди.

Сиёсий ҳуқуқлар ёки фуқаровий ҳуқуқлар фуқаронинг давлат билан бўладиган ўзаро муносабатларидан келиб чиқадиган ҳуқуқлар йиғиндисидир. Шундай қилиб, буржуа давлатлари қарор топаётган даврда инсон ҳуқуқлари деганда инсоннинг табиий ҳуқуқлари, фуқаронинг ҳуқуқлари деганда эса ҳуқуқ, яъни давлат томонидан яратилган ҳуқуқлар тушуниладиган бўлди.

Француз Декларацияси инсон ҳуқуқлари қаторига эркинлик, мулк, хавфсизлик ва зулмга қаршилик кўрсатиш ҳуқуқларини киритади; фуқаронинг ҳуқуқларига эса фуқаронинг давлат-сиёсий ҳаётида иштирок этиш имкониятларини берувчи ҳуқуқлар, давлат ҳокимииятинг ўзбошимчалигидан муҳофаза этувчи ҳуқуқлар, шахснинг дахлсизлигини таъминловчи ҳуқуқларни киритади.

Инсоният тараққиётнинг барча босқичларида инсон ҳуқуқлари бўйича Шарқ мутафаккирлари ўз таълимот ва ғояларини тарғиб қилиб келганлар.¹

Шарқ файласуфи Абу Наср Форобий, инсон ҳуқуқи ҳақида фикр билдириб, инсон баҳтиёр ва тинч ҳаёт кечириши учун қандай бир жамиятда ялаши керак деган саволга жавоб қидириб «Ороу-аҳлилмадийнатилфозила» Маданиятли шаҳар аҳолисининг қарашлари» асарини ёзган.

¹ Бу масалага бағишлиланган қўйидаги йирик монографик тадқиқотга қаранг: Сайдов А., Жузжоний А. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари. Тошкент, 1999.

Форобий жамиятни «алмадина» деб атаб, уни, яъни «алмодий — натул — Фозила» ва «алмадийнатун — но зила»га ёки «алмадийнотул — жоҳила»га (тубан ва Билимсиз жамиятга) бўлади. Унингча «Мадийнаи фозила»даadolat ва ҳақиқий саодат ҳукмрон бўлиб, у Билимдон ва ақлли ҳукмрон томонидан бошқарилади.

Бундай раҳбар томонидан бошқариладиган жамиятда тартиб-қонда ўрнатилган бўлиб, одамларнинг ҳуқуқ ва маңфаатлари таъминланган, ҳамда тинч ва осойишта яшаши учун шароит яратилган бўлади.

Шарқнинг буюк шоирлари Ҳофиз Шерозий, Алишер Навоий, Шайх Саъдий ва бошқалар ўз асарларида инсонпарварлик ғояларини тараннум этиб, одамлар ўртасида меҳр, оқибат,adolat ва инсоф бўлишини таъкидлаганлар.

Адолат, инсонпарварлик ғояларига Амир Темур салтанати даврида ҳам алоҳида эътибор берилганинги таъкидлаш жоиз.

Темурийлар буюк давлатининг асосчиси Темурбек Иби Тарагай, ёшлигиданоқ зўравонлик ва зўравонларга қарши кураш олиб бориб, жамиятдаadolat меъёрлари га мувофиқ иш юритиш туйғулари билан бирга ўди. Темур асос солган давлатда ўрнатилган ҳуқуқий система ҳар доим устун туриб, унинг нормаларига риоя қилиб амалга ошириш барча учун мажбурий, тартибни бузган ва ўз вазифасини бажармаган кишиларга қаттиққўллик билан муносабатда бўлган.

Айтиш мумкинки, Темурийлар даврида қолган бирон бир бинони ҳам илм-адолат, ҳикмат, айниқса, илмга доир оятлар, ҳадислар ва ҳикматли сўзларсиз кўриш мумкин эмас.

Амир Темур давлатида мусулмон ҳуқуқининг асосий қондаларидан бири бўлмиш ва ҳозирда ҳам халқаро миқёсда қабул қилинган қоида, яъни «жиноят учун шахсий жавобгарлик»ка жиддий риоя қилинган; яъни жиноятчининг гуноҳи учун унинг қавм-қариндоши, оға-инилари жиноятда иштирок этмаган ҳолда жавобгар бўлмаганлар, шунингдек, жиноятга қўл урган киши, жазосиз қолдирилмаган. Амир Темур ушбу қоидани давлат ҳуқуқ системасининг асосий қондаларидан бири, деб билган. Ана шундай, қоиданинг ҳаётга тадбиқ этилиши, ўша даврда салтанат томонидан ҳимоя қилингандигидан далолатдир.

Маълумки, Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳурмат ва

эътиборга молик меросларидан бири унинг сиёсий — хуқуқий қарашлари бўлган «Темур тузуклари»дир. Дунёниг турли тилларига таржима қилинган ушбу асар, давлатни идора қилиш усуллари, қўшинни ташкил этиш қоидалари, урушларда амалга оширилиши зарур бўлган турли ҳарбий услублар сингарни қатор сиёсий, хуқуқий, ҳарбий ва ахлоқий ғоялар ва меъёрларни ўз ичига олган.

«Темур тузуклари»да инсонни ҳимоя қилиш, унинг қадр-қимматини эъзозлаш муҳим ўрин тутади. Тарақ-қиётнинг кейинги даврларида ҳам инсон ҳуқуқлари бўйича кўпгина ҳуқуқшунослар ва файласуфлар томонидан фикр ва мулоҳазалар билдириб келинган.¹ Жумладан, хориждаги ҳуқуқшунос олимларнинг инсон ҳуқуқи ҳақидаги фикрлари бўйича Россия ҳуқуқшунос олими С. А. Комаров шундай деб ёзди: «Хорижда, аксарий ҳолларда «Инсон ҳуқуқлари» деганда шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни, «Фуқаронинг ҳуқуқлари» остида эса сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларни тушунадилар».²

Инсон ҳуқуқлари мураккаб ва кўпқиррали бўлиб, одамнинг туғилиши ва инсон ҳуқуқларига оид ҳуқуқий нормаларнинг яратилиши билан боғлиқdir.³

Инсон ҳуқуқларининг ўзи нимадардан иборат деган саволга БМТ нашриёти томонидан нашр этилиб «Инсон ҳуқуқлари: саволлар ва жавоблар» деб аталган рисолада қўйндагича жавоб берилган: «Инсон ҳуқуқлари, уларсиз ҳаёт кечириш мумкин бўлмаган, бизнинг барча инсоний, туғма ва табиий ҳуқуқларимиздан иборатdir.

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар, бизга ўз истеъодимиз, ақл, виждонимиздан муқаммал суратда фойдаланиб, ўзимизнинг барча маънавий ва жисмоний эҳтиёжларимизни қондириш учун имконият беради.⁴

Дунё мамлакатларидаги кўпгина олимлар ўз фикр ва мулоҳазалари билан инсон ҳуқуқларига оид таълимотни янада бойитмоқда. Маълумки, инсон ҳуқуқларига оид асосий ҳужжат Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясидир. У Муқаддима ва 30 моддадан иборат бўлиб, унда инсоннинг асосий ҳуқуқлари, қадр-қиммати,

¹ Темур тузуклари. Тошкент, 1996 й.

¹ Комаров С. А. Общая теория гос и права: Курс. Лекций — М., 1996.

³ Общая теория прав человека. М., 1996, 3 с. 4.

⁴ Инсон ҳуқуқлари: саволлар ва жавоблар. Т., 1997, 17-бет.

инсон шахсининг беназирлиги ҳамда эркаклар билан аёлларниң тенг ҳуқуқлариги ўз ифодасини тоғган.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаон Декларацияси инсиятиниң барча аъзоларига хос ажралмас ва бузилмас ҳуқуқларни эълон қилувчи асосий халқаро ҳужжатдир.

Унда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларни тўрт гуруҳга ажратиб таснифлаш мумкин.

Биринчи гуруҳга элементар ҳуқуқ ва эркинликлар киради. Булар: яаш, эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқи (3-модда); қулликдан эркин бўлиш ҳуқуқи (4-модда); қийнаш ё шафқатсиз, файринисоний муомала қилишнинг ёки жазолашнинг таъқиқланиши (5-модда), қонун олдида тенглик (7-модда); одил судловнинг процессуал кафолатларига оид қатор ҳуқуқлар (8—11-моддалар); шахсий ва оиласий ҳаётга ўзбошимчалик билан аралашувдан ҳамда кишининг шаъни, обрў-эътиборига дахл қилинишидан ҳимояланиш, уй-жой дахлсизлиги, ёзишмаларнинг сир сақланиши. (12-модда).

Иккинчи гуруҳга фуқаровий ҳуқуқлар киради: шахснинг ҳуқуқ соҳиби эканлигини жой олиннишига бўлган ҳуқуқи (6-модда); давлат ҳудудида эркин ҳаракат қилиш ва турар жойни эркин танлаш ҳуқуқи (13-модда), сиёсий бошпана сўраш ҳуқуқи (14-модда); фуқароликни олиш ҳуқуқи (15-модда); никоҳга кириш ва оила қуриш ҳуқуқи (16-модда) мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи (17-модда).

Учинчи гуруҳга сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар киради; фикрлаш, виждон, дин эркинлиги (18-модда); эътиқод ва уни баён этиш эркинлиги (19-модда); тинч йиғилишлар ўтказиш ва уюшмаларга бирлашиш эркинлиги (20-модда); мамлакатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи (21-модда);

Тўртинчи гуруҳга иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар, яъни меҳнат қилиш ва эркин касб танлаш ҳуқуқи, тенг меҳнат учун тенг ҳақ олиш ҳуқуқи, касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, мурайн ҳаётий даражага бўлган ҳуқуқ илм олиш ҳуқуқи (22—28-моддалар).

Демократик тараққиёт йўлини танлаган ва жаҳон ҳамжамиятига аъзо бўлган ҳар бир давлат ўз фуқаролари учун юқорида санаб ўтилган ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашни ўз зиммасига олади.

Хусусан Ўзбекистон Республикаси ҳам ҳуқуқий, демократик ва адолатли фуқаролик жамият қуриш йўли-

дан бориб инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида ижобий ишларни амалга ошироқда.

Республикамизда қисқа вақт ичида инсон ҳуқуқларига онд қонунлар системасининг яратилиши ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Бу борада Олий Мажлиснинг ўн биринчи чақириқ XII сессиясида Президентимиз И. А. Каримов «...бошқа соҳалар қатори давлат қурилиши, иқтисодий ислоҳ қилиш, маънавий янгиланиш, сиёсий тузумни шакллантириш ва жамиятнинг демократик асосларини вужудга келтириш, инсон ҳуқуқларини ва эркинликларини ҳимоя этиш соҳаларида ҳам янги мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилганлигини»¹ алоҳида таъкидлади.

Янги қонунлар яратилиши жараёнида мамлакатимизда ҳуқуқий давлат барпо этилмоқда ва у инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ижтимоий ҳуқуқий фаоллигини оширишда мужассамлашмоқда. Ана шу тариқа қабул қилинаётган қонунлар ёш мустақил давлатимизнинг буюк келажак сари одимлаб боришига асос бўлиб хизмат қиласди. Лекин, юртбошимиз таъкидлаганидек; «Қонун қабул қилиш — бу ишнинг ярми холос»², амалда қонунларининг ижросини таъминлаш республикамизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг кундалик вазифаси бўлмоғи керак.

Қонунларни амалда қўллаш, уни ҳаётга тадбиқ қилиш мураккаб жараён. Қабул қилинаётган қонунлар моҳиятини, мазмунини тўлиқ ўрганиш, унинг амалда ижросини таъминлашда ҳуқуқий маданият муҳим роль ўйнайди. Ҳар бир фуқаронинг қонунда кўрсатилган ижтимоий муносабатларини онгли равишда бажариш, демократик ҳуқуқий жамиятни шакллантиришнинг, инсонни давлат олдидаги бурчларини англашни ва қонунда кўрсатилган ўз ҳуқуқ ва эркинликларини онгли равишда ўзи ҳимоя қилишининг зарур шартидир.

Инсоннинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда ҳуқуқий маданиятнинг аҳамияти катта. Жамиятда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни тақозо этади. Афсуски, ҳамма фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти онги, уларнинг ҳуқуқий қарашлари ва фаоллиги

¹ Каримов И. А. Халқимиз жипслиги — тинчлик ва тараққиёт гарови—Т.: Ўзбекистон. 1998, 5—6-бетлар.

² Ўша жойда. 7-бет.

етарлича эмас. Бунинг эса кундалик ҳаёти ҳуқуқий муносабатларга салбий таъсири бўлиб, биринчидан, ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунида назарда тутилган механизмидан фойдалана олмасалар; иккинчидан, қонуннинг моҳиятига ва мазмунига тушунмаслиги туфайли, қонунда белгилаб қўйилган мажбуриятларни бажармайдилар, натижада эса қонунбузарликлар рўй беради.

Қонуннинг моҳиятини тўлиқ тушунмаслик ва идрок этмаслик ҳоллари нафақат фуқаролар, балки мансабдор шахслар томонидан ҳам иш фаолиятларида лоқайдик, масъулиятсизлик рўй бермоқда, натижада қонунбузарлик, инсон ҳуқуқи ва манфаатларини камситиш ҳолатлари содир бўлмоқда. Ача шундай салбий ҳолатларга кескин танқидий баҳо бериб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов 1997 йил 20 майда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи муассасалар раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда, ҳамма фуқаролар ҳам етарли даражада ҳуқуқий маданият ва онгга эга эмасликлари, ахборот олишда ижтимоий фаоллик кўрсатмаётганликлари, республикада жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳуқуқий билимларнинг ҳеч бўлмаганда энг асосийларини ўзлаштириб олиш учун ҳамда аҳоли турли ижтимоий гуруҳларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган ҳуқуқий маориф учун амалий механизм яратилмаганлиги, мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари камситилиши ҳоллари кўпинча ҳуқуқий билимларнинг етарли эмаслиги, ҳуқуқий маданият даражаси пастлиги туфайли юз бераётганлигини таъкидлаб ўтди. Мана шу сабабларга кўра, кўпгина ҳолларда фуқаролар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда амалдаги мавжуд қонунлардан фойдаланмайдилар. Фуқароларнинг ижтимоий ҳаётда, ҳуқуқий муносабатларда фаол иштирок этмаслигининг асл сабаби — ҳуқуқий маданият даражасининг етарли эмаслигидир.¹

Шу муносабат билан табиий савол туғилади: «Ҳуқуқий маданият тушунчаси қандай? «Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда у қандай роль ўйнайди?»

¹ Каримов И. А. Миллий давлатчилик, истиқлол мафкураси ва ҳуқуқий маданият турлари. — Т., 1999, 412—416-бетлар.

Хуқуқий маданият тушунчаси, хуқуқининг ривожланиш даражаси, аҳолининг хуқуқ ҳақидаги тушунчаси, қонуичиликнинг аҳволи, хуқуқни амалга ошириш ишларини ташкил этиш, хуқуқнинг обрўйи ва шу сингари тушунчалардан ташкил топади. Демократик жамият қуриш жараёнида қонунларнинг қабул қилиниши, жамоат ташкилотлари ва хуқуқни муҳофаза қилиш органларининг амалиётда қай даражада олиб борилаётганлиги хуқуқий маданият ҳолатига кўп жиҳатдан боғлиқ. Фуқароларнинг хуқуқий маданиятни шакллантириш ва мустаҳкамлашда қисқа муддат ичида фаолият кўрсатоётган бўлса-да, «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллӣ марказ», «Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили», ижобий натижаларга эришмоқда. Улар томонидан тайёрланаётган ва нашр этилаётган кўпгина илмий-оммабоп китоблар Республикаизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ва Фуқароларнинг хуқуқий маданиятини янада ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Хуқуқий маданиятнинг юксалишида ҳуқуқий таргигбот ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам янги қонунларни халқ ўртасида тушунтириш, мақолалар чоп этиш, газета ва журнallарда ҳуқуқ масалалари бўйича маслаҳатлар бериб бориш, қонун ва ҳуқуқий нормалар тўпламлари бўйича шарҳлар чиқариш, ҳуқуқ бўйича дарслклар, ўқув қўлланмалар нашр этиш, кенг жамоатчилик ўртасида маърузалар билан чиқиш, телевидение орқали янги қабул қилинган қонунларга тушунчалар бериб бориш орқали фуқароларнинг хуқуқий маданиятини ошириб бориш зарур. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, бошқа ўқув юртлари билан ҳамкорликда фаоллик кўрсатмоқда ИИВ Академияси ҳуқуқшунос олимлари томонидан инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқий маданият тўғрисида жуда кўп илмий-назарий китоблар чоп этилди¹.

Қисқа вақт ичида Академиянинг «Хуқуқ—Право»—журнали, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллӣ марказнинг

¹ Тожихонов У., Сайдов А. Х. Ҳуқуқий маданият назарияси. 2 томлик, Тошкент, 1998 Сайдов А. Х., Султонов С. А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари. Т., 1998 Қаюмов Р. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Т., 1998 Тожихонов У. Ўзбекистонда мустақил давлатчиликнинг ҳуқуқий маънавий муаммолари. Т., 1996; Инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқий маданият. Т., 1997; Тожихонов У. Мустақиллик, ҳуқуқий мафкура ва Конституция. Т., 1996. Раҳмонкулов Х., Раҳматов А. Права чөлозека. Істория современности.—Т., 1998. ва бошқалар.

«Демократиялаш ва инсон ҳуқуқлари» журнали, «Ижтимоий фикр» журналларида инсон ҳуқуқи ва эркинлиги назариясига оид мақолалар чоп этилиб, республикамизда бу соҳадаги қонунлар мажмумини бойитишга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Қонунларни тарғиб қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий билим савияларини оширишда маҳаллий ҳокимиятлар, ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари, суд, прокуратура ва милиция органларининг роли катта.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш органларидан бири — одил судловдир.

Президентимиз И. Қаримов Олий Мажлиснинг VI сессиясида «Суд — жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланниб, ҳақиқатдан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозим»¹ деб уқтирган эди. Ўзбекистон Конституциясига асосан ҳар бир шахс ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг файриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилишга ҳақлидирлар. Судлар Фуқароларнинг шикоятларини кўриб чиқиб қонун асосида қарор қабул қиласидар.

Суднинг фуқаролик, жиноят ишлари юзасидан чиқарган ҳукми ва қарорлари биронта идора томонидан бекор қилинмасдан, уни фақат юқори судларгина кассация ва назорат тартибида кўриб бекор қилишлари, ўзгартиришлари ва ўзгартирмасдан қолдириш ҳуқуқига эгадирлар. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлмаган айрим турдаги фуқаролик ва жиноят ишлари жамоат ташкилотларига ва жамоат судларига берилиши мумкин бўлса-да, лекин уларнинг чиқарган қарорлари қонунийлигини текшириш вазифаси судларга юклатилган. Суд бажарадиган вазифаларни бошқа идоралар ўз зиммасига оладиган бўлса, бундай ҳолда одил судлов тўғрисида Конституцияда белгиланган қоидаларнинг бузилиши рўй беради. Шунинг учун, судлар ва бошқа идоралар ишларига тааллуқлилик қоидасига риоя қилган ҳолда иш тутишлари лозим.

Бу қондага кўра, Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, дини, иж-

¹ Қаримов И. А. Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Т.: Ўзбекистон, 1996, 35-бет.

тимоий келиб чиқиши, эътиқоди ,шахсий ва ижтимоий мавқендан қатъий назар қонун ва суд олдида тенгдирлар.

Фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенғлиги икки турдаги мазмунга эга: бириңчиси, ҳаммага бирдай бўлган ягона суд тўғрисидаги қоидадан иборат бўлса, иккинчидан ҳаммага баробар татбиқ қилинадиган ҳуқуқнинг ягоналиги (бир хиллиги) тўғрисидаги қоидадан иборат. Шундай экан, Конституцияда эътироф этилганидек, суд фақат қонунга бўйсуниб инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилган ҳолда иш кўришлари лозим.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилувчи қонунларга риоя этишни назорат қилишда Прокуратура органлари алоҳида роль ўйнайди. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг З-моддасида Прокуратура органларининг инсон ва фуқароларни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат олиб бориши зарурлиги белгиланган.

Прокуратура органлари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бузиш ҳолларини аниқласа, тегишли мусасса ёки мансабдор шахсларга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш ҳақида тақдимнома юборади, прокурорнинг тақдимномасини бажариш ҳамма учун мажбурийдир. Прокурор фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқләнадиган манфаатларини ҳимоя қиласди ва бу соҳада амалий фаолият кўрсатади.

Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун уларнинг тегишли мансабдор ваколатли шахсларга мурожаат этиши тегишли қонунлар билан тартибга солинган бўлсада, бироқ айрим мансабдор шахсларнинг ҳаракатларида қонунларни менсимаслик иллатлари мавжудлиги ва қонун устуворлиги масалаларига аҳамият бераслиги амалиётдан маълум.

Қонунларга амал қилиш учун уларнинг мазмунни ва моҳиятини ҳар бир фуқаро ва мансабдор шахслар тўғри аниқлаши лозим.

Ҳақиқатан ҳам ҳар бир фуқаро хоҳ у мансабдор шахс бўлсин, хоҳ оддий ишчи бўлсин қонунда белгиланган ҳақ-ҳуқуқларини яхши билишлари, шу билан бирга қонунда белгиланган бурчларини ҳам унутмасликлари лозим.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қи-
лувчи органлардан яна бири ички ишлар органлари дидир. Инсон ҳуқуқларини, эркинликларини ва хавфсизликла-
рини таъминлаш борасида ички ишлар органларига
жуда катта масъулнят юклатилган.

Бу борада ички ишлар органлари ходимлари нима-
ларга эътибор бериши керак? Шу даврга қадар, наза-
рияда ҳам, амалиётда ҳам инсон ҳуқуқларининг ички
ишлар органлари томонидан ҳимоя қилиниши масаласи-
га кам эътибор бериб келинган эди. Бугунги кунда ички
ишлар органлари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда
асосий куч сифатида гавдаданмоқда. Мисол учун, бир
ҳуқуқбузарнинг жамоат жойда қонунга хилоф хатти-
ҳаракатини бартараф қилиш билан бир неча фуқаролар-
нинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинаётганлигини эътиборга
олинса ёки бир ўғирлик жиноятини фош қилиш билан
жабрланувчининг мулкини қайтариб бериш ёхуд бир
қидирудва бўлган ашаддин жиноятини ушлаш билан
бир неча фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш шуб-
ҳасиз, инсон ҳуқуқларининг ички ишлар органлари то-
монидан ҳимоя қилинаётганлигини айтиб ўтиш мумкин.
Шундай экан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиншдаги ички
ишлар органларининг роли катта эканлигини айтиб ўтиш
жоиз.

Лекин, амалиётда ички ишлар органлари томонидан
инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида жуда кўп
муаммолар мавжуд. Ҳусусан ички ишлар органлари хо-
димлари жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг
хавфсизлигини таъминлаш пайтида қонунбузарлар то-
монидан уларнинг ҳуқуқлари бузилса, баъзан ички ишлар
органлари ходимларининг ўзлари томонидан инсон ҳуқуқларини
бузиш ҳоллари ҳам учраб туради. Ана шундай салбий оқибатларга барҳам бериш учун нима-
ларга эътибор бермоқ керак.

Биринчидан, ҳар бир ички ишлар органларининг хо-
димлари амалдаги қонунларни яхши ўрганишлари, унинг
моҳиятига тушуниб етишлари керак;

Иккинчидан, Қонунларни ва ички ишлар вазирлиги
томонидан чиқарилган буйруқларни оғишмай бажариш,
яъни қонунийлик принципига риоя қилиш зарур;

Учинчидан, мавжуд қонунларни унинг моҳиятини
кенг омма ўртасида тарғиб қилиб бориши керак;

Тўртинчидан, ҳар бир милиция ходими янгича фикр-

лаш қобилятига эга бўлиши, ҳуқуқий маънавият ва маданият эгаси бўлмоғи керак.

Умуман олганда ички ишлар органлари ходимларини янгича фикрлашга ўргатиш, уларда янгича ҳуқуқий онгни шакллантириш, шубҳасиз инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда катта аҳамият касб этади. Мамлакатимиздаги ҳуқуқий муносаbatлар ўзгариши жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда маҳаллий ҳокимият, ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотларининг ҳам масъулити оширилган.

Ўзбекистон Конституциясининг 2-моддасида мустаҳкамлаб қўйилганидек, давлат идоралари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ана шу қондага мувофиқ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга жамоат ташкилотларининг ҳам жалб қилинганини айтиб ўтиш лозим. Бу масалага ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор берилмоқда.

Президентимиз И. Каримов 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оиласларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Фармони билан кўп болали оиласларга нафақалар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланиши белгилаб қўйилган бўлса, 1999 йил 13 январдаги «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»ги Фармонига биноан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда ушбу органларнинг ваколатлари янада кенгайтирилиб, масъулитлари оширилди.

Президентимиз томонидан қабул қилинган бу фармон бир вақтнинг ўзида аҳолини, айниқса, кам таъминланган оиласларга ижтимоий мадад кўрсатиш билан бирга, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги муҳим ҳужжатдир.

Фармонда белгилаб қўйилишича, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан аҳолига ижтимоий мадад кўрсатиш чоғида ижтимоий адолат тамойилларига, қарорларни қабул қилиш чоғида ошкораликка риоя этиш ва ажратилган маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш асосий шартлардан ҳисобланади.

Шунингдек, ўзини-ўзи бошқариш ўз аъзоларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда жамоат ташкилотлари ҳам қонун доирасинда юқори органларга мурожаат қилиш, уларнинг поймол қилинган ҳуқуқларини тиклашда ҳам фаол иштирок этишлари зарур. Инсон

ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилишдаги яна бир орган сўнгги пайтда тўртинчи ҳокимият деб аталувчи оммавий ахборот воситалариディр. Газета ва журналларда инсон ҳуқуқ ва манбаатларига ва уларнинг мажбуриятларига оид кўпроқ мақолалар чоп этилса мақсаддага мувофиқ бўлур эди.

Кейинги вақтда фуқароларимиз парламент томонидан қабул қилинган янги қонунларни билмасликлари, билса-да, тўлиқ моҳияти ва мазмунига тушуниб етмасликлари, вилоят, шаҳар, туманларда ҳокимият вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳуқуқий тарғибот ишларида сусткашликка йўл қўйилаётганлигидан далолат бермоқда. Чунки жойларда ҳокимиятлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ҳуқуқий тарғибот масалаларига кам эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил август ойида бўлиб ўтган XII сессиясида Президентимиз И. А. Каримов ўз маърузасида ана шундай камчиликлар ҳақида тўхталиб «Фуқароларга берилган ҳуқуқ ва эркинликлар жамиятимиз қабул қилган қонун-қондалар доирасида амал қилиниши керак. Бу ҳуқуқларни ҳаётга жорий этиш учун ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро ўз конституциявий ҳуқуқларини унга шу ҳуқуқни берадиган қонунларни пухта билишлари зарур. Бусиз инсон ҳуқуқлари ва инсон эркинликлари тўғрисида ги барча мушоҳадалар қуруқ гап бўлиб қолаверади»¹ деган эди. Юртбошимиз ўз маърузасида фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти тўғрисида гапириб, бу ўринда кўп нарса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи раҳбарларга боғлиқлигини, энг муҳими, уларнинг ўзлари қонун талабларини сўзсиз бажаришда қонунларга итоат қилишда бошқаларга ўрнақ бўлишлари лозимлигини алоҳида кўрсатиб ўтади. Инсон ҳуқуқ ва манбаатларини ҳимоя қилишда ҳуқуқий тарғиботнинг ҳуқуқий маданиятнинг нечоғлиқ узвий боғлиқлигини гапириб ўтмасдан бўлмайди.

Ҳуқуқий тарғибот йўли билан ҳуқуқий билимларни халқимизга етказиш ҳуқуқий маданиятнинг янада юксалишининг зарур шартиди. Хулоса қилиб айтганда, инсон ўз ҳуқуқини ва манбаатларини юксак ҳуқуқий маданиятга эришмасдан ҳимоя қилиб бўлмайди.

¹ Каримов И. А. Халқимиз жипслиги — тинчлик ва тараққиёт гарови. Т.: Ўзбекистон, 1998, 10-бет.

Жамиятимизда ҳуқуқий муносабатларнинг барча иштирокчилари, ҳокимият, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари, жамоат ташкилотлари, ўзини-ўзи бошқариш органларининг раҳбарлари ва давлатимизнинг ҳар бир фуқароси юксак ҳуқуқий маданиятга эга бўлсалар, қонунийликни таъминлаш ва инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш механизми самарали ишлайди.

Хуллас, инсон ҳуқуқлари ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш жамиятимиздаги давлат ва жамоат ташкилотларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг, ҳар бир мансабдор шахснинг олдида турган юксак вазифасидир. Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш эса, инсон ҳуқуқларининг тўла таъмин этилишининг муҳим шартидир.

КОНСТИТУЦИЯ — АСОСИЙ ҚОНУН

1991 йил 31 августда мамлакатимиз олий органи — Олий Кенгаш ватанимизни мустақил Ўзбекистон Республикаси деб эълон қилди. Ушбу воқеа Ўзбекистон халқлари учун жуда катта ҳурлик ва озодлик олиб келди ва элимизга зўр баҳт ва саодат баҳш этди. Раҳбар доираларда тузилган тегишли Конституция Комиссияси тез орада ишга тушиб, озод мамлакатимизнинг энг демократик ва замон талабларига жавоб берадиган янги конституциясини тузишга киришди.¹

Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов раҳбарлигига тез суръатлар билан иш олиб борган мутахассис ва олимлар қазкор Конституциясини лойиҳасини тайёрлаб, жаҳоннинг бир неча илгор демократик мамлакатларида экспертизадаи ўткизаб, республикамиз XII чақириқ Олий Кенгашининг XI сессиясига тақдим этди. Ана шу сессияда 1992 йил 8 декабрь куни Конституция лойиҳаси чуқур муҳокамадан сўнг бир овоздан қабул қилинди.²

Бу Конституция мустақил мамлакатимизнинг демократик принципда тузилган дастлабки асосий қонуни бўлиб, республикамиз ижтимоний, иқтисодий ҳаёти-

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциясини яратиш тизими бўйича батафсил қараг: Ҳразаев Ш. З.: Мустақил Ўзбекистон Конституцияси, Тошкент; Адолат, 1994.

² Қараг: Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. Т.: Ўзбекистон, 1995, 16-бет; Тожихонов У. Закон, человек, государство. Т.: 1997. с. 11—19.

ни тартибга солиб, барча соҳа қонунлари учун юридик асос бўлди. Ушбу қонун 6 бўлим, 26 боб, 128 моддадан иборат бўлиб, унда давлат сувренитети, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонуннинг устунлиги, ташқи сиёсат, фуқаролик, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий ҳуқуқлар, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатлари фуқароларнинг бурчлари, жамиятнинг иқтисодий негизлари, жамоат бирлашмалари, оила, оммавий ахборот воситалари, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳудудий тузилиши, Қорақалпоғистон Республикасининг сувренитети, сайлов системаси каби масалалар кўзда тутилган.

Собиқ совет давридаги Конституцияга нисбатан бу бош қонун давлатимизнинг мустақиллиги, тўлиқ сувренитетга эга эканлиги, сайлов системасининг кенг демократик асосга қурилганлиги, инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг кенгайтирилганлиги, инсонга хусусий мулк, тижорат, тадбиркорлик, бозор муносабатларини ривожлантириш масалаларида тўла эркинлик берилганлиги, Президентлик идора усули ўрнатилганлиги, фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқлари кенгайтирилганлиги ва бошқа шу каби кўпгина имтиёзлар кўзда тутилганлиги билан фарқ қиласди.

Ўзбекистон Конституцияси ўзида республика халқларининг эрки, руҳияти, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Энг аввало у халқаро ҳуқуқнинг умуминсоний қадрияти ва бирламчи ҳуқуқига суюнган»¹ Конституция ўзида инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг деярли асосий қондалари: инсон ҳаёти, шахсияти ва эркинлиги дахлсизлигини қамраб олган. Конституцияда мустаҳкамланган асосий ҳуқуқ ва эркинликлар ҳар бир инсонга ирқи, жинси, миллати, келиб чиқишидан қатъий назар ҳар бир фуқарога тааллуқли бўлиб, барча учун тенг ва баробарdir. Фуқароларнинг ҳамма соҳаларда тенг ҳуқуқлилиги 18-моддада қўйида-гича таърифланган: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаро бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар». Шу билан бирга баъзи бир-

¹ Ўзбекистон Республикаси— мустақил давлат. Тошкент, «Адолат». 1995. 16-бет.

фуқароларга имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйилиши ҳамда ижтимоий адолат принциплари асосида бўлиши тўлиқ кафолатланган. Асосий қонун ҳар бир фуқаро учун ҳаётий зарур бўлган ҳуқуқ ва эркинликларни ўзида мужассамлаштирганилиги билан ҳам муҳим ҳужжатдир. Шахс ёки фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақидаги боб ва ундан маддалар мантиқий мазмунга эгадир. Булар ҳуқуқ ва эркинликларнинг, шахс ва фуқаролар турмуш даражаларининг ўзига хос хусусиятларини ифода этади. Ана шу белгиларига асосланиб, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар уч гурухга бўлинган.

Биринчи гурухга фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари киради. У инсон ҳуқуқининг ҳамма жабҳаларини қамраб олган бўлиб ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бу хусусият ўз моҳияти билан инсон, яъни ҳар бир шахснинг ҳуқуқлари ҳисобланниб, уларнинг қайси давлатнинг фуқаролигига мансуб эканлиги билан боғлиқ бўлмайди. Бу тўғрисида Инсон ҳуқуқлари Умумжакон декларациясининг 2-моддасида қўйидагича баён қилинган: «Ҳар бир инсон ирқи, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва барча эркинликка эга бўлиши зарур.

Бундан ташқари, инсон мансуб бўлган мамлакат ёки ҳуқуқнинг сиёсий, ҳуқуқий ёки ҳалқаро мақомидан, ушбу ҳудуд мустақилми, восийми, ўз-ўзини идора қиласидими ёки бошқача тарзда чекланганилигидан қатъи назар бирор бир айрмачилик бўлмаслиги керак».

Демак, Декларацияда ҳам, Конституциямизда ҳам эътироф этилганидек, шахснинг мазкур ҳуқуқлари дахлизидир ва ҳар бир шахс туғилиши биланоқ ана шу ҳуқуқларга эга бўлади. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг Конституцияда юридин жиҳатдан мустаҳкамланиши, табиийки бизнинг янги давлатимизнинг демократик ҳуқуқий ва фуқаролик жамияти қураётганилигидан давлат беради. Инсоннинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири — унинг яшаш ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ Конституциянинг 7-бобида мустаҳкамланган. Инсоннинг тинч, осойишта ҳаёт кечириши учун шароит яратиш мажбуриятини давлат ўз зиммасига олади. Бир вақтнинг ўзида фуқароларга ҳам тегишли мажбуриятлар юклатилиб улар қо-

иунларга ва ички тартиб қоидаларга риоя қилишлари зарур. Конституция яшаш ҳуқуқини кафолатлаш билан бирга, инсонларни ҳимоя қилиш мақсадида, оғир жиноят содир этганларга нисбатан ўлим жазоси қўллаш ҳолларини камайтириш чораларини ҳам белгилайди.

Биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг XII-сессияси қарори билан Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг бешта моддасидан ўлим жазосининг олиб ташлашиши, фикримизга мисол бўёла олади.¹

Инсоннинг шахсий ҳуқуқлари доирасига давлат томонидан унинг шаънини ҳимоя қилиш ҳуқуқи киради. Асосий қонунда эътироф этилган давлат муҳофаза этаётган ҳуқуқлар қаторида шахснинг соғлигини ҳимоя қилиш, туар жой дахлсизлиги ҳуқуқи, республика ҳудудида эркин ҳаракат қилиш, эркин чиқиб кетиш ва эркин қайтиб келиш ҳуқуқи, эркин фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, ўз хоҳиши бўйича бошқа усуслар билан ҳар қандай маълумот олиш ва тарқатиш каби инсон ҳуқуқларининг муҳим томонлари ҳам қайд қилинган.

Шахсий ҳуқуқлар тизимида виждан ва диний эътиқод эркинликлари ҳам муҳим ўрин тутади. Бизнинг фуқаролик жамиятимизда динга ишониш ҳар бир инсоннинг шахсий ишидир. Конституциянинг 31-моддасида таъкидланишинча, «ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди».

Бош қонунимиздаги инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг иккинчи грухига унинг сиёсий ҳуқуқлари киради. Ҳар бир давлат ўзининг сиёсий ва иқтиносидай шароитига кўра аҳолисининг инсоний ҳуқуқларини амалга оширишни қай ҳолатда таъминлашни ўзи ҳал қиласи. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида ҳалқаро Пактга кўра, давлат барча аҳолига шахсий, фуқароларга эса сиёсий ҳуқуқларни амалга оширишни кафолатлаши шарт. Инсоннинг асосий сиёсий ҳуқуқларидан бири — бу унинг давлат бошқарув ишларида иштирок этишидан иборат.

Хозирги кунда республикамиз фуқаролари ўзларининг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликларини давлат ва жамият

¹ Узбекистон Республикаси Олий мажлиси Ахборотномаси 1998 й. № 9.

ишларини бажариш, уларни идора этишда фаол иштирок этишлари орқали амалга оширмоқдалар. Фуқароларнинг бундай иштироки иккни йўл билан амалга сширилади.

Биринчидан, ҳар бир фуқаронинг давлат бошқарувидаги бевосита иштироки, иккинчидан, ўз вакиллари орқали иштирок қилиш ҳуқуқидан фойдаланиши билан. Юртбошимиз И. А. Каримов Олий Мажлисинг XII-сессиясида фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштироки ҳақида гапириб «Конституцияга биноан ҳар бир кишига эркин танлаш, эркин сайлов ҳуқуқи берилган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари аниқ белгилаб қўйилган. Бу ҳуқуқ ва эркинликлар давлат ҳокимиининг бутун кучи, қонун кучи билан ишончли тарзда ҳимоя қилинади. Барчамиз жамиятнинг ҳар бир аъзоси фикри билан ҳисоблашишин ўрганишимиз, унинг ҳуқуқларини, аввало, ҳар бир кишининг ўз келажагини ўзи яратиш ҳуқуқини ҳурмат қилишимиз лозим»,¹ — деган эди. Шундай экан, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги фикр мулоҳазаларини Давлат бошқарув идора раҳбарлари иш фаолиятларида ўрганиб чиқишилари ва ишбатга олишлари керак.

Фуқаролар жамият ҳаётига доир масалаларни ҳал қилишда фикр-мулоҳазаларини, таклифларини сиёсий ҳокимиятларга билдиришлари, улар олдига аниқ талаблар қўйишлари, бунда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишлари мумкин.

Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларидан яна бири — сиёсий ташкилотларга аъзо бўлиш ҳуқуқидир.

Маълумки, мамлакатимизда кўп партиявийлик тизими ташкил топган. Мавжуд сиёсий партиялар фуқароларнинг дунёқарашлари, манфаатлари, мақсадларининг муштараклиги асосида тузилган.

Ўзбекистон Республикасида ташкил топган сиёсий партиялар ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрь қонунига ва бошқа қонунларга ҳамда ўз Уставларига асосан амалга оширадилар. Ана шундай сиёсий ташкилотларга аъзо бўлиш ҳуқуқи — Конституциямизнинг 34-моддасида қўйидагича эътироф этилган «Ўзбекистон

¹ Каримов И. А. Ҳалқимиз жипслиги — тинчлик ва тараққиёт гарови, Т. Ўзбекистон, 1998 й. 9—10 бетлар.

Республикаси фуқароларниң кафаба уюшмаларынга, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларынга уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Сиёсий партияларда, шунингдек, ҳоқимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи мухолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадрқимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас».¹ Демак, фуқароларнинг сиёсий ва жамоат ташкилотларга бирлашиши ва уларнинг фаол иштирок этиши ўзининг сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятини яратади. Инсоннинг барча сиёсий ҳуқуқларни қатори уларнинг турли муассасаса ва ташкилотларга ариза, шикоят ёки таклифлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳам қонун орқали ҳимоя қилинади. Ана шундай қондани ҳаётга тадбиқ этиш ва фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг барча томонларини ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида Олий Мажлис томонидан 1994 йил 6 майдага «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида» қонун қабул қилинган.² Ушбу қонун Конституция асосида инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қабул қилиниб, унда фуқаролар мурожаатларининг мақсади, мурожаатларга қўйиладиган талаблар, мурожаат турлари, уларни кўриб чиқиши, муддатлари, мурожаат қилувчининг ҳуқуқ ва бурчлари ва бошқа масалалар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг учинчи гуруҳига иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар киради. «Энг асосий ижтимоий институт бўлган мулкка (асосан, хусусий мулкка) муносабатнинг ўзгариши — деб таъкидлайди И. Каримов, бутун жамиятни ва хусусан, иқтисодий ҳаётни демократиялашнинг бош бўғини бўлди. Жамиятни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий янгилаш асосан янги мулкчилик муносабатлари орқали ўтади».³

Дарҳақиқат, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг, мулкчилик шакллари ўзгариши билан, инсоннинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари соҳасида бутунлай туб ўзгаришлар ясалди.

Мулкка эгалик ҳуқуқи, ишсизликдан ҳимояланниш

¹ Узбекистон Республикаси Олий кенгаши Ахборотномаси, 1997 № 2.

² Узбекистон Республикаси Олий мажлиси Ахборотномаси, 1994 й. № 5.

³ Каримов И. А. Узбекистон буюк келажак сари. Т., Узбекистон 1998 йил. 558—559-бетлар.

хуқуқи, мәҳнатнинг оқилона шарт-шароитлариға эга бўлиш ҳуқуқи, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқалар янги Конституцияда илк бор мустаҳкамланди. Бошқа ҳуқуқ ва эркинликлар (мәҳнат, таълим олиш, ижтимоний таъминот ҳуқуқлари, илмий техника, ижод эркинлиги ва бошқалар) ҳозирги замон ва келажакни ҳисобга олган ҳолда мазмунан бойитилди.

Инсоннинг иқтисадий ҳуқуқларининг қонунда мустаҳкамланишига мулкчилик муносабатлариға алоҳида эътибор берилди. Мулкка бўлган эгалик ҳуқуқи нафакат Конституциянинг 36-моддасида, балки янги Мәҳнат кодексида,¹ «Мулк тўғрисида»ги,² «Тадбиркорлик тўғрисида»ги³ қонунларда ҳам ўз аксини топган. Умуман олганда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш — Асосий Қомусимизнинг энг буюк мақсадидир. Конституциямизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ғояси ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ, балки Йисон ҳуқуқлари Үмумжаҳон Декларациясининг барча асосий ғоя ва қоидаларини ўзига сингдирганилиги билан ҳам аҳамиятлидир. Асосий Қомусимизда эътироф этилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ғояси кейинги вақтларда қабул қилинаётган қонунларда янада мустаҳкамланмоқда.

Ушбу Конституциямиз мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш учун ҳуқуқий пойdevор яратди. Эндиликда, мустақиллигимиз муносабати билан ижтимоний-иқтисадий ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалда бўлиб келаётган қонунларни бутунлай ўзгартириш ва янгилаш керак бўлади. Бу гап биринчи навбатда муҳим қонун соҳалари — кодексларга тегишли бўлиб, булар Фуқаролик Кодекси, Мәҳнат Кодекси, Оила Кодекси, Жиноят ва фуқаролик процессуал кодекслари, Ер, сув ва бошқа Кодекслар ишлаб чиқилмоғи лозим эди.

ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг биринчи қисми 1995 йил 21 декабрда, иккинчи қисми эса 1996 йил 29 августда қабул қилиниб, ҳар иккиси

¹ Узбекистон Республикаси Олий мажлис Ахборотномаси, 1996 й. № 1.

² Узбекистон ССР Олий Советининг Ведомостлари, 1990 й. № 31—33.

³ Узбекистон ССР Олий Советининг Ведомостлари, 1991 й. № 4.

1997 йил 1 мартдан амалга киритилди.¹ Ушбу кодекс VI бўлим, 71 боб, 1199 моддадан иборатdir. Унинг бириинчи бўлимида Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларининг вужудга келиши, Фуқаролар (жисмоний шахслар), юридик шахслар, тижорат ташкилотлари, тижоратчи бўлмаган ташкилотлар, объектлар, моддий неъматлар, номоддий неъматлар, битимлар тушунчаси, турлари, ҳақиқий бўлмаган битимлар вакиллик ва ишончнома, муддатлар, даъво муддати, мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи, олди-сотди, чакана олди-сотди, кўчмас мулкни сотиш, корхонани сотиш, ҳадя, рента, мулк ижараси, прокат, транспорт воситалари ижараси, бинолар ва иншоотлар ижараси, текни фойдаланиш, пудрат, майший пудрат, қурилиш пудрати, лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш, йўловчи, багаж ва юк ташиш, транспорт экспедицияси, қарз ва кредит, омонат сақлаш, омонат сақлашнинг алоҳида турлари оддий ширкат, оммавий танлов, мукофотни ошкора ваъда қилиш, қимор ва гаров ўйинлар ўтказиш шартлари, интеллектуал мулк, муаллифлик ҳуқуқи, саноат мулкига бўлган ҳуқуқ (ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига бўлган ҳуқуқ), ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотларига бўлган ҳуқуқ, ошкор этилмаган ахборотларни ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш, фуқаролик муомаласи қатнашчилари, товорлар, ишлар ва хизматларни шахсийлаштириш воситалари, ворислик ҳуқуқи, меросни эгаллаш, халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга нисбатан тадбиқ қилиш, шахсий номулкий муносабатларга нисбатан тадбиқ этиш, ва шахсий номулкий ҳуқуқлар каби масалаларни назарда тутади.

Фуқаролик Кодекси мустақилликка эришган республикамиизда бозор иқтисодиёти ва бозор муносабатларини ҳар томонлама ривожлантиришга, хусусий мулкни мустаҳкамлашга ва унинг барча шаклларини бир хилда муҳофаза қилишга қаратилган бўлиб, давлат ва фуқаролар, корхона, муассаса ва бирлашмалар ўртасидаги шартномалар, ижара, пудрат ва шу каби барча фуқаровий муносабатларни ривожлантиришга олиб келади. Унда барча нормалар, шу жумладан, мерос ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи каби соҳа нормалари умумбашарий қад-

¹ Узбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й. № 2.

риятлардан ва халқаро ҳуқуқдан келиб чиқиб жуда ба-
тафсил берилган.

Жаҳон давлатлари Кодексларидаги ҳуқуқ нормалари
нинг барча афзаликлари ҳисобга олинган. Биноба-
рини, ушбу Кодекс моддаларининг сони ҳам илгаригиси-
га нисбатан қарийб икки баравар ошган.

Шубҳасизки, бу Кодексни амалда қўллаш жараёни-
да унинг баъзи камчиликлари ҳам аниқланади ва маз-
муни, айрим нормаларининг таҳрири тобора такомил-
лашади.

Фуқаролик процессуал кодекси

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик проце-
суал Кодекси» 1997 йил 29 августда қабул қилиниб,
1998 йил 1 январдан амалга киритилди¹ Ушбу Кодекс
391 моддадан иборат бўлиб фуқаролик ишларини юри-
тиш тартибларини, судда иш кўриш; қарор ва ҳал қи-
лув қарорлари, судда вакиллик қилиш, суд харажатла-
ри, процессуал муддатлар, суд хабарлари ва чақириқ-
лари даъво ишини юритиш, маъмурий ҳуқуқий муносабат-
лардан келиб чиқадиган ишлар бўйича иш юргизиш,
алоҳида тартибда кўриладиган ишлар, кассация инстан-
циясида иш юритиш, қонуний кучга кирган ҳал қилув
қарорларининг ижроси ва бошқа шу каби процессуал
масалаларни назарда тутади. Шунингдек, фуқаролик
ишларини судда кўриш ва ижро этиш муддатларини
белгилайди.

Ушбу Кодексда ҳам мустақил Ўзбекистонимизнинг
демократик, инсонпарварлик, одиллик ва бошқа барча
ҳуқуқий принциплари акс эттирилган ва уни тадбиқ
этиш жараёнида бу принциплар янада такомиллашиб
боради.

Хўжалик процессуал кодекси

Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик процессуал
Кодекси» 1997 йил 30 августда қабул қилиниб, 1998 йил
1 январдан эътиборан амалга киритилди.¹ Ушбу Кодекс
V бўлим, 24 боб, 226 моддадан иборат бўлиб, корхона-
лар, муассасалар, ташкилотларнинг манбаатларини ҳи-
моя қиласи ва ваколатли воситалар ёрдамида иқтисодий
муносабатларда қонунга риоя қилинишга кўмаклашади.

¹ Узбекистон Республикаси Олий мажлиси Ахборотномаси,
1997 й. № 9.

² Узбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси, Тошкент, «Адо-
лат», 1996 й.

Ҳар бир шахс ўзининг хўжалик соҳасида бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб хўжалик судига ушбу Кодексда белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақли. Хўжалик судида суд ишларини юритиш вазифалари қўйидагилардан иборат:

1) иқтисодиёт соҳасида корхона муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиши;

2) иқтисодиёт соҳасида қонунни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиш.

Жўмладан, хўжалик судида суд ишларини юритиш вазифалари; судда иш қўзғатиш; чет давлат ҳуқуқини қўллаш; хўжалик судининг таркиби; судда масалаларни ҳал қилиш тартиби: судъяга отвод бериш; прокурор, эксперт ва таржимонга отвод бериш; хўжалик судида вакиллик; далиллар; даъвони таъминлаш; иш юритишини тугатиш; даъвони кўрмасдан қолдириш; суд харажатлари; процессуал муддатлар; суд жарималари; суд буйруғи; суд ҳайъати; ҳал қилув қарори; кассация инстанциясида иш юритиш; назорат; назорат тартибida иш юритиш; ишларни талаб қилиб олиш; протестни кўриш тартиби; суд ҳужжатларини ижро этиш каби масалаларни тартибга солади.

Меҳнат кодекси

Ўзбекистон Республикасининг **Меҳнат Кодекси** 1995 йил 21 декабрда қабул қилиниб, 1996 йил 1 апрелдан амалга киритилган. Бу кодекс умумий ва маҳсус қисмлардан иборат бўлиб, XVI боб, 294 моддани ўз ичига олган, бу кодекс мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек, айrim фуқаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган жисмоний шахсларнинг меҳнатга оид муносабатлари, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Меҳнат соҳасидаги барча муносабатлар, чунончи меҳнатга оид муносабатларнинг субъектлари, ходимлар ва иш берувчиларнинг вакиллiği, жамоа шартномалари ва келишувлари, ишга жойлаштириш, иш вақти, дам олиш вақти, меҳнатга ҳақ тўлаш, кафолатли тўловлар ва компенсация тўловлари, меҳнат интизоми, меҳнатни муҳофаза қилиш, айrim тоифадаги ходимларга берила-

диган қўшимча кафолат ва имтиёзлар, меҳнат низолари, давлат ижтимоий суғуртаси каби масалалар тартибга солинади.

Үйлаймизки, мамлакатимиз янги тузумга ва бозор муносабатларига ўтаётган ҳозирги даврда қабул қилинаётган қонунларимиз халқимиз турмушини яхшилашга ва давлатимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласди.

Оила кодекси

Маълумки, 1997 йил 5 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 5 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда Президентимиз И. А. Каримов, келаётган 1998 йилни «Оила йили» деб эълон этилишини таклиф қилган эди. Ўша йиғилишда Президентимиз онланинг ҳар бир инсон ҳаёти, жамият ва давлат тараққиётида тутган ўрнини атрофлича шарҳлаб онлага эътиборни тубдан ўзгартириш, онлаларни аввало ижтимоий ҳимоялаш, эъзозлаш, қўллаб-қувватлаш — бугунги кунимиз ва эртаниги истиқболимиз учун нақадар муҳим ва долзарб эканлигини яхши тушунишимиз ва англашимиз зарурлиги ҳақида таъкидлаганди.

Шунингдек, матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика Оила» илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори оила манфаатларини такомиллаштириш йўлида қўйилган янги қадамdir.

Оила равнақи йўлида давлатимиз томонидан Олий Мажлиснинг 1998 йил 30 апрелда бўлиб ўтган сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси» қабул қилиниб, 1 сентябрь 1998 йилдан эътиборан амалга киритилган. Ушбу қонун оила манфаатларини таъминлаш борасидаги зўр аҳамиятга эга.

Ушбу Кодекс оилани мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларни ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини ҳеч қандай тўсқинликсиз амалга оширишни ҳамда бу ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини ифодалайди.

Оилавий муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равища никоҳланиб тузган иттифоқи, ички оилавий муносабатларни ўзаро келишилган ҳолда ҳал қилиш, онлада болалар тарбияси, вояга ет-

маган ва меҳнатга лаёқатсиз оила-аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш асосида амалга оширилади. Барча фуқаролар оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқларга эгадирлар. Никоҳ тузиш чоғида жинси, ирқи, миллати, тили, ижтимоний келиб чиқинши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоний мавқеи ва бошқа ҳолатларга қараб, ҳуқуқларни муайяни тарзда бевосита ва билвосита чеклашга, бевосита ва билвосита афзалликлар белгилашга ҳамда оилавий муносабатларга аралашишга йўл қўйилмайди.

Она ва бола манфаатларини муҳофаза қилиш аёлларниң меҳнати ва соғлиғини сақлашга доир маҳсус тадбирлар кўриш, меҳнатни оналик билан боғлаб қўшиб олиб бориш учун аёлларга шароит яратиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш назарда тутилган.

Ушбу Кодекс VII бўлим, 30 боб, 238 моддадан иборатdir. Жумладан, уни умумий қондалар; никоҳ; қонқариндошлиқ ва болаларниң насл-насабини белгилаш; ота-она ҳамда вояга етмаган болаларниң ҳуқуқ ва мажбуриятлари; оила аъзоларининг ва бошқа шахсларниң алимент хусусидаги мажбуриятлари; ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шаклари; фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш; чет эл фуқаролиги бўлмаган шахслар иштироқидаги оилавий муносабатларни тартибига солиш каби бўлимлар камраб олган.¹

Кодексда асосий қондалар; оилавий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилиш; никоҳ тузиш тартиби ҳамда шартлари; эр-хотиннинг шахсий ҳуқуқлари, мажбуриятлари; эр ва хотин мол-мулкининг шартномавий тартиби; никоҳнинг тугатилиши; никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги; қариндошлиқ; болаларниң насл-насабини белгилаш; вояга етмаган болаларниң шахсий номулкий ҳуқуқлари; ота-онанинг шахсий номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари; ота-она-ҳамда болаларниң алимент хусусидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари; эр-хотинлар ва сошиб эр-хотинларниң алимент хусусидаги мажбуриятлари; алимент тўлаш тўғрисидаги масалалар; ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш; фарзандликка олиш; васийлик ва ҳомийлик;

¹ Узбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й. № 5--6.

болаларни асраб олиш; (патронат); туғилишни қайд қилиш; ўлимни қайд қилиш; фамилия, исми ва ота исмими ўзгартириш; далолатнома ёзувлариға ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш; фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларини тиклаш ва бекор қилиш каби масалаларни тартибга солади.

Ушбу оила Кодексининг шўролар давридаги кодексдан фарқи шундан иборатки, бу қонунда республикамиз ерли халқининг миллий хусусиятлари деярли тўла ҳисобга олинган. Қонуннинг жуда кўп бошқа афзалликлари ҳам борки, булар ота-она ва катта ёшдагиларни ҳурматлашда, ёш авлод тарбиясида таълим ҳамда эътиқодни мустаҳкамлашда намоён бўлади.

Ер кодекси

Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси 1998 йил 30 апрелда қабул қилиниб, 1998 йил 1 июлдан эътиборан амалга киритилди.¹ Ушбу Кодекс 14 боб, 91 моддадан иборат бўлиб, булар ер тўғрисидаги қонунларининг асосий вазифалари, ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишни, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга солишдан иборатdir.

Кодексда ер фонди; ерга бўлган мулкчилик, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари; ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; қишлоқ хўжалигига мўлжалланган (шашарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳолиси пунктларининг) ерлари; саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ер); алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерлари; ўрмон фонди, сув фонди ерлари ва захира ерлар; ерларни муҳофаза қилиш; ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назорат; ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарар ҳамда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши, нобудгарчиларнинг ўрнини қоплаш; ер хусусидаги низоларни ҳал этиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисигининг Ахборотномаси, 1998 й. № 5—6.

ҳамда ер тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жа-
вобгарликка оид масалаларни батафсил кўзда тутади.

Ер давлат мулки бўлиб, у давлат томонидан муҳо-
фаза қилинади ва олди-сотди қилинмайди, ҳадя этил-
майди, айрбошланмайди, гаровга қўйилмайди.

Юридик шахслар ушбу кодекс ва бошқа қонунларгә
мувофиқ доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш,
ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкалари-
га эга бўлишлари мумкин.

Жисмоний шахслар мерос қилиб қолдириладиган
урмбод эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли
(вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи
асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин.

Кодексга мувофиқ ер эгаси, ердан фойдаланувчи,
ижарачи ва ер участкаси мулкдорининг ҳуқуқларига
қўйидагилар киради:

— ер участкасида ундан фойдаланиш маҳсадга му-
вофиқ мустақил хўжалик юритиш;

— қишлоқ хўжалик экинзорлари ва кўчатзорлари,
қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва уни реализация қилин-
дан олинган даромадга бўлган мулк ҳуқуқи;

— ерларни сурориш ва уларнинг захини қочириш;
агротехника ва бошқа мелиорация ишлари ўтказиш;

— белгиланган тартибда ўй-жой бинолари, ишлаб чи-
қариш; маданий-маший ҳамда бошқа иморатлар қуриш;

— ер участкаси олиб қўйилган тақдирда унга етка-
зилган зарарнинг (шу жумладан бой берилган фойда-
нинг) қопланишини ёки ер участкасидан иhtiёрий ра-
вишда воз кечилгандা сарфланган харажатларнинг тў-
ланнини талаб қилиш каби ҳуқуқларга эгадир.

Ушбу Ер Кодексига асосан, сувга бўлган муносабат
тубдан ўзгариши лозим. Қонунга мувофиқ ерларга эга-
лик қилиш, узоқ муддат ундан фойдаланиш, мерос қол-
дириш тартиблари ернинг сифатини яхшилашга олиб
келади ва уни бузилишдан, заҳарланишдан сақлади.

Кодекс нормаларига қатъий риоя қилиш, ерга бўл-
ган мулкчиликни мустаҳкамлайди, тупроқ унумдорлигини
оширади ва халқимиз фаровонлигини таъминлайди.

Божхона кодекси

Ўзбекистон Республикасининг Божхона Кодекси 1997
йил 26 декабрда қабул қилиниб, 1998 йили 1 январдан
амалга киритилган Ушбу Кодекс XI бўлим, XIX боб
198 моддадан иборат бўлиб, Республика ҳудудида са-

марали божхона назоратини ҳамда товар айирбошлаши тартибга солишни, иқтисодиёт ривожланишини рафбатлантиришни, ички бозорни ҳимоялашни назарда тулади.¹

Биринчи бўлим — товарлар, Ўзбекистон товарлари, чет эл товарлари, транспорт воситалари, ташувчи, декларант, божхона чегарасидан олиб ўтиш, божхона назорати, каби масалаларни ўз ичига олган.

Иккинчи бўлимда — товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон божхона чегарасидан олиб ўтиш қондалари кўрсатилган.

Учинчи бўлим, божхона назорати деб аталиб, бунда, божхона назорати учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотлар, товарлар ва транспорт воситаларини божхона кўригидан ўтказиш, уларни божхона чегараси орқали олиб ўтишнинг қонунийлигини аниқлаш, уларни ҳисобга олиш, бож солиқлари, йифимлар олиш, шахсни кўздан кечириш каби масалалар назарда тутади.

Тўртинчи бўлим — божхона расмийлаштируви бўлиб, унда божхона расмийлаштирувнинг муддатлари, товарлар ва транспорт воситаларини декларациялаш, декларантнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, божхона брокери, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг ҳуқуки кўрсатилган.

Бешинчи бўлим — божхона тўловлари, тўловларни тўлаш тартиби, тўловларни ундириш ва жавобгарлик чораларини кўзда тутади.

Олтинчи бўлим — дастлабки қарорлар деб номланиб, божхона органлари товарларнинг таснифи уларнинг божхона қиймати ва қайси муддатда тайёрланганлиги, божхона тўловлари миқдори ва божхона ишининг бошқа масалалари юзасидан дастлабки тарзда қарор қабул қилишини назарда тутади.

Еттинчи бўлим — «Чет эллик шахсларнинг айрим тоифалари учун бож имтиёзлари» деб аталиб, бунда чет давлат дипломатия ваколатхонасининг дипломатия агентлари учун бож имтиёзлари, чет давлатларнинг консуллик муассасалари ва уларнинг жамоа аъзолари учун бож имтиёзлари, чет давлатларнинг дипломатия почтаси ва консуллик почта қопларини божхона чегарасидан олиб ўтиш тартибларини ёритади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й. № 2.

Саккизинчи бўлим — «Назорат остида товар етказиб бериш» деб номланиб, бунда, гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва бошқа ашёларни етказиб бериш, назорат остида товар етказиб бериш усули қўлланилганда мусодара қилингган пул маблағлари ва молмulkни тасарруф этиш масалалари кўрсатилган.

Тўққизинчи бўлимда — божхона қонунларини бузганлик учун жавобгарлик, божхона қонунларини бузишининг айрим турлари учун юридик шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларнинг якка шахсга айланмасдан тадбиркорлик жавобгарлиги белгиланган.

Унинчи бўлим — Божхона ҳақидаги қонунларни бузганлик тўғрисидаги ишларни юритиш, уларни кўриб чиқиш, божхона органининг қарори устидан шикоят қилиш (протест қелтириш) тартибларини кўзда тутади.

Ўн биринчи бўлим — божхона ҳақидаги қонунларни бузганлик учун жазо бериш тўғрисидаги қарорларни ижро этиш, жарима солиш, мусодара қилиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш ҳамда товарлар ва транспорт воситаларини давлат мулкига айлантириш тартибини белгилайди.

Шунингдек, 1998 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг «Бож тарифи ҳақида»ги¹ ва «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги² қонунларида, унинг иш юритиш тартиблари, божхона вазифалари ва бошқа ҳуқуқий масалалар белгилаб берилган.

Жумладан, «Бож тарифи ҳақида»ги қонун, бож тарифини шакллантириш ва қўлланиш тартибини, шунингдек, Ўзбекистоннинг божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарлардан бож ундириш қоидаларини белгилайди.

Солиқ кодекси

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси 1997 йили 24 апрелда қабул қилиниб, 1998 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилган.³ Кодекс VII бўлим, 30 боб, 135 моддадан иборатdir.

Ушбу Кодекс Солиқ тизимининг ҳуқуқий асосларини

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси, 1997, № 9.

² Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси, 1997, № 9. 1998. № 5—6.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й. № 4—5.

солиқ тұловчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини белгилайди, солиқ ишини юритиш ва солиқ ҳақидаги қонуналарни бузғанлик учун жавобгарлық масалаларини тартибга солади.

Солиқ солиши — юридик шахсларга нисбатан мултипликацияның қатый назар, қонун олдида тенглик, жисмоний шахсларга эса жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатый назар, қонун олдида тенглик асосида амалга оширилади.

Олинган манбалардан қатый назар, барча даромадларга солиқ солиниши шарт. Солиқ имтиёзларини белгилаш эса ижтимоий адолат принципларига мөс бўлиши керак.

Республикамиз ҳудудида умумдавлат солиқлари, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар жорий қилинади.

Солиқлар ва йиғимлар бўйича имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ё у ваколат берган давлат органни томонидан белгиланади.

Умумдавлат солиқларига қўйидагилар киради:

1. юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиги;

2. жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги;

3. қўшилган қиймат солиғи;

4. акциз солиги;

5. ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;

6. экология солиғи;

7. сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

Умумдавлат солиқлари ҳар йили қонуний тартибда белгиланадиган нормативлар бўйича тегишли бюджетлар ўртасида тақсимланади.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларга қўйидагилар киради:

1. Мол-мулк солиғи;

2. Ер солиғи;

3. Реклама солиғи;

4. Автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солиқ.

5. Савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари;

6. Юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фао-

лияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим;

7. Автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим;

8. Ободончилик ишлари учун йиғим;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқлар ва йиғимни Республика пул бирлиги — сўмда ҳисоблаб чиқарилади.

Солиқ тўловчилар қўйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

— солиқ органлари ўтказган текширув материаллари билан танишиш ва текширув далолатномаларини олиш текширувларнинг натижаларидан норози бўлган тақдирда солиқ органларига ўзининг ёзма эътиrozлари ни ўн кунлик муддат ичida тақдим этиш;

— солиқ органларининг қарорлари ва уларнинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатлари устидан юқори солиқ органларига ёки судга шикоят қилиш;

Белгиланган тартибда ва муддатларда солиқ органларida рўйхатдан ўтиш, юридик манзили ўзгарган тақдирда эса, бу ҳақда солиқ органига ўн кунлик муддат ичida хабар бериш;

— бухгалтерия ҳисобини ва ҳисоб ҳужжатларини қонунга мувофиқ юритиш;

— молиявий ҳисоботни, солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни ёки даромадлар тўғрисидаги декларацияларни қонунларда белгиланган тартибда солиқ органларига тақдим этиш;

— бу органларнинг солиқ ҳақидаги қонунларни бузиш ҳолларини бартараф этиш тўғрисидаги талабларни бажариш;

Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқларни тўлашдан қўйидагилар озод қилинади;

1. Тўлалигича;

— хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ва аъзолари ҳамда консуллик мусассасаларининг мансабдор шахслари, уларнинг оила-аъзолари;

— мудофаа, ички ишлар ва фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари ва божхона органларининг оддий хизматчилари ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар, шунингдек ўқув ёки синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар—

хизматни ўташ муносабати билан олган пул таъминоти, пул мукофоти ва бошқа суммалари бўйича;

2. Қисман, ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақиқининг тўрт баробари миқдорида;

— «Ўзбекистон Қаҳрамони», уруш қатнашчилари, Совет Иттилоғи қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар;

— Ички ишлар органларининг бошлиқлари ва оддий хизматчилари жумласидан бўлиб, хизмат вазифаларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ва шинкастланиш оқибатида ногирон бўлиб қолганлар;

— болаликдан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари;

— қаҳрамон оналар, ўн ва ўндан ортиқ боласи бўлган аёллар;

— ҳарбий Афғонистон Республикасида ва жанговор ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларининг чекланган контингенти таркибида ўтадиган ҳарбий хизматчилар;

— Чернобиль АЭС даги фалокат оқибатида жабр кўрган шахслар;

— икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар;

— болалигидан ногирон бўлган ва доимий парваришини талаб қиласидан фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота-оналаридан бири;

— корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ва ўқув юртлари томонидан қишлоқ хўжалик ишларига юборилган фуқаролар.

Солиқ ҳақидаги қонунларни бузганлик учун солиқ тўловларига молиявий жазо чоралари қўлланилади.

Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодекс

Ўзбекистон Республикасининг **Маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси** 1994 йил 22 сентябрда қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрелдан эътиборан амалга киритилган.¹ Ушбу қонун фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибинни, табиий муҳитни муҳофаза қилишини, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурӣ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларининг ўз вақтида холисона кўриб чиқилишини ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

¹ Узбекистон Республикасининг маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Т., «Адолат», 1995 й.

Ушбу қонун VI бўлим, XXXI боб, 348 моддадаи иборат бўлиб, улар умумий ва маҳсус қисмларга бўлинган-дир. Умумий қисмда маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси, маъмурий жавобгарликка тортилиш ёши, маъмурий жазонинг турлари, маъмурий жазонинг қўлланилиши, маъмурий жазо қўлланиш муддатларини ўз ичига олган.

Маҳсус қисмида эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилганлик учун жавобгарлик; аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги қонунбузарлик, табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги қилмишлар; қишлоқ хўжалиги, ветеринария-санитария соҳасидаги ноқонуний ҳаракатлар; транспорт, алоқа, шунингдек, фуқароларнинг турар жойларини ободонлаштиришдаги, ноқонуний ҳаракатлар, савдо, тадбиркорлик, молия соҳасидаги ҳуқуқбузарліклар, одил судловга жамоат тартибига тажовуз қилувчи, бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарліклар учун маъмурий жавобгарлик; маъмурий жавобгарлик тўғрисида протокол тузиш, маъмурий йўл билан ушлаб туриш, ашёлар ва транспорт воситаларини кўздан кечириш, ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш тартиблари; маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тартиблари;

жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш бўйича; маҳсус ҳуқуқдан маҳрум этиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш бўйича иш юритиш тартиблари; қарорнинг мулкий зарарни ундириб олиш хусусидаги қисмини ижро этиш бўйича иш юритиш тартиблари каби масалаларни назарда тутади.

Ушбу Кодекс жуда кўп ҳаётий масалаларни тартибга солиб, қонунийликни мустаҳкамлашда катта роль ўйнаши назарда тутилган.

НОЖУЯ ҲАРАҚАТ ВА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

Қонунларимизнинг ҳамма соҳалари ҳам муҳим ва уларга хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик шахсга, жамиятга ва давлатга зарар келтиради ва маълум даражада ижтимоий хавф туғдиради. Фуқаролик ҳуқуқлари, яъни кишининг мулкий ва шахсий ҳуқуқлари поймол қилинган ёки бирон жиҳатдан бузилган бўлса, бу ҳолда фуқаролик кодекси, меҳнат ҳуқуқи соҳасида қо-

нун бузилган бўлса, меҳнат ҳақидаги қонунлар кодекси ва шу каби ҳар бир соҳанинг ўз кодекси ва бошқа қонунларга асосан фуқаролик ҳуқуқи тикланади. Лекин маъмурй ҳуқуқ ва айниқса жиноят ҳуқуқи нормалари га зид ҳаракатлар жамият учун жуда ҳам хавфидир. Бу ҳолларда давлат томонидан ҳар бир шахснинг қилмишига яраша тегишли жазо чоралари қўлланилади. Шунинг учун ҳам фуқаролар, ўсмир ва ёшларимиз маъмурий ва жиноят қонунлари билан пухта таниш бўлмоқлари лозим.

Ҳуқуқ нормаларини билиш айрим бекўним шахсларни тийиб туриш учунгина эмас, балки мустақил республикамизда демократияга, ҳуқуқий давлатчиликка, инсон ҳуқуқларига риоя этишга қаратилган давлат сиёсатини изчил амалга оширишда, жумладан аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, халқимизнинг ўз болаларини тўғри тарбиялашлари ва умуман ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш ва ҳоказолар учун ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Маъмурй ҳуқуққа зид ҳаракат, яъни ножӯя ҳаракат деб умуммажбурий қоидаларни бузиб, жамиятга зарар келтирувчи ҳаракат содир этишини тушунамиз. Давлат тегишли тартиб-қоидаларни ўрнатиш ва мустаҳкамлашдан манфаатдор бўлгани учун давлат ва жамият учун хавфли ва зарарли бўлган қилмиш ҳуқуқ нормалари ёрдами билан ман қилинади. Демак, ножӯя ҳаракат албатта ҳуқуққа хилофидир, шунинг учун ҳам бундай ҳаракат учун давлат тегишли жавобгарликни белгилайди.

Маъмурй жавобгарлик тўғрисидаги қонунлар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурй жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Олий Мажлис депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорларидан иборатdir.

Маъмурй тартибда белгиланган қоидаларга жамоат тартибини сақлаш, ҳарбий ҳисоб ва паспорт режими қоидалари, ер-сувдан фойдаланиш, ўрмонни қўриқлаш, ов қилиш қоидалари ва бошқалар киради. Ана шу қон-

даларда белгиланган ноқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учунгина шахс жавобгар бўлади.

Ҳаракатсизлик билан қонунни бузиш одатда мансабдор шахс томонидан муайян вазифани бажармасликда ифодаланиши мумкин. Масалан, ёнгин хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини, шунингдек, оқинди ифлос сувларни тозалаш қоидаларини бузиш каби қилмишлар одатда ҳаракатсизлик оқибатида содир этилади. Ана шу ножӯя ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этишда айборд бўлган шахсларгина жавобгарликка тортилади. Яъни шундай қилмишга қасдан ёки эҳтиётсизлик орқали йўл қўйилган бўлмаса, маъмурий жавобгарлик келиб чиқмайди. Масалан, транспорт ва алоқа соҳаларидағи ҳуқуқбузарлниклар, майдага безорилик, жамоат тартибига ва фуқароларнинг хавфсизлиги га таҳдид қилувчи материаллар тайёрлаш ва уларни тарқатиш, жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш ёки маст ҳолда юриш, ов қилиш қоидаларини бузиш, фоҳишлик билан шуғулланиш, милиция ходимларининг қонуний талабини бажармаслик кабилар фақат қасд билан қилинади. Санитария ёки ёнгин хавфсизлиги қондаси эса эҳтиётсизлик натижасида бузилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқ нормаларини бузганлик учун 16 ёшдан бошлаб жавобгарлик белгиланган. Айрим ҳаракатлар учун фақат маҳсус вазифаларда ишловчи шахсларгина маъмурий тартибида жавобгарликка тортиладилар. 16 ёшга тўлмаган ўсмирлар ҳақидаги материаллар вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи туман (шашар), шаҳарлардаги туман комиссияларига ўтказилади ва ана шу комиссиялар ўз ҳуқуқлари доирасида тегишли чоралар кўрадилар.¹

Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар ранс, раис ўринбосари, бошқа ишлардан озод масъул котиб ва комиссиянинг 6—12 аъзосидан иборат таркибда тузилади. Зарур ҳолларда комиссия таркибиға болалар билан ишловчи назоратчи лавозими ҳам киритилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишига ваколатли бошқа хил коллегиал органлар-

¹ Бу ўринда шуни айтиб ўтиш керакки, мазкур комиссиялар тўғрисида Низом 1985 йилда қабул қилинган бўлиб, эндиликда у янгилашин талаб қиласди.

ни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонун актлари билан белгиланади¹.

Маъмурий жазони қўлловчи ташкилотлар: халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Қенгашлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимияти қошидаги маъмурий комиссиялар, ички ишлар органлари, ёнғин ва санитария назорати, сув ресурсларини қўриқлаш органлари, вояга етмаганларнинг ишлари бўйича шуғулланувчи комиссиялар ҳамда туман судьяларидан иборат. Ана шу органлар ва уларда ишлайдиган шахсларнинг ҳар бирни ўз ваколатлари, компетенциялари доирасида, ўзларига тегишли масалалар юзасидан муайян Низом, қонун-қондаларга асосан айборларга нисбатан тегишли маъмурий жазо қўллайдилар.

Маъмурий жазо турлари эса содир этилган ножӯя ҳаракат ва қонун бузишининг ижтимоий хавфлилик дарражасига қараб белгиланган. Улар жарима солиш, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг содир этилишига сабаб бўлган ёки бевосита далил бўлгани буюмни ҳақ тўлаш шарти билан олиб қўйиш, буюмни мусодара қилиш, маҳсус ҳуқуқлардан маҳрум қилиш, маъмурий қамоққа олиш.

Жарима ҳақида шуни айтиш мумкинки, жарима маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганда ҳуқуқбузардан давлат ҳисобига пул ундирилади.

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кам миқдори иш ҳақининг эллиқдан бир қисмидан, мансабдор шахсларга эса — ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёнинг ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш, ашёни мажбурий тарзда тортиб олиш, уни кейинчалик сотиб юбориш ҳамда сотишдан тушган пулни ашёнинг собиқ эгасига тортиб олинган ашёни сотиши ҳаражатларини чегириб ташлаган ҳолда топширишдан иборатdir.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш, шу ашё ҳақини тўламасдан мажбурий тарзда давлат мулкига ўтказишдан иборат бўлиб, бу чора туман, шаҳар судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан қўлланилади. Башарти Ўзбекистон

¹ Алимов X. Р. Маъмурий ҳуқуқ. Тошкент, 1995 й., 78-бет. Административное право, Тошкент, «Адолат», 1999 й.

Республикаси қонұnlарида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, фақат қонунбузарнинг шахсий мулки бўлган ашёгина мусодара қилиниши мумкин.

Муайян шахсни унга берилган маҳсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум қилиш чораси туман (шаҳар) судининг маъмурй ишлар бўйича судьяси томонидан уч йилгача муддатга қўлланилади. Бундай ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддати ўн беш кундан кам бўлмаслиги керак.

Маъмурй қамоққа олиш уч суткадан ўн беш суткагача муддатга, фавқулодда ҳолат тартиби шаронтида эса, жамоат тартибига тажовуз қилганлиги учун ўттиз суткагача қўлланилади. Маъмурй қамоққа олиш туман (шаҳар) судининг маъмурй ишлар бўйича судьяси томонидан, фавқулодда ҳолат тартиби шаронтида эса, шунингдек ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиғи томонидан белгиланади.

Маъмурй қамоққа олиш чораси ҳомиладор аёлларга, уч ёшгача боласи бўлган аёлларга, ўн тўрт ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, биринчи ва иккинчи гурӯҳ ногиропларига нисбатан қўлланиши мумкин эмас.

Арзимас ҳаракатлар учун кўчада,, автобус, трамвай ва бошқа жойларда солинадиган жарима жуда оз миқдорда бўлиб, у маъмурй жазо ҳисобланмайди.

Маъмурй жазони қўллаш тартиби тегишли қонунларда кўрсатилган бўлиб, майда, арзимас ҳаракатлар учун тартиб бузилган жойнинг ўзида жарима уидирилади, бошқа ҳолларда белгиланган тартибда 16 ёшдан юқори шахсларга протокол тузилади. Агар шахснинг ҳужжатлари ёки у ҳақда маълумот берувчи гувоҳлари бўлмаса, у ички ишлар бўлимига келтирилиб, бу ерда унинг кимлиги аниқланади ва протокол тузилади. Ҳар бир мансабдор шахс ўзига топширилган соҳа ва ваколат доирасидагина протокол тузади. Бунда у ўзининг ҳам хизмат вазифасини айтиб, тартиб бузган шахсга ўз гувоҳномасини кўрсатмоғи лозим.

Жиноят кодекси

Жиноятчиликка қарши кураш борасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун бу Жиноят Кодексидир. Ушбу Кодекс республикамизда 1994 йил 22 сентябрда қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрелдан амалга ки-

ритилган.¹ Бу қонун Умумий қисм ва Махсус қисмлардан иборат. Кодекснинг умумий қисмидаги Жиноят ҳуқуқининг умумий қоидалари, Жиноят Қонунининг вазифалари ва принциплари, унинг амал қилиш доираси, жавобгарлик асослари, жиноят субъекти, айб, унинг шакллари, тамом бўлмаган жиноят, жиноятда иштирокчилик, иштирокчилик турлари, жазо тушунчалиси ва турлари, уни тайинлаш тартиби, жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш, унинг турлари, судланганлик каби масалалар назарда тутилади. Булар 1—96 моддаларни ўз ичига олади.

Қонуннинг махсус қисми 97—302 моддалардан иборат бўлиб, улар муайян жиноят учун жавобгарлик ва тайинланадиган жазоларни кўзда тутиади. Улар ети бўлим, 24 бобда; шахсга қарши жиноятлар, тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар, шу жумладан ўзгалар мулкини талон-торож қилганлик ва бошқа мулкий жиноятлар, экология соҳасидаги жиноятлар, ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жимоятларни назарда тутиади.

Жиноят қонунининг умумий қисмидаги жиноят ҳуқуқининг муҳим принциплари ва умумий қоидалари белгиланган бўлса, махсус қисмидаги конкрет жиноятлар таркиби, унинг учун жавобгарлик шартлари, айни оғирлаштирувчи белгилар ҳамда уни содир этганлик учун тайинланниши мумкин бўлган жазолар тури ва муддати кўрсатилган.

Шахснинг ҳаёти, соғлиғи, қадр-қиммати каби тушунчалар энг юксак қийматлик бўлиб, жиноят қонунлари уларни биринчи ўринга қўйган.

Иккинчи бўлимда тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар назарда тутилган. Улар тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар, Узбекистон Республикасига қарши жиноятлар каби боблардан иборат.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар бўлимига ўзгалар мулкини талон-торож қилиш; ўзгалар мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар; иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар; хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик кўрсатилган.

¹ Узбекистон Республикасининг жиноний жиноят кодексига шарҳлар Узбекистон ИИВ Академияси, «Адолат» 1997 й.

Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар бобига 175-модда Ўзбекистон Республикасининг манфаатлари га хилоф равишда битимлар тузиш, 179-модда — сохта синиши банкротлик, 182-модда — божхона тўғрисидаги қонунларни бузиш, 184-модда — солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш каби янги моддалар киритилган, хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар бобига 190-модда — фаолият билан лицензиясиз шугулланиш, 192-модда — рақобатини обрўсизлантириш учун жавобгарлик каби янги моддалар киритилган.

Экология соҳасидаги жиноятлар алоҳида боб қилиб киритилган, шунингдек, 193—204-моддаларда ифодаланади.

Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар бўллимига бошқарув тартибига қарши жиноятлар ва одил судловга қарши жиноятлар каби боблар киритилгандир. Уларнинг тафсилоти қўйида баён қилинади.

Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар бўллимига баъзи янги жазо турлари киритилган бўлиб, улар жумладан, хизмат бўйича чеклаш, қамоқ жазоси, интизомий қисмга юбориш каби жазолардир.

Бундан ташқари янги Жиноят Кодексига табиий муҳитни, инсоният хавфсизлигини жинойи тажовузлардан қўриқлаш каби сўнгги вақтгача ЖҚда бўлмаган, аммо жамиятимиз ривожида катта аҳамиятга эга бўлган бир қанча муҳим нормалар киритилдики, буларни биз қўйида батафсил кўриб чиқамиз.

ЖИНОЯТ КОДЕКСИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Республикамизнинг мустақилликка эришуви муносабати билан ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида, шу жумладан, қонунчилик борасида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Янги ижтимоий ва сиёсий системага ўтишимиз жиноят ҳуқуқи соҳасида ҳам катта ислоҳотлар ўтказилишини тақозо қилди.

Аввалги Жиноят Кодекси 1-моддасида социалистик тузум манфаатларини қўриқлашни ўз олдига биринчи галдаги вазифа қилиб қўйилган бўлса, ҳозирги ЖҚ да давлат манфаатидан ҳам аввал шахс ва унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш қўйилган бўлиб, сўнгра давлат ва жамият манфаатлари келади.

ЖҚнинг Махсус қисми биринчи бўлими «Шахса

қарши жиноятлар» деб аталади. Унинг 1 боби «Шахс-ҳаётига қарши жиноятлар» номи билан 97-модданинг 1-қисмида берилган бўлиб, жазони оғирлаштирадиган ёки енгилаштирадиган ҳолатлар бўлмаган ҳолда одам ўлдириш кўзда тутилган. Ушбу қилмиш учун жазо муддати аввалги Кодексда кўрсатилган муддатга нисбатан беш йилгача кучайтирилган бўлиб, 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланиши айтилган. ЖҚ ғининг 97-моддаси 2-қисмида эса айни оғирлаштирадиган ҳолатларда одам ўлдириш жинояти кўзда тутилиб, унда ҳам жазо аввалги Кодексдаги шундай қилмиш учун белгиланган жазога нисбатан 5 йилга кучайтирилган. ЖҚнинг 97-моддасининг 2-қисмида айни оғирлаштирувчи ҳолатлар аввалги ЖҚ дан фарқли равишда анча кенг ҳамда инсонпарварлик принципига асосланган ҳолда бир қанча янги ҳолатлар киритилган.

Яъни илгариги 9 та банд ўрнига ҳозир 17 та банд қилиб кўрсатилган янгилари қўйидагилардир.

— ожиз аҳволда эканлиги айбдорга аёи бўлган шахси;

— оммавий тартибсизликлар жараёнида;

— номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайри-табиий усулда қондириш билан;

— миллий ёки ирқий адоват замираидা;

— диний таассуб замираидা;

— киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплатат) ёки мурданинг айrim аъзоларидан фойдаланиш мақсадида;

— бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда одам ўлдириш;

Бу ҳолатларнинг 97-моддага киритилиши жуда ўринли бўлган, чунки суд жазо тайинлашда қонунда кўрсатилмаган айни оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларни ҳисобга олишга ҳақли эмас. Шу билан бирга ушбу мuddанинг диспозициясида жазони оғирлаштирувчи барча ҳолатларнинг санаб ўтилиши ҳамда озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати узайтирилиб, бу жиноят учун ўлим жазосининг ҳам кўзда тутилиши инсон қадр-қимматининг амалда юксак даражага кўтарилиганини қонун билан мустаҳкамланаётганилигидан далолат беради.

Янги ЖҚнинг қасддан баданга оғир шикаст етказганлик учун жавобгарликни кўзда тутувчи 104-модда-

сида аввалги Кодексга нисбатан бир қанча янгиликлар киритилган. Масалан олдинги Кодексга биноан жабрланиувчининг юзи хунуклашиши оғир шикаст, деб топилгап бўлса, янгисида умуман баданнинг хунуклашиши оғир шикаст, деб топилади. Шунингдек, бошқа тушунчаларга ҳам аниқлик киритилиб, бу модданинг таҳрири тубдан ўзгартирилган. Гап шундаки, баданга оғир шикаст етказиш жабрланиувчининг ўлимига сабаб бўлиши ҳақида сўз юритилар экан, бу ерда ҳам жиноятнинг қандай ҳолатларда ва кимга нисбатан содир этилиши катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун, ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан ёки миллий ёхуд ирқий адоват замира, ёки трансплантат олиш мақсадида қасдан оғир тан жароҳати етказиш ҳолларининг юқорида кўрсатилган моддалар диспозициясида кўрсатилиши тўғри бўлган.

Жамиятимиздаги сўнгги ўн йилликлар мобайнида пайдо бўлган иллатлардан яна бири, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик оқибатида ҳар хил миллатга мансуб бўлган кишилар орасида тез-тез учраб турадиган қилмishларга қарши ЖК нинг 110-моддаси яхши берилган. Бу нормада «Муттасил равишда дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнаш», жумладан бу ҳаракатлар вояга етмаган шахсга нисбатан, ҳомиладорлиги айбордга олдиндан аён бўлган аёлга нисбатан ичкор аҳволдаги айбордга олдиндан аён бўлган шахсга нисбатан содир этилганлиги учун оғирроқ жазонинг белгиланиши билан аввалги Кодексдан фарқ қилиб, бу турдаги жиноятларни қисқартиришга мўлжалланган.

ЖКнинг 118-моддасида номусга тегиши жинояти учун жавобгарлик белгиланиб, бунда жавобгарликини оғирлаштирувчи ҳолатлар анча конкретлаштирилиб берилган. Илгариги Кодексда кўрсатилмаган икки ёки бир неча шахсга нисбатан номусга тегиши яқин қариндошга нисбатан номусга тегиши, оммавий тартибсизликларнинг иштирокчилари томонидан номусга тегиши, 14 ёшга ва 16 ёшга тўлмаганлиги айбордга олдиндан аён бўлган шахснинг номусига тегиши каби янги ҳолатлар киритилиб, модданинг таҳрири анча яхшиланган. Қонуннинг бу хил афзалликлари уни қўлланишининг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасизdir. Шу билан бирга бундай жиноятлар учун бериладиган озодликдан

маҳрум қилиш жазосининг муддати 20 йилгача узайтирилиб, ўлим жазоси ҳам кўзда тутилган.

Янги ЖК нинг 136-моддасида одам ўғирлаш учун жавобгарлик ҳақида гап боради. Бу модда олдинги Кодексда йўқ эди. Ушбу модданинг янги Кодексга киритилишининг боиси шундаки, сўнгги йилларда одам ўғирлаш, айниқса, вояга етмаганларни, ёш болаларни ўғирлаб, уларнинг ота-онасидан катта миқдорда пул талаб қилиувчи жиноятлар пайдо бўлди. Фикримизча, бу жиноят учун кўзда тутилган жазо ва айни оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳаёт талабига жавоб беради.

ЖК нинг 152-моддасида аввалги Кодексда бўлмаган жиноят-геноцид учун жавобгарлик кўзда тутилган. Иккинчи жаҳон уруши вақтида фашизм давлати томонидан кенг миқёсда содир этилган бу хил жиноят умумбашарият учун катта хавф туғдирган эди. Геноцид жиноятини содир этишнинг турли усусларини қўллаганлик учун бу моддада жавобгарлик белгиланиши бизнинг давлатимиз олиб бораётган сиёсатнинг ифодаси бўлиб, бу турдаги ёвуз Жиноятнинг олдини олишга қаратилгандир.

ЖК нинг 156-моддаси аввалги Кодекснинг 64-моддасида берилган жиноятлардан фарқ қиласа ҳолда, ундан миллий, ирқий этник ёки диний мансублигига қараб, аҳоли гуруҳларига иисбатан адоват, муросасизлик ёки нигоқ келтириб чиқариш мақсадида миллий шон-шараф ва қадр-қимматин камситишга, диний эътиқодга ёки даҳрийлигига қараб, фуқароларнинг ҳис-туйғуларини ҳақоратлашга қаратилган қаседдан қилинган ҳаракатлар, худди шуннингдек, миллий, ирқий, этник мансублиги ёки динга муносабатига қараб, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклаш ёхуд уларга бевосита ёки билвосита афзаллик бериш учун жиноий жазо белгиланиб, мадданинг 2-қисмида айни оғирлаштирадиган 5 хил ҳолатлар кўрсатилганки, улар аввалги Кодексда ўз аксини топмаган эди. Ушбу жиноятнинг бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли усулда содир этилиши ёки оғир тан жароҳати етказган ҳолда содир этилиши ёхуд фуқароларнинг доимий яшаш жойидан зўрлик ишлатиб кўчирган ҳолда содир этилиши, ёки масъул мансабдор шахс томонидан содир этиш, ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда содир этилган бўлса, айни оғирлаштирувчи ҳо-

латлар, деб қаралади ва жазони кучайтиришга сабаб бўлади.

ЖКнинг 158-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган. 1991 йил 31 август Республикамиз мустақил, суверен давлат деб эълон қилинди. Демократик давлат тузумига айланган Ўзбекистонда Президентлик лавозимининг таъсис этилиши муносабати билан давлат раҳбарининг ҳаёти, соғлиғи ва қадр-қимматини қонун билан муҳофаза қилиш зарурати вужудга келди. Шунинг учун ушбу моддада унинг ҳаётига тажовуз қилганини учун, тан жароҳати етказиш ёки уни омма олдида ҳақоратлаш ёки тухмат қилиш, матбуот ёки оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда уни ҳақорат қилиш учун жиноий жавобгарлик белгиланганини ўрнили бўлган.

Янги ЖКнинг 164-моддаси «Босқинчилик» деб аталади. Маълумки, эски Кодексда бу жиноят тури 116-модда (Давлат ёки жамоат мулкини эгаллаб олиш мақсадида босқинчилик қилиш ва 127-модда — шахсий мулкда берилган эди. Янги Кодексда эса бу фақат битта моддада берилган бўлиб, тўрт қисмдан иборат. Бу моддада мулкнинг ҳамма турлари бирлаштирилган ҳолда аввалгисидан фарқли ўлароқ, бундай жиноятлар учун белгиланган сургун жазоси умуман олиб ташланган ва бериладиган жазонинг энг юқори муддати 15 йил эмас балки 20 йил қилиб белгиланган. Бундан ташқари, эски Кодексда «колдин» бандитлик қилган сўзи киритилган бўлса, янгисида бундай тушунча йўқ. Яна янги Кодексда уюшган гурӯҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилганлик учун ҳам жиноий жазо белгиланган.

Аввалги Кодекснинг 128-моддасидан фарқли ўлароқ янги ЖКнинг 165-моддасида товламачилик (Рэкет) анча ўзгарилилган таҳрирда ҳамда жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар батафсил баён қилинган ҳолда берилган. Бу модда аввалги таҳрирдаги бир қисм ўрнига янги Кодексда уч қисмдан иборат бўлиб, унинг иккинчи қисмида:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
 - б) кўп миқдорда;
 - в) бир гурӯҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириттирган ҳолда содир этилган бўлса;
- учинчи қисмда эса:

; а) ўта хавфли рецидивист томонидан;
б) жуда кўп миқдорда;
в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатлари-
ни кўзлаб содир этилган бўлса, деган жазони оғирлаш-
тирувчи ҳолатлар аниқ кўрсатилиб, товламачиликнинг
ҳар қандай тури учун аввалги Кодексда белгиланган 3
йилгача озодликдан маҳрум қилиш ўрнига 5 йилдан 10
йилгача ва 10 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум
қилиш жазоси кўзда тутилган. Рэкет жинояти кенг тар-
қалган ҳозирги кунларда унинг оғирлаштирувчи ҳолат-
лари қонунда батафсил кўрсатилиб, қилмишига яраша
оғир жазолар бериш кўзда тутилиши бу хил жиноятнинг
олдини олишга ва уни қисқартиришга мўлжалланган.

Жиноят Кодексининг 166-моддаси «Талончилик» деб
аталади. Модда 4 қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи
қисми «Талончилик», яъни ўзганинг мулкини очиқдан-
очиқ талон-торож қилиш, деб аталади ва қолган қисми
санкцияси айни оғирлаштирувчи ҳолатларга қараб
оширилиб берилган. Бу моддага ҳам уюшган гуруҳ то-
монидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этил-
ган бўлса, деган тушунча киритилди. Бу ўринда шуни
айтиб ўтиш жоизки, ушбу модданинг русча матни «Гра-
беж» то есть открытое хищение чужего имущества», «ўз-
галар мулкини очиқдан-очиқ талон-торож қилиш», деб
Серилган. Ваҳоланки, «хищение» сўзи талон-торож қи-
лиш маъносини бермайди. Қонун чиқарувчи бу ерда
«хищение» деб мулкин ўғирлаш, эгаллаш, ўзлаштириш
маъносини кўзда тутган бўлса, «талон-торож» сўзи мулк-
ни бехуда сарфлаш, кўкка совуриш, ҳар кимга тарқа-
тиб бериш, исроф қилиш маъносини билдиради. Биз-
нингча қонунда бу атама ва ибораларга аниқлик кири-
тиш лозим.

ЖКнинг, 67-моддаси «ўзлаштириш ёки растрата йўли
билан талон-торож қилиш» деб аталади. Бу модда ҳам
эски Кодексадигига нисбатан анчагина мукаммал бўлиб,
унда хавфли ва ўта хавфли рецидивист томонидан
содир қилинган жиноят учун ҳамда уюшган гуруҳ томонидан
содир этилган ҳаракатлар учун жиноий жазо бел-
гиланган.

168-модда эса «фирибгарлик» деб аталиб, бу ҳам 4
қисмдан иборатdir. Бунда эски Кодексдан фарқ қилув-
чи бир қанча ўзгаришларни кўриш мумкин. Масалан,
янгисида фирибгар томонидан мулкка бўлган ҳуқуқни
ҳам қўлга киритиш учун ҳам жиноий жавобгарлик бел-

гиланган. Яна бу ерда компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир қилинган ва уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган фирибгарлик учун жавобгарлик кўзда тутилган. Бу қўшишмчаларни жуда ўринли деб, ўйлаймиз, чунки бозор муносабатларига ўтилаётган ҳозирги даврда фирибгарликнинг янги шакл ва усувлари келиб чиқмоқда. Бу эса кейинги вақтда жамиятимизда рўй бераётган ижтимоий иқтисодий ўзгаришлар натижасидир.

Янги Кодекснинг 169-моддаси «Ўғирлик» деб аталиб, бунда эски Кодекснинг 114 ва 125 моддаларига нисбатан жиноят мазмуни ҳамда жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар замон талаблари ҳисобга олинган ҳолда берилган. Жиноятчиликнинг ҳозирги аҳволи ёки даражасидан келиб чиқиб, жазони оғирлаштирувчи янги ҳолатлар, чунончи, компьютер тизимига рухсатсиз кириб, бу жиноятни содир этиш ёхуд уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган жиноятлар учун ҳам жинонӣ жавобгарлик белгиланган. Бундай жиноят содир этганлик учун жазо кучайтирилиб, озодликдан маҳрум қилиш муддати 8 йилдан 15 йилгача кўрсатилган. Бу ўринда яна шуни айтиб ўтиш керакки, ушбу модданинг ўзбекча матни анча ноанқ ва гализ чиққан. Масалац, модданинг биринчи қисми «Ўғирлик», яъни ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш», деб аталади. Бизнингча, ўғирлик ва талон-торож қилишининг маъноси бошқа-бошқадир. Шахс бир нарсани ўғирлаган бўлса, уни бутунлай ўзига олишга ҳаракат қиласди, холос, талон-торож қилишда эса шахс бу буюмларни ўзига оладигина эмас, балки у мулкни ўринсиз сарфлайди, кўкка совуради, тамагирлик мақсадида бошқаларга бериб юборади ва ҳоказо. Бундан ташқари, мулкни талон-торож қилиш ҳоллари амалда уни ўғирловчи оддий шахс томонидан эмас, балки та-сарруф қилувчи мансабдор шахслар томонидан содир этилиши мумкин. Шунинг учун талон-торож тушунчасининг русча таржимасини «Хищение» эмас, балки «Расхищение» ёки «Разбазаривание» деб олинса, айни муддао бўлур эди. Бинобарин, ўғирлик жинояти учун жазони кўзда тутувчи 169-модданинг диспозицияси «Ўғирлик», яъни «ўзганинг мулкини яширин равишда эгаллаш» деб олинса, бизнингча жуда тўғри бўлур эди.

Янги ЖҚнинг XI боби «Ўзгалар мулкини талон-то-

рож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар» деб аталиб, 170—174-моддаларни ўз ичига олади.

170-модда «Алдаш ёки ишончни сунистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш» деб номланиб, бундай жиноий ҳаракат аввалги Кодекснинг 118¹-моддасида берилган эди. Бу модданинг иккинчи қисмида ушбу ҳаракатни хавфли рецидивист, шунингдек моддий жавобгар шахс томонидан содир қилиниши жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб кўрсатилиши ҳаёт талабидан келиб чиқиб, шу хил жиноят билан курашда катта аҳамият касб этади. Суд ва тергов амалиётида ушбу жиноятларнинг асосан хавфли рецидивист ёки моддий жавобгар шахс томонидан содир қилиниш ҳоллари учраб туради.

171-моддада «Жиноий. йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш» деб берилган. Бу модда аввалги Кодекснинг 121-моддасида (Жиноий йўл билан қўлга киритилган мулкларни била туриб олиш ёки сотиш ва 132-модда (жиноий йўл билан қўлга киритилган мулкни олиш ёки сотиш») кўрсатилган. Бу модда Янги Кодексда ҳозир мулкнинг ҳамма тури бир ҳил қўриқланиши муносабати билан фақат битта моддада баён этилган. Аввалги Кодексдан фарқли ўлароқ, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида бундай ҳаракатларнинг хавфли рецидивист, ўта хавфли рецидивист томонидан содир қилиниши, жумладан, такроран содир этилиши ҳамда уюшган гурӯҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилишининг кўрсатилиши билан аввалгисидан фарқ қиласи.

Бизнингча, жиноят ишларида учраб турадиган ана шундай ҳолатларнинг ушбу моддада кўзда тутилиши мақсадга мувофиқдир ва шу хилдаги жиноятларнинг оддини олишга қаратилган. Лекин, аввалги Кодексда кўрсатилган «Уша ҳаракатлар касб сифатида қилинса» деган сўзлар бу ерда киритилмай қолган. Бизнингча бу ҳам жазони оғирлаштирувчи ҳолатлардан бирни сифатида киритилса ўринли бўлур эди.

172-модда «Мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш» деб аталади. Бизнингча «виждонсиз» эмас, балки «инсофисизларча» сўзи бу ерда ишлатилса янада аниқроқ бўлур эди.

Аввалги Кодекснинг 122-моддасида (мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш ва 133-моддасида шахсий мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга за-

пар етказиш деб кўрсатилган жиноятлар Янги Кодекснинг 173-моддасида, яъни битта моддада «Мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш», номи билан акс эттирилган. Бундан ташқари, 173-моддада олдинги Кодексда бўлмаган миллатлараро ёки ирқий адоват ёхуд диний таассублар замирида содир қилинган, хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахснинг ёки унинг яқин қариндошларининг мулкига нисбатан содир қилинган, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бундай жиноятлар айбни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида киритилган. Яна, аввалги Кодекснинг 122 ва 133-моддасида кўзда тутилган «Ўша ҳаракатлар ўт қўйиш йўли билан ёки кўпчилик учун хавфли бўлган усуllар билан содир қилинса, ёхуд бу ҳаракатлар одам ўлумига ёхуд бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса», — деган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар янги Кодекснинг ушбу моддасида ўз аксини топиши лозим деб ўйлаймиз.

Ушбу модданинг учинчи б) банди ҳам потўғри таржима қилинган, «уюшган гуруҳ ва унинг манфаатларини кўзлаб...» эмас, балки «уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб...» бўлиши керак. Чунки, «ва», «ёки» сўзларининг маъноси жумланинг юридик маъносини бутунлай ўзгартириб юборади.

Янги Кодекснинг 174-моддаси тараққиётнинг даврталабларига жавоб берадиган, аввалги Кодексда бўлмаган «Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш» деган ном билан аталади. Бу модда ахборотлаштириш қоидаларини бузганлик, яъни ахборот тармоғидан рухсатсиз фойдаланиш ёки фойдаланишга рухсати бўлмагани ҳолда тегишли ҳимоя чораларини кўрмаслик ёки ахборотлар тармоғидан қонунга хилоф равишда ахборотлар олиш, шунингдек, ахборотлар олиш тизимидан фойдаланишга рухсати бўлган ҳолда ундаги маълумотларни қасдан ўзгартириш, йўқотиш, олиб ташлаш ёки йўқ қилиб юбориш жинояти учун жавобгарлик кўзда тутилган. Бу модда — бутунлай янги бўлиб, ЖҚга киритилгани ўринли бўлган.

Янги ЖҚнинг XII боби «Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар» деб аталади. Унинг 175-моддасида Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузганлик учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган. Бу модда Республикамизнинг бозор

иқтисодиётига ўтиш муносабати билан ҳаёт талабидан келиб чиқади.

Бу нормада Давлат органини, мулкчиллик шаклидан қатъий назар корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмасининг мансабдёр шахси томонидан наф келтирмаслиги аён бўлган битимни тузиш республика манфаатларига қўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлган ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган. Ушбу мазмундаги модданинг аввалги Кодексда йўқлигининг сабаби шундаки, бундай ҳаракатлар учун жавобгарлик собық иттифоқ органларининг ваколатида бўлиб, республика давлат органлари, корхона, муассаса, жамоат ташкилотларига чет эллар билан бевосита битимлар тузиш ваколати берилмаган эди. Шунинг учун республика манфаатларига зид келмайдиган битимлар тузишнинг катта аҳамияти борлиги ҳисобга олинниб, бу норманинг янги ЖҚ га киритилиши жуда ўринли бўлган.

Ушбу бобнинг 176-моддасида эса қалбаки пул ёки қалбаки қийматдор қофозлар ясаш, уларни ўтказиш учун жавобгарлик кўзда тутилган. Унинг олдинги Кодексдағи шу хил моддасидан фарқи шундаки, «Давлатга қарши бошқа жиноятлар» бўлимидағи бир қанча жиноят турлари «Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар» бўлимига кўчирилган. Чунки, қалбаки пул ёки қийматдор қофоз ясовчи шахс одатда тамагирлик мақсадинигина кўзлади. Унинг қасди давлатга қарши қаратилмаган бўлади. Иккинчидан бу моддада жазони оғирлаштирадиган бир неча ҳолатларнинг кўрсатилиши жуда ўринли бўлган. Масалан, аввалги Кодексда қалбаки пул ясаш касб сифатида содир этилган бўлса, дейилган бир ҳолат ўрнига янгисида шу мазмундаги модда уч қисмга бўлиниб, иккинчи қисмida шундай ҳаракатлар: а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; б) қўп миқдорда; в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, учинчи қисмда шу ҳаракатлар; а) жуда қўп миқдорда; б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, деган айни оғирлаштирувчи ҳолатлар киритилган ва ўйлаймизки, бу қўшимчалар Қонуннинг суд амалиёти томонидан қонуннинг аниқ қўлланишини осонлаштиради.

ЖҚнинг 178-моддаси «Чет эл валютасини яшириш» деб аталиб, бу ҳам мамлакатимиздаги иқтисодий ўзга-

ришлардан келиб чиқсан ҳолда киритилған. Аммо, шу модданинг иккинчи қисмида; а) банди «ғаразгүйлик билан», деб эмас «тамагирлик билан» деб таржима қилиниши лозим.

Янги ЖҚнинг 179-моддасининг номи «Сохта тадбиркорлик» деб аталади. Бу ҳам бозор иқтисодиётiga ўтиш жараёнида содир бўлаётган бундай жиноятларга қарши курашни кўзда тутади. Тадбиркорликка кенг йўл берилган ҳозирги даврда ҳақиқий тадбиркорлар билан бир қаторда бაъзи фиригарлар ҳам ўзларини тадбиркор деб кўрсатиб, сохта ҳужжатлар тузиш йўли билан давлатдан кредит олиш, фойдани (даромадни) солиқлардан яшириш (солиқни қамайтириш) ёки бошқача мулький манфаат кўриш билан шуғулланадилар. Шунинг учун бу модданинг киритилиши катта амалий аҳамиятга эгадир.

Янги Кодексга киритилган 180-модда (банкротлик) ва 181-модда (банкротликни яшириш) моддалар ҳам янги бўлиб, бозор иқтисодиёти билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг олдини олишга хизмат қиласди.

Кодекснинг 182-моддасида божхона тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, божхона назоратидан четлаб ёки ундан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ва воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатларни алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа қийматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чега расидан ўтказиш жиноятлари учун жазо белгиланади. Бу албатта, жуда кўп миқдорда ёки хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлиши керак. Унинг иккинчи қисмида эса айни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида чегарани бузиб ўтиш ёки уюшган гурӯҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши назарда тутилади. Бундай модда, маълумки олдин Республикамиз Жиноят Кодексида йўқ эди. Ҳозирда бу моддаларнинг ЖҚ га киритилиши Республикамиз давлатчилиги ҳамда иқтисодий таянчини мустаҳкамлаш билан бирга кўплаб ҳолларда контрабанда ёки шунга ўхшаш жиноятларнинг олдини олишга хизмат қиласди. Агар биз сиёсий ёки иқтисодий система ўзгариб, янги иқтисодий муносабатлар вужудга келганлигини, бозор муносабатларига ўтганлигимизни ҳисобга оладиган бўлсак, илгариги ЖҚ да давлатга қарши бошқа жиноятлар

таркибидан бўлган контрабанда ўрига бу жиноятнинг ушбу моддада ва мазкур таҳрирда берилши ҳозирги давр талабига мос тушган. Республикализ иқтисодий қувватини мустаҳкамлашда, халқни озиқ-овқат ёки кенг иштепол моллари билан таъминлашда бу хил жиноят билан муитазам равишда фаол кураш олиб бориш катта аҳамият касб этади.

ЖКнинг 183-моддаси (монополияга қарши қонунларни бузиш) ва 184-моддаси солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) каби моддалари ҳам бозор иқтиодиётига ўтиш муносабатлари билан киритилган моддалардир.

Кодекснинг XIII боби «Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар» деб аталади. Бу бобнинг 186-моддасида сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки сотиш ҳақида сўз юритилиб, товар бозорига сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки сотиш соглиққа ўртacha оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлгандан келиб чиқадиган жавобгарлик белгиланган. Сўнгги вақтларда тез-тез учраб турадиган сифатсиз ва ҳатто заҳарловчи спиртли ичимликларни вино, ароқ чиқариш ҳолларини ҳисобга олсанк бу порма жуда гарур қонундир. 1994 йилнинг охири ва 1995 йилнинг бошларида Москвада «Арман конъяги» этикеткаси ёпиштирилган сохта конъяк ва бошқа шу каби ичимликлардан бир неча киши, Душанбеда чиқарилган шампан виноси ичib бир неча киши ҳаётдан кўз юмди. Кўплаб кишилар бир умрга ногирон бўлиб қолдилар. Шунинг учун бу хилдаги жиноятларининг олдини олишда мазкур модданинг аҳамияти каттадир. Фақат бу модда таржимасида ғализлик мавжуд бўлиб, биринчи қисмида «...уни сотиш соглиққа зарар қилиб, баданга ўртacha ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса» деб ёзилиши керак. Русчаси эса «...пов.екшее среднее тяжести или тяжкие телесные повреждения» бўлиши лозим эди деб ўйлаймиз.

ЖКнинг 187-моддаси «Харидор ёки буюртмачиларни алдаш» деб аталади. Бу мазмундаги модда аввалги Кодекснинг 177-моддасида ҳам мавжуд эди. Лекин ҳозирги Кодексда берилган бу модда мулчилик шаклидан қатъий назар ҳамма соҳа учун бир хил этиб таҳрир қилингандиги ва жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар жумласидан бу қилмишининг хавфли рецидивист томонидан содир этилиши қўшилганлиги билан фарқ қиласди. Бу ўринда шуни қайд этиш лозимки, фақат дав-

лат ва кооператив корхоналарида эмас, балки ҳар қандай хусусий савдо ва корхоналарда ҳам давлат харидор ва буюртмачиларнинг манфаатларини қўриқлайди. Уларнинг ҳақидан уриб қолишни жиноий қилимиш деб қарайди. Агар бизнинг кундалик ҳаётимизда харидор ва буюртмачиларнинг ҳақларига хиёнат қилиш ҳоллари кўп учраб туришини ҳисобга олсак, қонуннинг бу нормаси жуда зарур ва адолат белгисидир. Энди гап шундаки бу қонунни оғишмай тадбиқ этмоқ лозим.

ЖҚнинг 191-моддаси «Қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш» деб номланади. Бу модда ҳам иккى қисмдан иборат, биринчи қисм сир тутиладиган фан-техника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ёки бошқа шу каби ахборотни эгасининг розилигисиз ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш мақсадида ҳар қандай усуlda тўплаганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Маълумки, шу мазмундаги модда аввалги Кодексда йўқ бўлиб янги ЖҚ да маҳсус ҳолатда киритилиши ҳам давр талабидан келиб чиқсан. Худди шундай фикрни 192-модда (рақобатчини обрўсизлантириш) ҳақида ҳам айтиш мумкин. Бу моддада (192-модда) босма ёки бошқа усуlda кўпайтирилган матнларда оммавий ахборот воситалари орқали хўжалик юритувчи субъектнинг ишибилармонлик нуфузига путур етказиш мақсадида била туриб, ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тарқатганлик учун жавобгарлик белгиланган.

ЖҚ Махсус қисмнинг тўртинчи бўлимни «Экология соҳасидаги жиноятлар» деб аталади. Бу бўлим ўн иккى моддадан иборат. Бу ерда аввало шуни айтиш лозимки экологияяга қарши жиноятларнинг Кодексдан ўрин олиши ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Аввалги Кодексга нисбатан экологик жиноятлар тўғрисидаги моддалар алоҳида бобга ажратилган.

Тўртинчи бўлим битта боб ва ўн иккى моддадан иборат бўлиб, бунда саноат, энергетика, транспорт, коммунал хизмат, агросаноат, илм-фан объектлари ёки бошқа объектларни лойиҳалаш, жойлаштириш, қуриш ва ишга тушириш, фойдаланиш нормалари ва қоидаларининг мансабдор шахслар томонидан бузилиши, ёхуд давлат комиссиясининг аъзолари томонидан бу оқибатларни норматив ҳужжатларда белгиланган қоидалари бузиб қабул қилиниши инсоннинг ўлеми, одамларнинг оммавий равишда касалланиши, экологияяга салбий таъ-

сир қиладиган даражада атроф-муҳитнинг ўзгариб кетишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлгани ҳолда келиб чиқадиган жавобгарлик кўрсатилган. Бу ерда яна шуни қайд этиб ўтиш керакки, бундай салбий ҳодисалар ҳозирда республикамиз ҳаётида кам учрасада, лекин секин-аста иқтисодий ҳаётимизда саноатнинг кең ўрин олиши ва тез суръат билан шаҳарларимиз саноатнинг қудратли саноатлашган обьектларга айланиши оқибатида, агарда завод ва фабрикалардаги маҳсулотларни қайта ишлаш чоғида чиқадиган заҳарли химиявий моддаларни фильтрлаб зарарсизлантириш йўлга қўйилмаса, бизда ҳам одамларнинг оммавий хасталигини, жумладан улкан экологик фалокатларга олиб келиши мумкин. Оддий мисол, ҳозирда жаҳоннинг саноати ривожланган шаҳарларидан бирин бўлган Гонгконгни «1-даражали ажал шаҳри» деб аташади.

Ўз мамлакатимизга келсак, Орол денгизининг қуриши қандай оқибатларга олиб келиши ҳозирдан маълум бўлиб қолмоқда. Олимларнинг айтишича унинг каттагина қисми (сатҳи) ҳозир қуриб қолған, ундан кўтариладиган чанг-тўзонлар кўп жойга етиб бормоқда. Республикашимиз иқлими сезиларли даражада ўзгариб, илгари бўлмаган ҳодисалар юз бермоқда. Жумладан, июль-август ойларида ҳам кўп вилоятларимизда ёғингарчилик давом этмоқда. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда, янги ЖК да экология ва инсон ҳаётини тобора яхшилашга қаратилган, табиатни қўриқлаш тўғрисидаги қонуниларимизни бузишга қарши курашда қаттиқ жазолар қўлланиш кўзда тутилган, бу янги бўлимнинг киритилиши қўнуннинг муҳофазасини гуманизм ва одиллик йўлида қўйган яна бир хайрли қадамидир.

Ушбу бўлимнинг қолган моддалари, яъни «Атроф-табиий муҳитнинг ифлосланганилиги тўғрисидаги маълумотларни қасдан яшириш ёки бузиб кўрсатиш» (194-модда), «Атроф-табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик» (195-модда), «Атроф-табиий муҳитни ифлослантириш» (196-модда), «Ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофaza қилиш талабларини бузиш» (197-модда), «Экинзор, ўрмон ва бошқа дов-даражатларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш» (198-модда), «Ўсимлик касалликлари ва зааркунанда билан кураш талабларини (198-модда), «Ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш» (200-модда), «Зарарли

кимёвий моддалардан фойдаланиш қондаларини бузиш» (201-модда), «Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш» (202-модда), «Сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш» (203-модда), «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиний ҳудудларнинг таркибини бузиш» (204-модда)лар тўғрисида ҳам айнан шу фикрларни айтиш мумкин бўлади.

Янги ЖҚнинг 5-бўлими «Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар» деб аталиб, у ўттиз етти моддаларни иборат. Бу гуруҳга кирувчи жиноятларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш жиноят кодексининг энг долзарб масалаларига киради. Чунки бу турдаги жиноятлар энг аввало миллатнинг бирлиги, унинг тақдирини белгилайдиган давлат ва жамоат органларининг нормал фаолиятини издан чиқаришга қаратилгандир.

ЖҚнинг 206-моддаси «Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш» деб аталади. Бу модда икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми мансабдор шахснинг ўзига қонун билан берилган ваколатлар доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни қасддан содир этиш фуқароларнинг ҳуқуқларини ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлган жиноят учун жавобгарликни кўзда тутса, иккинчи қисмда эса худди шундай ҳаракатлар;

- а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;
- б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб;
- в) масъул, мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, айни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида келиб чиқадиган жавобгарликни кўзда тутган.

Аввали Кодекснинг 150-моддасида эса худди шундай жиноят учун айни оғирлаштирувчи ҳолат қилиб ҳокимият ёки хизмат ваколатидан ташқари чиқиб, зўрлик ёки қурол ишлатиш билан ёки жабрланувчини азоблайдиган ва қадр-қимматини ҳақоратлайдиган хатти-ҳаракатлар кўзда тутилган ва бу ҳаракатлар учун б йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланган. Биз бу ерда ҳам Янги Кодексдаги ушбу модда эскисига нисбатан анча аниқ ва равшан тузилганлигини кўрамиз.

207-модда «Мансабга совуққонлик билан қараш» деб аталади. Биринчидан, юқорида айтганимиздек, «mansabga» эмас, балки «хизмат вазифасига» деб аташ керак

бўлади. Иккинчидан, бу ерда ҳам ушбу модда эскисидан фарқ қилиб, амалдаги Кодекснинг 151-моддасида худди шундай ҳаракат фақат биргина қисмда берилган ва икки йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш белгиланган бўлса, янгисида ушбу модда уч қисмдан иборат. Унинг биринчи қисмida хизматга совуққонлик билан қараш фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлирга кўп миқдорда зарар ва жиддий зиён етказилганда келиб чиқадиган жавобгарлик кўрсатилиб, бундай ҳаракатлар учун З йилгача ахлоқ тузатиш жазоси кўзда тутилган.

Иккинчи қисмда эса шундай қилмишлар баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, уч йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш жазоси, учинчи қисмда бу ҳаракатлар одам ўлимига сабаб бўлса, 5 йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш жазоси белгилангандир.

Янги ЖҚ 208-моддаси русча «Бездействие власти» деб аталади. Бизнингча, бундай номланиш хато бўлиб, «Бездействие представителя власти» деб номланиши лозим. Чунки, жиноят ҳуқуқида унинг субъекти доимо жисмоний шахс бўлади, деган таълимотдан келиб чиқадиган бўлсақ, ҳокимият ҳеч қаочон субъект бўла олмайди. Аксинча, ҳокимият вакили унинг жиноят субъекти бўлиши мумкин. Бу модда мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши шарт ёки мумкин бўлган ҳаракатларни қасддан бажармаслиги фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилса ёки жиддий ҳаракатсизлик оқибатида содир этилишига йўл қўйилган бўлса, 5 йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш жазосини кўзда тулади.

Бизнингча, шу моддага иккинчи қисмини ҳам киритиб, унда «худди шундай ҳаракатлар оғир оқибатларга сабаб бўлса», деган сўзларни қўшиш керак бўлади. Чунки, бир неча ҳолларда тегишли мансабдор шахсларнинг ҳаракатсизлиги тұфайли кўплаб фожиалар юз берган. Мисол тариқасида минглаб кишиларнинг ҳаётига зомин бўлган Үш, Ўзган, Фарғона каби шаҳарларда юз берган тўқнашувларни, техник аварияларни келтиришимиз мумкин. Бу воқеаларнинг бошланиши ва

¹ Ҳуқуқий терминларнинг таржималари муаммоларини юридик атамашунослик бўйича қаранг:
Қонун І-тил, Тошкент, 1917 й.

давом этганлиги кўп миқдорда мансабдор шахсларнинг ҳаракатсизлиги оқибати бўлган.

Янги ЖҚнинг 209-моддаси «Мансаб сохтакорлиги» деб аталади. Бизнингча бу ерда ҳам «mansab» эмас, балки «мансабдор шахснинг сохтакорлиги» деб аталиши керак. Бу модда икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда мансабдор шахснинг тамагирлик ва бошқа мағфаатларини кўзлаб, расмий ҳужжатларга била туриб, сохта маълумотлар ёки ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб, сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган мағфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат мағфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлса, келиб чиқадиган жавобгарлик кўрсатилиб, З йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўзда тутилади. Бундан ташқари, ўзбекча таржимада «ғаразгўйлик» деб ёзилган. Ҳолбуки, иккинчи қисмда эса худди шундай ҳаракатлар: а) тақороран ва хавфли рецидивист томонидан; б) уюшган гурӯҳ мағфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, 5 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси белгилангандир. Айни шу модда аввалги Кодекснинг 155-моддасида ҳам берилган бўлиб, у бир қисмдан иборат, хизмат сохтакорлиги жинояти учун 2 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси кўзда тутилади.

Аввалгисидан фарқли ўлароқ янги ЖҚ да айбни оғирлаштирувчи ҳолатлар киритилган. Фикримизча бу қўшимча ўринли бўлиб, қилмишни квалификация қилишда қулайлик туғдиради.

ЖҚнинг 210-моддасида пора олганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унинг диспозиция ва санкцияси уч қисмдан иборатdir. Ушбу модданинг биринчи қисмидаги Кодексда кўрсатилганидек» ҳар қандай тарзда пора олиш «ўрнига янгисида» «...моддий қийматликлар олиш ёхуд мулкий наф кўриш» деган ибора ёзилган. Бизнингча, бу модда иши тушган кишининг хонадонни таъмирлаб бериш ёки фарзандини харажатсиз ё танловсиз ўқишига, ишга киритиб қўйиш каби ҳолатлари кўзда тутилган. Шунингдек, Қонунга «уюшган гурӯҳ мағфаатини кўзлаб» деган айбни оғирлаштирувчи қўшимча киртилган. Бу ўзгаришлар бизнингча ҳаёт талабидан келиб чиқади. Лекин, шуниси қизиқки, пораҳўрлик бениҳоя авж олган ҳозирги вақтда ушбу жиноят учун белгиланадиган жазо негадир енгиллаштирил-

гай. Масалан, илгари Кодексга шу модданинг иккинчи қисмида 5 йилдан 15 йилгача жазо белгиланган бўлса, янгисида 5 йилдан 10 йилгача жазо белгиланган. Учинчи қисмида шундай қилмишлар масъул лавозимни эгаллаб турган мансабдор шахс томонидан ва пора олганилик учун илгари судланган шахс томонидан содир этилганда 8 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш, айни оғирлаштирувчи алоҳида ҳолларда эса ўлим жазосига ҳукм этиш кўрсатилган бўлса, янги Кодекснинг шу моддаси учинчи қисмида шундай ҳаракатлар учун 10 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўрсатилган. Худди шундай хавфли жиноятлар учун Кодекснинг кўплаб моддаларида қаттиқ жазолар белгиланган бўлишига қарамасдан, порахўрликдай давлат ёки жамият учун ниҳоятда хавфли бўлган бундай жиноят учун кескин ва қаттиқ жазо қўлланиши лозим эди.

ЖКнинг 211-моддаси «Пора бериш» деб аталади. Бу модда тўрт қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқендан фойдаланган ҳолда содир этиш лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига унга бевосита ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қийматликлар бергаилик ва уни мулкий манфаатдор этганлик учун З йилгача озодликдан маҳрум этишини кўзда тутади. Аввалги Кодекснинг 153-моддаси (Пора бериш)нинг биринчи қисми диспозициясида қисқа қилиб «Пора бериш» деб ёзилган. Янги Кодексда бу модда диспозициясида пора бериш тушунчаси нимадан иборат эканлиги аниқ очиб берилган. Бундан ташқари аввалги ЖКнинг бу модда диспозицияси иккি қисмдан иборат бўлиб, унинг 2-қисмида шахснинг пора берганлиги ҳақида маҳсус органларга ўз ихтиёри билан келиб айтганда жавобгарликдан озод қилиши кўрсатилган.

Янгисида эса шу ҳаракатнинг а) такроран, хавфли рецидивист ва илгари ушбу Кодекснинг 210 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан; б) кўп миқдорда содир этилган бўлса мол-мулки мусодара қилиниб, ва мусодара қилинмай 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш кўрсатилган. Учинчи қисмида шу жиноят а) жуда кўп миқдорда; б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб; в) масъул мансабдор

шахс томонидан содир этилган бўлса, 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш кўзда тутилади. Мазкур модданинг тўртинчи қисмида ушбу шахс жиноятини ўз ихтиёри билан келиб айтса ёки жиноятни очишга фаол ёрдам берса жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган. Ушбу қонда жиноятчиликнинг олдини олиш учун катта аҳамиятга эгадир.

Янги ЖҚнинг 212-моддаси — пора олиш — беришда воситачилик қилганлик учун жавобгарликни кўзда тутиди. Ушбу модда тўрт қисмдан иборат. Аввалги ЖҚнинг 154-моддасида ҳам шу хил жиноят учун жавобгарлик белгиланиб, у икки қисмдан иборат эди. Янги ЖҚнинг бу моддасининг биринчи қисми пора олиш, беришда воситачилик қилишнинг оддий тури З йилгача озодликдан маҳрум қилишни кўзда тутса, иккинчи қисмида худди шундай ҳаракат: а) тақороран, хавфли рецидивист ва илгари ушбу Кодексниг 210 ва 211-моддаларидан назарда тутилган жиноятларни содир этганлик учун; б) кўп миқдорда пора олиш ва бериш вақтида; в) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил биректириб пора олаётганлиги воситачига аён бўлган ҳолда содир этилганда, З йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш кўзда тутилади. Учинчи қисмида эса пора олиш беришда воситачилик қилиш: а) ҳақ эвазига; б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб; в) масъул мансабдор шахс томонидан содир этилган ҳолларда жавобгарлик белгиланиб, 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш кўрсатилган.

Охирги тўртинчи қисмида шахс ўз ихтиёри билан айини бўйнига олиб, тегишли органга хабар қиласа ва жиноятни очишда фаол ёрдам берса жазодан озод қилиниши айтилган. Бу қонда ҳам бундай хавфли жиноятларнинг олдини олишга катта ёрдам беради.

ЖҚнинг 213-моддасида хизматчини пора эвазига оғдириш учун жавобгарлик белгиланган. Бундай норма аввалги Кодексда бўлмаган эди. Унинг бу ерга киритилиши бизнингча жуда ўринли бўлган. Чунки қиммиш пора олиш ва беришда юридик жиҳатдан фарқ қилиб, бунда бирон аниқ иш масалан: жиноятни бекитиш, аниқ бир ҳаракатни амалга ошириш учун берадиган порадан фарқ қилиб, мансабдор бўлмаган хизматчини ўзига оғдириш учун мулк ва бошқа қийматликлар берилади ҳамда маълум муддат давомида пора бериб турилади. Ана шундай моддий манфаатдорлик эвазига бирон дав-

лат ва бошқа корхона, муассасаларда хизмат қилаётган шахс ўз хизмат вазифасидан фойдаланиб, уни моддий маңбаатдор қилаётган шахс маңбаати учун турли ноқонуний ҳаракат ва ҳаракатсизликни амалга оширади. Бинобарни, бу модданинг номи тўғри таржима қилинмаган. Русча «подкуп служащего» ўрнига «хизматчини пора эвазига оғдириш» деб берилган. Унинг ўрнига «хизматчини бирон қийматли нарса эвазига ўзига оғдириш» деб берилса, таржима ва маъно тўғри бўлур эди.

ЖКниг 217-моддаси йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар уюштириш тартибини бузганлик учун жавобгарликни белгилайди. Ушбу модда Кондексга янги киритилган бўлиб, давлатимиз мустақиллиги ёки демократик ҳаракатлар ривожланган ҳозирги давринг таълабларидан келиб чиқади ва Конституциямизда белгиланган ана шу ҳуқуқларни сунистеъмол қилишининг олдини олишга қаратилган. Бу модда бир қисмдан иборат бўлиб, унда ушбу ҳаракатлар ташкилотчи сига агарда унга иисбатсан ҳудди шундай ҳаракатлар учун олдин маълум маъмурӣ жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлсагина, жиноий жавобгарлик кўзда тутилади. Бизнингча, ушбу моддага иккинчи қисм ҳам киритилиб «Агарда бу ҳаракат оғир оқибатларга олиб келса», деб аталса ёки бунинг учун санкцияда оғирроқ жазо белгиланса, модда аинча мукаммал бўлур эди.

ЖКниг 218-моддасида («Тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш ва фавқулодда ҳолат шаронтида корхона, муассаса ёхуд ташкилотлар ишига тўсқинлик қилиш учун жавобгарлик белгиланган». Бу модда ҳозирги иқтисодий қийинчиликларни назарда тутиб, юз бериши эҳтимол тутилган фавқулодда ҳолат шаронтида иш ташлашларинг олдини олишга қаратилган. Афсуски, мазкур модданинг русча ва ўзбекча матни ҳам ғализ, ноаниқ таҳрирда берилган. Масалан: русчасида модда номи «Руководство запрещенной забастовкой или воспрепятствование работе предприятия учреждения или организации в условиях чрезвычайного положения» деб аталган бўлса, унинг матнида «Руководство запрещенной забастовкой, а равно воспрепятствование работе предприятия...» деб берилган. Ўзбекча матнида эса «Тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш, шунингдек, фавқулодда ҳолат шаронтида корхона, муассаса ёхуд ташкилотлар ишига тўсқинлик қилиш» дейилади.

Демак, бу модданинг мазмунни шундай бўлиб қолмоқда-
ки, «Фавқулодда ҳолат» ибораси биргина корхонанинг
ишлашига тўсқинлик қилишига тааллуқли бўлиб қол-
моқда. Баҳоланки, тақиқланган иш ташлашга раҳбар-
лик қилиш ҳам фавқулодда ҳолатда жазоланмоғи ло-
зим. Шунинг учун бу модданинг таҳририга аниқлик ки-
ритилиб, «Фавқулодда ҳолатларда тақиқланган иш
ташлашга раҳбарлик қилиш ёки корхона, муассаса ёхуд
ташкилотлар ишига тўсқинлик қилиш» деб тузатилмоғи
лозим.

ЖКнинг 222-моддаси «Озодликдан маҳрум қилиш
жойларидан қочиш» деб аталиб, бу модда аввалги Ко-
дексдаги худди шу мазмунни 166-моддадан бир қанча
афзалликлари билан фарқ қиласди, яъни 222-модданинг
иккинчи қисмида айни оғирлаштирувчи ҳолат сифати-
да а) баданга енгил ёки ўртача оғир шикаст етказган
ҳолда, б) ўта хавфли рецидивист томонидан содир эти-
лиши кабиларнинг кўрсатилиши шулар жумласидандир.
Бизнингча, ана шу жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳо-
латларга яна битта банд киритилиши лозим эди, яъни
шу ҳаракатлар зўрлик ишлатиш йўли билан содир эти-
либ, одам ўлимни ва бошқа оғир оқибатларга олиб келса,
деган жумла қўшиб қўйилиши лозим. Бундан ташқари,
ушбу модданинг ўзбекча матни ҳам, бизнингча «Озод-
ликдан маҳрум қилиш жойларидан қочиш» деб эмас,
балки «Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жой-
ларидан қочиш» деб номланиши лозим.

ЖКнинг 225-моддаси «Ҳарбий ёки муқобил хизмат-
дан бўйин товлаш» деб аталиб, ушбу модда республика-
миз Қуролли Кучлари ва ҳарбий интизомини мустаҳкам-
лашга хизмат қиласди. Ўзбекистоннинг мустақил давлат
деб эълон қилиниши ва ўз ҳарбий кучларига эга бў-
лиши муносабати билан Ватанини ҳимоя қилиш ҳозирги
вақтда жуда катта аҳамият касб этади. Унинг устига
ҳарбий хизматни ўз республикамизда ўташ ва ҳатто уни
муқобил хизмат билан алмаштириш мумкин бўлган бир
вақтда ҳарбий хизматдан бўйин товлаш, Ватан ҳимояси-
га бефарқ қараш деб ҳисобланиши табиийdir ва биз-
нингча бу модда қисмларида бундай шахсларга нис-
батан белгиланган жазо чоралари содир қилинган жи-
ноятга тўла мос келади.

ЖКнинг 226-моддаси эса «Маъмурий назорат қон-
даларини бузиш» деб аталади. Лекин айнан шу модда
эски Кодексдаги 199³ моддасида берилган бўлиб, «Маъ-

мурий назорат қоидаларини қасдан бузиш» дея номлашынан, янги Кодексда ҳам «қасдан» деган сүзни киритиш керак эди. Яна, эсқисида бундай ҳаракат учун жиноий жавобгарлик ушбу шахсга икки марта маъмурӣ жазо белгиланганидан кейин қўлланилган бўлса, янгисида шахсга бир марта маъмурӣ жазо белгилангандан кейин ҳам жавобгарликка тортиш мумкинилиги кўрсатилган. Бу эса жуда тўғридир. Бундай ташқари, янги Кодексда бундай ҳаракат учун модданинг биринчи қисмида икки йилгача, иккинчи қисмида эса айни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида 2 йилдан 4 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланганд. Бундай жазони юқоридаги ҳаракатлар учун қўллаш нотўғри, бу ерда жазо анча камайтирилиши керак. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойларидан қайтган шахсларга нисбатан назоратни имкони борича камайтиришимиз, бундай шахсга нисбатан жамият ва давлат томонидан билдириладиган ишончнинг бутунлай йўқолмаганини кўрсатади ва шахс ҳам ўз навбатида буни оз бўлсада ичдан сезгани ҳолда бундай ишончни қадрлашга ҳаракат қиласди. Қолаверса, у қилган жинояти учун белгиланганд жазони олган. Агар у бундай ҳаракатларни ҳақиқатдан ҳам қасдан содир қиласдиган бўлса, б 6 ойгача қамоқ жазоси, иккинчи қисмда эса 2 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланиши бизнингча етарли бўлур эди.

Янги ЖҚнинг XVI боби «Одил судловга қарши жиноялар» деб аталиб, 230—241-моддаларни ўз ичига олади. Унинг 230-моддасида айбсиз кишини жавобгарликка тортишда келиб чиқадиган жиноий жавобгарлик ҳақида сўз юритилиб, у икки қисмдан иборатdir. Биринчи қисм суриштирувчи ва терговчи томонидан айбсизлиги аён бўлган шахсни ижтимоий хавфли қилмишни содир этганликда айблаб жавобгарликка тортганлик учун, иккинчи қисмда айни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ўша ҳаракат оғир ёки ўта оғир қилмиш содир этганликда айланганлик учун келиб чиқадиган жиноий жавобгарлик ҳақида сўз юритилади.

Инсон қадр-қиммати юксакликка кўтарилилган ва инсон ҳуқуқлари ҳар томонлама қаттиқ муҳофаза қилинishi лозим бўлган ҳозирги даврда адолатни таъминлаш масъулияти топширилган одил судлов ходимлари томонидан бундай қилмишнинг содир этилиши ўта хавфли жиноят ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу қилмишнинг

қонун томонидан қаттиқ жазога сазовор этилиши мақ-
садға мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бинобарин, бу қылмиш
учун жазонинг кучайтирилиши ўринилдири.

Эски Қодексдаги шу бобдан ўрин олган бир қанча
жиноятлар янги Қодексдан жой олмаган. Булар: судья
ва халқ маслаҳатчисига таҳдид қилиш (157²), судья ва
халқ маслаҳатчинин ҳақорат қилиш (157³); гувоҳ ва
экспертни қўрқитиш ёки сотиб олиш (163), суриштирув
ва дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш
(164) кабилардир. Агар бу моддаларнинг Қодексдан чи-
қарилиши тўғрисида тузувчилар ёзган тушунтириш ха-
тида ҳеч қандай асос қўрсатилган эмас, ваҳоланки ана
шу нормалар, фикримизча бу бўлимдан жой олиши ке-
рак эди. Агар суд амалиётида ана шу қылмишлар уч-
рамаган бўлса, улар ҳаётда дуч келмаганлигидан эмас,
балки ундай қылмишларга иисбатан ҳуқуқни муҳофаза
қилувчи органлар томонидан қонунинг тадбиқ этилма-
гандигидандир. Чунки, гувоҳга таҳдид қилиш, уни сотиб
олиш ёки тергов материалларини ошкор қилиш каби
қылмишлар ҳаётда тез-тез учраб туриши ҳеч кимга сир-
эмас.

Бу бобнинг 231-моддасида била туриб, адолатсиз
ҳукм, ҳал қилиш қарори, ажрим ёки қарор чиқарган-
лик учун ёки ўша ҳаракат одам ўлимига ёхуд бошқа
оғир оқибатларга сабаб бўлса, келиб чиқадиган жиной
жавобгарлик ҳақида гапирилади. Эски Қодексда ҳам
157-моддада худди шу матндан сўзлар бор, лекин бош-
ланишида «Судьялар томонидан тамагирлик билан ёки
бошқа шахсий манфаатларни кўзлаб, била туриб адо-
латсиз ҳукм чиқариш...» деган сўзлар мавжуд эди. 230
ва 231-моддаларда ҳам янада аниқроқ бўлиши учун худ-
ди шу сўзларнинг бошланишида киритилса яхши ва ман-
тиқан тўғри бўларди деб ўйлаймиз.

232-модда мансабдор шахсларнинг суд ва судьянинг
ҳукми, ҳал қилиш қарори, ажрим ва қарорини қасддан
бажармаганлиги ёхуд уларнинг бажарилишига тўқин-
лик қилганлиги учун жиной жавобгарлик белгилайди.
Бу модда санкцияси жуда кучайтирилган бўлиб, бундай
қарорларни бажармаганлик учун ҳатто З йилгача озод-
ликдан маҳрум қилиш кўзда тутилади, ҳолбуки, эски Қодексда бундай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун ман-
сабдор шахс бор-йўғи 300 сўмдан 1000 сўмгача жарима
тўларди. Жазонинг бундай кучайтирилиши мамлакати-

мизда одил судловнинг мавқеини янада оширишга хизмат қиласди.

ЖҚнинг 233-моддаси «Банд солинган мулкни қонунга хилоф равиша тасарруф этиш» деб номланади. Ушбу модда эски Кодекснинг 165-моддасида «Рўйхат қилинган мулкни растрата қилиш ёки яшириш» дейиш ўрнига «Банд солинган мулкни ноқонуний ўзлаштириш, деб аталиши ва шунга асосан жазонинг кучайтирилиши бизнингча ўринли бўлар эди.

ЖҚнинг 234-моддасида қонунига хилоф равиша ушлаб туриш ёки ҳисбга олиш учун жавобгарлик белгиланган. Аввалги Кодекснинг 158-моддаси таҳрири бошқача берилган бўлиб, аввал қонунсиз қамаш, сўнгра қонунсиз ушлаб туриш учун жавобгарлик кўзда тутилган эди. Янги Кодексда ана шу қилмишлар жойи алмаштирилиб, Кодекснинг тузилиш принципига мос равиша аввал қонунсиз ушлаб туриш, кейин қамаш учун жавобгарлик белгиланган. Бундай қилмиш учун жиноий жазо белгиланиши ҳам амалий аҳамиятга моликдир. Фикримизча, қонунда бундай норманинг бўлиши шу сингари шахс озодлигига қарши ва унинг ҳуқуқларини поймол қилувчи хавфли жиноятларнинг олдини олишга қаратилган.

ЖҚнинг 236-моддаси «Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш», деб аталиб, бу модда Узбекистон Республикаси Олий Кенгаш Раёсатининг 1989 йил 21 декабрь Фармони билан қабул қилинган эди. Бу модда қабул қилинишининг асосий сабаби турғунлик йилларида партия ва совет органларининг раҳбарлари суд ва тергов ишларига аралашавериб ўзларининг турли буйруқ ва кўрсатмалари билан одил судлов ишларига жуда катта халақит бераётганликлари, бўлган эди. Ушбу қонун республикамиздаги демократик ўзгаришларга, одил судлов ролининг оширилишига ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган.

Янги ЖҚнинг 237-моддаси «Ёлғон хабар бериш» деб аталади. Бу норма суд ва тергов амалиётида учраб турадиган бундай қилмиш учун жавобгарликни кўзда тутади. Лекин назаримизда унинг матнида бир мунча ғализлик мавжуд. Масалан, илгариги Кодекснинг 160-моддасида «Жиноят иши қўзғатиш мақсадида бирор жиноят содир этилган, деб била туриб ёлгои маълумот бериш» деб ёзилган бўлса, янги Кодекснинг ушбу моддасида «Ёлғон хабар бериш, яъни жиноят тўғрисида била

туриб, ёлғон хабар бериш», дейилган. Бунинг устига шу модданинг русча матнида ҳам ноаниқлиқка йўл қўйилган. Унда «Ложний донос, то есть заведомо ложное сообщение о преступлении» дейилган. Аслида бу қилмишининг мазмуни ҳозирги амалда бўлган Кодексда ноаниқроқ берилган. Бизнингча бу модданинг матнида «Бирон жиноятни содир этганлик тўғрисида била туриб ёлғон хабар бериш» деб ёзилса, норма мазмунига аниқлик киритилган бўлур эди. Бундан ташқари, ушбу модданинг иккинчи қисми б) бандида «фаразгўйлик ниятларида» деб русча «из корыстной целей» сўзидан нотўғри таржима қилинган, аслида бу сўз «тамагирлик ниятида», деб берилиши керак. Ушбу бобнинг 238-моддаси «Ёлғон гувоҳлик берганлик» учун жавобгарликни кўзда тутади. Бу модда янги Кодексда бошқачароқ таҳрирда берилиб, эски Кодексдан фарқ қиласи. Жумладан, эскисида айни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ўша ҳаракатларнинг давлатга қарши ниятларда ёки бошқа оғир жиноятларга айблаш билан боғлиқ бўлиши кўрсатилмаган бўлса, янгисида суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов ёки ишни судда кўриш вақтида гувоҳ ёки жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув бериши ёки экспертнинг нотўғри хулоса бериши ёхуд таржимоннинг нотўғри таржима қилиши учун пора эвазига оғдириб олиш, шунингдек, уларга ёки уларнинг яқин қариндошларига руҳий ёки жисмоний тазиий ўтказиш орқали, ёлғон кўрсатув беришга мажбур қилиш ҳоллари кўрсатилган. Бизнингча, бу ҳолларга «агарда бу ҳаракатлар оғир оқибатларга олиб келса» деган жумла қўшилса, янада тўлиқроқ бўларди, бундан ташқари «подкуп» сўзи «пора эвазига» деб нотўғри таржима қилинган. Бу модданинг таржимасига аниқлик киритиш зарур.

ЖКнинг олтинчи бўлими «Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар» деб аталиб, у 17—20 бобларни ўз ичига олган. Бўлимнинг XVII боби жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлардан иборат бўлиб, унинг 242-моддаси «Жиноий уюшма ташкил этиш» деб аталади. Бу модда бутунлай янги бўлиб, ҳозирги реал вазиятдан келиб чиқсан. Бу моддада жиноий фаолият билан шуғулланувчи уюшма тўғрисида сўз боради-ю, лекин, бу тушунча очиб берилмайди. Кодексга илова қилинган «Атамаларнинг ҳуқуқий маъносига» ҳам ушбу тушунча мазмуни акс эттирилмаган. Шунинг учун мазкур нормада унинг мазмуни очиб берилса, ма-

салан, «Жиноий уюшмани ташкил этиш яъни жиноий фаолият билан шуғулланиш учун иккى ёки ундан ортиқ гуруҳларни олдиндан тил биринчи, бирлаштириш ёки унга раҳбарлик қилиш, шунингдек, уларнинг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга қаратилган фаолиятни» деб берилса, бизнингча тўғри бўларди. Бундан ташқари шу модданинг биринчи қисм санкцияси билан иккинчи қисм санкцияси Кодексда моддаларнинг жойлашиши принципига зид, масалан, биринчи қисм санкциясида жазо 15 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси белгиланган бўлса, иккинчи қисмida эса уюшган қуролли гуруҳ тузиш, шунингдек, унга раҳбарлик қилиш ёки унда иштирок этганлик учун 10 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Бизнингча бундай жиноятларга жазо белгилашда биринчи қисм учун 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш, иккинчи қисм учун эса 15 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси белгиланиши керак бўлади. Чунки уюшган қуролли гуруҳ тузиш жамият учун шу модданинг биринчи қисмida кўрсатилган жиноятга нисбатан анча хавфлайди.

Янги ЖҚнинг 244-моддаси «Оммавий тартибсизликлар» деб аталиб, бундай жиноятга нисбатан аввалги Кодексда белгиланган 12 йилдан 15 йилгача ўринига 10 йилдан 15 йилгача жиноий жазо белгиланган. Аммо биз «Оммавий тартибсизликлар» деганда эски Кодексдаги матини бир оз ўзгартириб берганимизда, ўйлаймизки, бу тушунча аниқ ўз ифодасини топган бўларди. Яъни «Қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб, қирғин солиш, вайрон қилиш, ўт қўйиш ва бошқа шу каби ҳаракатлар билан бирга қилинган оммавий тартибсизликлар уюштириш, уларнинг иштирокчилари томонидан бу жиноятларда фаол қатнашиш, ёхуд ҳокимиятга қуролли қаршилик кўрсатиш» деб берилиши лозим деб, ўйлаймиз. Чунки, ушбу модда матнида «...шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш... ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш» каби юридик атамалар «оммавий тартибсизликлар» деган тушунчани бермайди.

ЖҚнинг 245-моддаси «Шахсни гаров сифатида туткунликка олиш» деб аталади. Ушбу модда, маълумки, олдинги ЖҚ да йўқ бўлиб, замон талабларидан келиб чиқкан ҳолда киритилди. Лекин, бизнинг назаримизда

бу моддани «жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар» бобига эмас, балки «шахс ҳәтига қарши жиноятлар» таркибиңга киритиш керак эди. Чунки ушбу жинояттинг объекти инсон ҳәти ва соғлиғи ҳисобланади.

ЖҚнинг 251-моддаси «Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равиша эгаллаш» деб аталиб бу модданинг биринчи қисми диспозициясида «Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ўғирлик ёки фирибгарлик йўли билан қонунга хилоф равиша эгаллаш» деб ёзилган ва бу ерда ҳақли равишида» кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар деғанда нимани тушуниш керак, бу наркотик моддаларми ёки бошқа нарсаларми? деган савол туғилади. Шунинг учун худди эски ЖҚнинг 216¹-моддасида аниқ кўрсатилганидек, бу ерда ҳам модда диспозициясида «Наркотик ҳисобланмаган кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларни... эгаллаш» деб берилса, жуда равшан ва тушуңарли бўлар эди.

Бу модда уч қисмдан иборат бўлиб, унинг иккинчи ва учинчи қисмларидаги ҳолатлар айни оғирлаштирувчи сифатида берилган яъни икки қисмда шундай ҳаракатлар а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; б) бир гурӯҳ шахслар томонидан олдиндан тил биритириб; в) ўзлаштириш, растрата қилиш ёки мансаб мавқеини сунистехнологияни қилиш; г) талончилик йўли билан; д) товламачилик йўли билан содир этилиши назарда тутилади. Учинчи қисмда ўша ҳаракатлар а) босқинчилик йўли билан; б) кўп миқдорда; в) уюшган гурӯҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши назарда тутилади. Ушбу модда санкцияларида қаттиқ жазолар белгиланган бўлиб, бу содир этилган жинояттинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳисобга олинганлигининг натижасидир.

ЖҚнинг 252-моддаси «Радиоактив материалларни қонунга хилоф равиша эгаллаш» деб аталади. Афсуски, ЖҚдаги бошқа бир қанча моддаларда бўлгани каби бу ерда ҳам англашмовчиликка йўл қўйилган. Ушбу модданинг номида ҳам, диспозициясида ҳам «Радиоактив материалларни қонунга хилоф равиша эгаллаш», деб ёзилган бўлсада, сўз авваламбор, радиоактив модда ҳақидами ёки материал ҳақида боряптими билиб бўлмайди. Чунки радиоактив модда ва материаллар бир-бираидан фарқ қилиб, радиоактив моддалар деганда, плутоний, цезий, уран каби химиявий элементлар кирса, ра-

дисоактив материалларга бир қанча шундай моддалардан ташкил топган йиғиндиilar киради. Бизнингча бу ерда гап радиоактив моддалар ҳақида кетяпти, чунки ҳозирга қадар бир қанча ҳолларда сабиқ СССР ҳудудидан атом қуролини ясаш учун жуда зарур бўлган плутоний, уран каби моддаларни контрабанда усули билан олиб чиқиб кетаётган гуруҳлар қўлга олинди. Бу модда айни шундай ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган деб, ўйлаймиз. Иккинчидан, қонунга хилоф равишда эгаллаш қандай йўл билан амалга оширилади, ўғирлик биланми, фирибгарлик биланми ёки талон-торож қилиш йўли биланми, англаб олиш мушкул. Шунинг учун ҳам, бизнингча бундай модда диспозициясини ёзишда албатта, модда матнининг аниқ ва тушунарли бўлишига диққат эътиборни қаратмоқ лозим. Мабодо бундай диспозициянинг қўлланишига амалиётда тўғри келиб қолинса, кўпгина хатоликларга йўл қўйилиши мумкин.

253-модда «Радиоактив материалларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш» деб аталиб, бундай материалларни сақлаш, ҳисобга олиш, улардан фойдаланиш, уларни ташиб, жўнатганлик ва улар билан муомалада бўлганлик натижасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилгандаги жавобгарликни кўзда тутади. Иккинчи қисмда агар шундай қилмиш а) одам ўлнимига; б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлганини учун жавобгарлик кўзда тутилади.

Ушбу бобнинг «Радиоактив материаллардан қонунга хилоф равишда фойдаланиш (254-модда), «Ядро қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш» (255-модда), «Тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларини бузиш» (256-модда), «Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш» (257-модда), «Тоғкон, қурилиш ва портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш (258-модда), «Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш» (259-модда) каби моддалари ҳам кўплаб ижобий ўзгартиришлар орқали ҳозирги давр талабига ҳамда жиноят ҳуқуки жиҳатидан кўпгина етакчи давлатлар стандартларига жавоб берга оладиган моддалар даражасига кўтарилган. Албатта, бу ютуқ авваламбор республикамизнинг ушбу соҳасидаги олимлари меҳнати натижасидир.

ЖҚнинг маҳсус қисм 6-бўлими 18-боби «Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар» деб аталиб, 9 моддадан иборат. Бу ерда

ҳаёт ва суд амалиётида учрайдиган шу соҳадаги жиноятларнинг деярли барчаси кўзда тутилган. Қонунчилик техникасига риоя қилинган ҳолда ушбу нормаларнинг тузилишида, матнида аввалги Кодексга нисбатан афзалликлари кўриниб туради. Масалан, аввалги Кодексда ҳаво кемасини олиб қочиш (209³ — модда) алоҳида моддада берилган бўлса, янги ЖК да «Темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ва дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш» (264-модда) деб уч транспорт воситасини бирлаштириб, буларга содир этиладиган шу жиноятларнинг ҳаммаси учун бир хилда жазо белгиланган. Ушбу 264-модда икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми диспозициясида темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ва дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш жинояти учун жавобгарлик кўзда тутилган, иккинчи қисмда эса худди шундай ҳаракатлар а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил биринкириб содир этилган бўлса ёки б) зўрлик ишлатиб ёхуд зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилганлиги кўзда тутилгандир.

Худди шундай ҳаракат одам ўлимига сабаб бўлганда оғирроқ жазо кўзда тутилади.

Янги Кодекснинг 265-моддаси (Халқаро учиш қоидаларини бузиш) ва 266-модда (Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш) лари бизнингча аввалги моддаларга нисбатан анча кенг ва аниқ берилган бўлиб, бундай жинояtlар учун санкция қисмida аввалгиларга нисбатан анча қаттиқ жазо берилиши ҳам содир қилинган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги даражасини ҳисобга олган ҳолда белгиланган.

ЖКнинг 267-моддаси «Транспорт воситасини олиб қочиш» деб аталади. Бу модда уч қисмдан иборат бўлиб, бу ерда ҳам жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар бағафсил берилган. Бу ерда шуни айтиб ўтиш лозимки, илгариги Кодексда транспорт воситаларини ўғирлаш мақсадини кўзламай олиб қочиш учунгина жавобгарлик енгил қилиб белгиланган эди. 1991 йил 15 февралда бу моддага жиддий ўзгартиришлар киритилиб, унинг учинчи қисмida транспорт воситаларини олиб қочиш ўта хавфли рецидивист, уюшган жиноятичи гуруҳ томонидан, ёхуд куч ишлатиб ёхуд дўқ-пўписа қилиб содир этилганда мол-мулки мусодара қилиниб, 10 йилдан 15 йил-

гача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланиши кўрсатилган.

1991—93 йилларда Ўзбекистонда, жумладан Тошкент шаҳри ва вилоятида ўғирлаш мақсади билан автомобиль олиб қочиш жуда авж олган эди. Иш шу даражага бориб етдики, автомобиль эгалари, унинг дарагини топсалар ўғрилар бошлиғидан ўз мулкларини ўzlари яна сотиб олишга мажбур бўлар эдилар. Агар сўралган пулни бермасалар, автомобильнинг керакли қисмларини шилиб олиб, ўзини кўчаларда ёқиб ҳам кетдилар. Янги ЖК да ана шу вазиятларни ҳисобга олган ҳолда 267-моддада уч қисмдан иборат диспозиция ёзилиб, уларда жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар кўзда тутилган.

ЖКнинг 268-моддасида «Транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузганлик» учун келиб чиқадиган жавобгарлик кўрсатилган бўлиб, бунда йўловчи, пиёда, велосипед, от-улов транспорт ҳайдовчиси ёки йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчилари томонидан ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузганлик, баданга ўртacha оғир ёки оғир шикаст етказганлик учун жавобгарлик белгиланади. Маълумки, ҳаётда ва суд амалиётида учраб турганидек транспорт ҳалокатидан ёки баҳтсиз ҳодисаларнинг сабабларидан бири пиёда йўловчи, велосипед ёки от-улов ҳайдовчининг йўл қоидаларини бузнишидир. Бундай қилмиш оқибатида транспорт ҳам заараланади. Натижада одам баданига шикаст етказилиши ёки ўлиши мумкин. Шунинг учун бу норманинг ЖК га киритилиши жуда ўринли бўлган. Бу моддада автомобил йўлларидан фойдаланиш ва уларни қўриқлаш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, эскисидан кўра батафсилоқ ёзилганлиги ва бериладиган жазонинг қилмишга мослиги билан ажратиб туради.

Бир хилдаги турдош жиноятларнинг алоҳида бир бобда ажратиб берилishi қонунчилик техникасига мос тушиб, ЖК нормаларини қўлланишда катта қулайлик туғдиради. Чиндан ҳам илгариғи Кодексда буларнинг бошқа жиноятлар билан бир бобда бўлиши жиноят обьекти ва мантиқ жиҳатидан тўғри эмас эди. ЖКнинг XIX бобидә эса «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар» деб аталиб, бу бобнинг номланишида русчадан нотўғри таржима қилинган ибо-

ра бор. Чунки русчада «Преступления, составляющие незаконный оборот наркотических средств или психотропных веществ» деган избора ўзбекчага «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равиша мумалага чиқариш билан боғлиқ жиноятлар» деб таржима қилиш ўринда «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равиша мумала қилишдан изборат жиноятлар» деб нотўри таржима қилинган. Буни тузатиш лозим.

ЖҚнинг 270-моддаси «Тақиқланган экинларни етишириш» деб номланган. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, худди шу маънодаги диспозицияни эски ЖҚда ҳам кўриш мумкин. Фақат у ерда деярли бир хил бўлган икки жинойи ҳаракат иккита модда билан белгиланган, яъни «Етишириш тақиқланган кўкнор ва наша экканлик ёки ўстирганик» (217-модда), «Мойли кўкнор ва нашани файри-қонуний тарзда экиш ёки етишириш» (217¹-модда) номлари билан берилган.

Янги ЖҚ да эса ана шу икки модда бирлаштирилиб, ягона битта модда билан берилган ва бизнингча, бу модда ихчамлаштирилиб, амалиётда қўлланилиши янада осонлаштирилган. Ушбу модда уч қисмдан изборат бўлиб, унинг биринчи қисмида тақиқланган кўкнор, мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёҳвандлик воситалари ва пейхотроп моддалар бўлган экинларни қонунга хилоф равиша экканлик ёки етишириганик учун жавобгарлик кўзда тутилган. Иккинчи қисмда эса шундай ҳаракатлар: а) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равиша мумала қилишдан изборат жиноятни содир этган шахс томонидан; б) бир гурӯҳ шахслар томонидан илгаридан тил биринтириб; в) ўртача катталиктаги майдонда содир этилганда жазонинг оғирлаштирилиши кўзда тутилади. Учинчи қисмда эса бундай ҳаракат; а) ўта хавфли рецидивист томонидан; б) уюшган гурӯҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши назарда тутилади. Янги ЖҚ да эса ана шу икки модда бирлаштирилиб, ягона битта модда билан берилган ва бизнингча бу модда ихчамлаштирилиб, амалиётда қўлланиши янада осонлаштирилган.

ЖҚнинг 271-моддаси «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равиша эгаллаш» деб аталади. Авваламбор, «...қонунга хилоф равиша деган сўзларни «ноқонуний» деган сўз билан ал-

маштириш керак, сүнгра диспозиция матнида айтиладики, гап ўғирлик ёки фирибгарлик устида кетадиган бўлса, бу ерда «қонунга хилоф равишда деган ибора-нинг ўзи керак эмас. Чунки, ўғирлик ҳам, фирибгарлик ҳам қонунга хилофdir. Шунинг учун биз бу модда матнини «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларини ўғирлик ёки фирибгарлик йўли билан эгаллаш», деб ўзгартиришни таклиф қиласиз. Бундан ташқари, бу модда диспозициядаги «уюшган ёки унинг манфаатларини кўзлаб» деган сўзларни «уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб», деган сўзлар билан алмаштириш керак.

ЖКнинг 272-моддаси «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтка-зиш» деб аталади. Бизнингча, ушбу модда матнини ўзгартириб, «Гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни ноқонуний сотиш», деб аташ керак бўлади. Модда диспозициясиning биринчи қисми ҳам худди шундай ёзилмоғи лозим. Илгариги Қодексининг шу хил моддасида ҳам, «сотиш» деган ибора тўғри ишлатилган. Иккинчидан, назарингизда «Гиёҳвандлик ёки психотроп моддаларни ноқонунний сотиш ёки уларни сотиш мақсадида ноқонуний тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракаттар кўрсатилган моддаларни алоҳида қилиб эмас, балки бир модда таркибида бериш керак, чунки бу ҳаракатлар ўзининг ижтимоий хавфлилиги, содир этилиши жараёни билан бир-бираидан деярли фарқ қилмайди. Шунда, бу модда диспозицияси матнини қуйидагича бериш мумкин бўлади: «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ноқонуний сотиш мақсадида тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар, шунингдек сотиш.

Учинчидан, агар барибир улар алоҳида модда сифатида бериладиган бўлса, 272 ва 273-моддаларининг жойи ўзгаради ва биринчи «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ноқонуний сотиш учун тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар», иккинчи эса «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ноқонуний сотиш» тартибида жойлаштирилиши лозим. Ана шунда бу моддалар жойлашиши қонунчилик техникаси талабларига тўла жавоб берган бўлур эди.

Яна, 273-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари диспозицияси ноаниқ бўлиб, биринчи қисмдан бундай моддаларни кўп бўлмаган миқдорда ноқонуний тайёр-

лаш, эгаллаш, сақлаш, ташиш ёки жүнатиш күрсатылған бўлса, иккинчи қисмда худди шундай нарсалар озгинадан кўпроқ тайёрланса, эгалланса ва ҳоказолар учун жавобгарлик белгилайди. Бу ерда бизнингча мантиққа зид нарсани кўриш мумкин. Биринчидан, тайёрланган бундай нарсалар озгинами ёки озгинадан кўпроқми барибир сотиш чун мўлжалланган, орадан бундай фарқлашнинг ҳожати йўқ. Иккинчидан эса, ҳақиқатдан ҳам кўзда тутилган меъёрида оз тайёрланган бўлса ва бундай шахс қўлга тушса, унинг бу моддаларни ҳақиқатдан ҳам сотиш учун тайёрлангани, эгаллаганини, сақлаганини, ташиганини ёки жўнатганини исботлаш суд-тергов ходимлари учун ниҳоятда қийин бўлади. Шунинг учун сотиш учун тайёрланган бу оғуларни «озгина» ва «озгинадан кўпроқ» деб белгиламасдан, оддий қилиб, «ноқонуний тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш», деб кўрсатиш керак. Кейинги қисмда эса тўғридан-тўғри бундай қилмишлар:

- а) илгари гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунига хилоф равища муюмала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил биректириб;
- в) озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойларида;
- г) ўқув юртларида ёки ўқувчилар, студентлар ўқув, спорт ёки жамоат тадбирларини ўтказадиган бошқа жойларда;
- д) кўп миқдорда содир этилган бўлса, мол-мулк мусодара қилиниб, етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади... бандлари билан берилиб, охириги бандида «кўп миқдорда содир этилган бўлса» деб эмас, балки «кўп миқдорда тайёрланган бўлса», — деган ибора билан кўрсатилиши лозим деб ўйлаймиз.

ЖҚнинг 274-моддаси «Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш» деб аталади. Илгариги Кодексдан фарқли ўлароқ бу ерда модда диспозицияси аниқ ёзилиб, наркотик воситалар билан бирга психотроп ёки шахснинг ақл-идро-кига таъсир этувчи бошқа моддаларни ҳар қандай модда шаклда истеъмол қилиш учун жавобгарлик кўрсатылган. Гарчи бу моддада жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар уч банддан иборат бўлса-да, уни содир

этгандик учун белгиланган жазо аввалги Кодексдаги 10 йил ўрнига 5 йилгача деб белгиланган. Гиёхвандлик кенг тарқалган ҳозирги вақтда гиёхвандлика жалб қилиш жуда хавфли жиноят бўлиб, жазонинг енгиллаштирилиши таажжубланаарли ҳолдир. Бизнингча бундай жиноят учун оғирроқ жазо белгиланиши керак эди. Мана шу айтилган фикрларимизнинг қанчалик тўғрилигини мантиқан асосли бўлган кейинги 275-моддада белгиланган жазо муддати тасдиқлаб турибди. Бу нормада «Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатишининг ўрнатилган қоидаларини бузганлик учун 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Ҳолбуки, эски Кодексда худди шундай жиноят учун 3 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўрсатилган эди.»

Янги ЖКнинг 275-моддаси номида ҳам баъзи сўзларниң иотўғри таржима қилинганини кўриш мумкин. Масалан, «Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар» дейилган. Лекин, бу ерда гал мавҳум тушунча бўлган, «ўтказиш» эмас, балки «сотиш» тўғрисида кетяпти, Тўғрироги «Гиёхвандлик моддаларини сотиш мақсадини кўзламай» дейилмоқда. Бу тушунча аввалги Кодексда жуда тўғри берилган эди. Бинобарин, ушбу моддаларга тегишли таҳририй ўзгартиш киритиш лозим бўларди. Янги ЖКнинг XX боби «Жамоат тартибига қарши жиноятлар» деб аталиб, икки муддани ўз ичига олади. Уларнинг бири «Безорилик» бўлиб, бу жиноятнинг элементлари азалдан суд амалиётида учраб келган жиноят ишларидан келиб чиқиб кўрсатилган. Янги Кодексда унинг аввалги таҳририга нисбатан янада аниқроқ, янада батафсилоқ таҳрир қилинниб, жавобгарликини оғирлаштирувчи ҳолатлар алоҳида бандларга бўлиниб, батафсил кўрсатилади. Фикримизча, мудданинг ҳар уч қисмида белгиланган жазо тури ва муддатлари ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига тўғри келади. Лекин, мудданинг биринчи қисми таржимасида бироз ноаниқлик мавжуд бўлиб, «...ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш жиддий зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир қилинса», деб эмас, балки «...ёки ўзганинг мулкига жиддий зарар ет-

казилса ёхуд побуд қилинса» деб таржима қилинса жуда аниқ бўлган бўлур эди.

ЖҚнинг энг охириг 7 бўлими «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар» деб аталиб, XXI боб — «Бўйсуниш ва ҳарбий шаънга риоя этиш тартибига қарши жиноятлар», XXII боби «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар», XXIII боб — «Ҳарбий мулкни сақлаш ёки ундан фойдаланиш тартибига қарши жиноятлар» ва XXIV — «Ҳарбий мансабдорлик жиноятлари» бобларини ўз ичига олади. Бу ерда ҳам эски ЖҚдан фарқ қилиб, унда ҳамма ҳарбий жиноятлар фақат 1 бобдагина берилган бўлса, янгисида ҳар бир қилмишинг содир қилинган соҳаснга қараб алоҳида бобларга ажратилган.

XXI боб 279-модда (Бўйсунмаслик)дан бошланиб учқисмга бўлинади. Лекин бу модданинг биринчи қисмидаги буйруқни бажаришдан очиқдан-очиқ бош тортиш, шунингдек, уни бошқа тарзда қасддан бажармаслик учун 2 йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки 1 йилгача интизомий қисмга юбориш жазоси кўзда тутилган бўлса, аввалги Кодексда худди шундай ҳаракатлар учун 1 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш белгиланган. Янги ЖҚ да шу модданинг иккинчи қисмидаги шу ҳаракатлар бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши ёки оғир оқибатларга сабаб бўлиши кўзда тутилади. Учинчи қисмда шундай қилмишлар жанговор вазиятда содир этилса оғирроқ жазо назарда тутилади.

Амалдаги Кодекснинг ушбу моддасида бизнингча бундай ҳаракатлар учун ўлим жазосининг кўрсатилмаганигини ҳамда 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси бериш билан чекланганилик жуда тўғридир.

282-модда жанговар вазиятда бошлиқни ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш учун (агарда бундай ҳаракатнинг амалга оширилиши учун етарли асослар мавжуд бўлса) жавобгарлик белгиланиб, бизнингча эскисига нисбатан таҳрири янгиланган. Чунончи, аввалги Кодекс 229-моддасининг иккинчи қисмидаги кўрсатилганидек, шундай ҳаракатлар агарда айбни енгиллаштирувчи ҳолатларда содир қилинганда Қуролли Кучлар интизом Уставининг қўлланишига сабаб бўлиши кўрсатилган. Бу янги Кодексдан жой олмаган. Чунки, бусиз ҳам унда қилмиш учун Уставга мувофиқ чора кўрилиши мумкин. Бундан ташқари, илгариги Кодексда белгиланган шундай қилмиш учун 10 йилгача

озодликдан маҳрум қилишнинг белгиланиши бизнингча тұғриди.

Кодекснинг 286-моддаси «Мародёрлик» деб аталиб, ҳалок бўлганларнинг ёки ярадор бўлганларнинг буюмларини жанговар вазиятда эгаллаганлик учун жавобгарлик белгиланган. Лекин, модда диспозицияси бизнингча жуда ғализ чиққан. Бу ерда «Ҳалок бўлган» ва ярадорларнинг буюмларини жанговар вазиятда эгаллаш...» деб кўрсатилиши унинг мазмунини аниқ бермайди. Шу ўриида аввалги Кодексдаги ана шу номли модданинг диспозицияси фикрини яхши очиб беради. Унда бу модда диспозицияси «Жанг майдонида ўлган ёки ярадор бўлганларнинг нарсаларини талаш, ўғирлаш (мародёрлик), деб берилган. Шунинг учун янги ЖК ушбу моддасининг диспозицияси ҳам ана шу мазмунда берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

«Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар» боби 287—298-моддаларни ўз ичига олади. Ушбу бобининг 288-моддаси «Дизертирилик» деб аталиб, у иккى қисмдан иборат ва бунда биринчи қисмда оддий ғаскарлар томонидан, иккинчи қисмда эса шундай қилмишлар офицерлар таркибидан бўлган шахс, прaporщик, мичман ёки ҳарбий хизматни контракт (шартнома) ёйинча ўтаетган ҳарбий хизматчи томонидан содир қилингандан келиб чиқадиган жавобгарлик белгиланади. Лекин, шу қилмиш уруш вақтида содир этилганда келиб чиқадиган жавобгарлик ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган. Ҳолбуки, бу фавқулодда аҳамиятга эга бўлган масаладир. Шунинг учун биз моддага учинчи қисмни ҳам киритиб, «Худди шундай қилмишлар уруш вақтида ёки жанг вазиятида содир этилса, 5 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси билан жазоланади», деб беришни тавсия қиласиз.

298-модда «Ҳалок бўлаётган ҳарбий кемани ташлаб кетиши», деб аталади. Бизнингча, модданинг бундай номланиши нотүғри бўлган. Кема ҳалок бўлмайди, балки ҳалокатга учрайди. Шунинг учун, модда номини ва матнини «Ҳалокатга юз тутган ҳарбий кемани ташлаб кетиши» деб аташ лозим.

292-модда «Ички хизматни ўташ ёки гарнизонда патруллик қилиш қоидаларини бузиш» деб аталиб, шундай қилмиш орқали бирор зарарли оқибат келиб чиқсанына З йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосини кўзда тутади. Биринчидан, бу ерда ҳам 291-моддада кўрсатил-

ганидек, «...қоидаларини заарарли оқибатлар келтириб: чиқарадиган тарзда бузиш», деб эмас, балки «...қоидаларини бузиш заарарли оқибатларни келтириб чиқарған бўлса» деб ёзилиши зарур.

Иккинчидан, бизнингча шу моддага қўшимча сифатида яна иккита қисм киритилиши лозим эдики, бу катта аҳамиятга эга. Булар: 1) агарда шу ҳаракатлар оғир оқибатларга олиб келса, 2) шу ҳаракатлар жанговар ҳолатда содир қилинса, шунда модданинг матни анча мукаммал бўлар эди.

295-модда «Ҳарбий мулкни беҳуда сарфлаш, йўқотиш ёки ишдан чиқариш» деб аталиб, биринчи қисмидә ҳарбий хизматчи шахсан ўзи фойдаланиш учун берилган ҳарбий аслаҳа-анжомларни сотиш, фойдаланиш учун бирорвга берганлиги ёки гаровга қўйғанлиги учун жазо белгиланади. Бизнингча, бу ерда жазо фақат сотганлиги ёки гаровга қўйғанлиги учун берилиши лозим, бирорвга берганлиги учун эса Устав бўйича жавоб бериши лозим бўлади. Модда уч қисмдан иборат бўлиб, тайбни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида икки ва учинчи қисмларида хизматда фойдаланиш учун ишониб топширилган қурол, ўқ-дори, ҳаракат қилиш воситалари, техника таъминоти буюмларини сақлаш қоидаларини бузиш натижасида уларни йўқотганлик, ишдан чиқарганик, шунингдек қилмишларни жанговар ҳолатда содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган.

ЖКнинг 297-моддаси «Атрофдагилар учун катта хавф манбаи бўлган қурол-яроғ, шунингдек, модда ва буюмлар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш» деб аталади. Бизнингча, модда номини ҳам, матнини ҳам» ...модда ва буюмлар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш» деб эмас, балки «модда ва буюмлардан фойдаланиш қоидаларини бузиш» деб аташ керак бўлади. Чунки бу модданинг русча матнида «Нарушение правил обращения с оружием», деган ибора «қуролдан фойдаланиш қоидасини бузиш» деган маънони беради. «Муомала қилиш» эса одам билан нарса ўртасидаги муносабатга муомала қилиш ибораси тўғри келмайди.

Биз юқорида ЖК махсус қисмийнинг кўпгина тафсилотлари билан ўқувчини таништириш билан бир қаторда мустақил республикамиз Кодексининг қатор афзаликлари ҳақида сўз юритдик. Шуни эътироф этиш зарурки, илгариги шўролар давридаги жиноят қонунтаридан ҳозирги қонунларимиз жуда катта фарқ қиласди.

Умумбашарий қадриятларни ва халқаро ҳуқуқ нормаларини ҳисобга олиб тузилган ушбу Кодекс жиноят қонунларининг ҳар томонлама такомиллашаётганидан далолат беради.

Жиноят қонуни принциплари янгиланган ва бозор иқтисодиётига ўтаётган ҳозирги даврда бу қонунларнинг қўлланиш жараёни албатта, жиноят ҳуқуқи фани олдига янгидан-янги муаммоларни қўйиши ва қонунларимиз бундан кейин ҳам тобора такомиллашуви шубҳасизdir. Бинобарин, фан ва амалиёт ходимлари фикр билдиришларини кўзлаб, Кодекс моддалари таҳрирининг янада яхшиланишига қаратилган бир қанча мулоҳазаларни билдиридик. Уйлаймизки, уларни муҳокама қилиш фойдадан холи бўлmas.

Жиноят процессуал кодекси

Жиноят ишларини тергов қилиш ва судда кўриш борасидаги муносабатлари жиноят процессуал Кодекси билан тартибга солинади. Ушбу Кодекс 1994 йил 22 сентябрда қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрелдан амалга киритилди.¹ Кодекс 13 бўлим, 61 боб, 581 моддадан иборат бўлиб, улар асосий қондалар ва жиноят процесси принциплари, жиноят процесси иштирокчилари, далиллар ва исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар, процессуал мажбурлов, жиноят оқибатида етказилган мулкий зиённи қоплаш, жиноятларнинг олдини олиш чоралари, реабилитация, процессуал муддат ва чиқимлар, ишни судга қадар юритиш, биринчи инстанция судида иш юритиш, ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асосланганлиги ва адолатлилигини текшириш, алоҳида тоғфадаги жиноят ишларини юритиш каби масалаларни камраб олган.

Ушбу Кодекс ҳам ҳуқуқий давлат қуришга киришган республикамизда барча демократик ҳуқуқий принципларни ҳисобга олган ҳолда тузилган бўлиб, келажакда янада такомиллашиб бориши шубҳасизdir.

Жиноят ижроия Кодекси

Жиноят жазони ижро этиш борасидаги ижтимоий муносабатлар **Жиноят ижроия Кодекси** (тўғрироғи жиноят жазо ижро Кодекси бўлиши керак) билан тартиб-

¹ Узбекистон Республикасининг жиноят—процессуал кодекси, Тошкент, «Адолат», 1995 й.

га солинади. Ушбу Кодекс 1997 йил 25 апрелда қабул қилиниб, 1 октябрдан амалга киритилган.¹

Жазо ижроия қонунларининг вазифаси жазо ижренини таъминлаш, маҳкумларни ахлоқан тузатиш, жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. (Уз ЖИКнинг 2-моддаси).

Жазо ижроия қонунлари адолатпарварлик, инсонпарварлик, демократизм, жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш, мажбуровлар воситаларини оқилюна қўлланиш ва маҳкумни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашга асосланади.

Кодекс умумий ва маҳсус қисмларга бўлинган. Кодекснинг умумий қисмида жазо ижроия қонунлари, уларнинг вазифаси, амал қилиши; маҳкумни ахлоқан тузатиш; маҳкумларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари; жазоларни ижро этувчи муассасалар ва органлар, бу органлар фаолиятини текшириш ҳамда назорат қилиш; давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан текшириш: прокурор назорати; жазони ўташ жойларига кириш каби масалаларни ўз ичига олади.

Кодекснинг маҳсус қисмида эса жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишлари тартиқасидаги жазоларни ижро этиш; қамоқ тариқасидаги жазони ижро этиш; жазони ижро этиш муассасаларнинг турлари, манзил-колониялар, умумий тартибли, қаттиқ тартибли, маҳсус тартибли колониялар; умумий тартибли тарбия колониялари, кучайтирилган тартибли тарбия колониялари, турмалар, маҳкумларни тергов ҳибсхонасида ёки турмада қолдириш; маҳкумларни жазони ижро этиш учун жўнатиш; жазони ижро этиш муассасаларидаги режим; маҳкумларнинг яшаш жойи, уларнинг овқати, уст-бош билан таъминланиши, тиббий-санитария хизмати; маҳкумларни меҳнатга жалб қилиш, уларнинг иш вақти, дам олиш вақти, улар меҳнатига ҳақ тўлаш; маҳкумлар билан тарбиявий иш олиб бориш, уларнинг умумий таълимни, ҳунар таълим ва касб тайёргарлиги; уларга нисбатан қўлланилайдиган рағбатлантириш ва итизомий жазо чоралари; ўлим жазосини ижро этиш шартлари ва тартиби; ҳарбий хиз-

¹ Узбекистон Республикасининг жиноят-ижроия кодекси. Тошкент, «Узбекистон», 1997 й.

матчиларга нисбатан хизмат бўйича чеклаш, қамаш ва интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш; қўшимча жазоларни ижро этиш тартиби ва шартлари; жазони ўташ муддатидан илгари озод қилиш; жазо ижросини тугатиш; жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилиш тартиби; бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш; вояга етмаган шахсларга нисбатан мажбурлов чораларини назарда тутади.

Ущбу жазо ижро кодекси аввалгисидан анчагина фарқ қилиб, инсонпарварлик, кенг демократизм асосида тузилган бўлиб, маҳкумларга анча енгилликлар беришини кўзда тутади.

Кодекс нормаларига аниқ риоя қилиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлайди ва қонун устуворлигини таъминладиди.

ҚОНУНИЙЛИК ПРИНЦИПЛАРИ ВА ҚОНУН НОРМАЛАРНИНГ БУЗИЛИШИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Қонулар демократик қонунчиликнинг негизини ташкил қилади. Тўла қонунчилик ва қонунийлик ўринатиш учун ҳуқуқнинг барча соҳаларида ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар ишлаб чиқиш зарур. Қонуларнинг ҳозирги такомиллашув даражаси амалдаги қонуларни тадбиқ этувчи одил судлов органлари давлат ва жамоат бирлашмалари системаси мамлакатимизда қонунийликни тўла таъминлашга имкон беради. Қонулар ҳокимиятнинг олий органи томонидан қабул қилинган ва олий юридик кучга эга бўлган ҳуқуқий акт бўлиб, у фуқароларнинг хоҳиши-иродасини ифодалайди.

Қонунийлик деб, барча фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан қонуларнинг аниқ ва оғишмай бажарилишини, уларнинг ижро этилишини тушунамиз. Қонуларга қатъий риоя қилиш фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг ахлоқий бурчи ва конституцион мажбурияти ҳисобланади. Қонунийлик мустаҳкамланган жойда ҳуқуқ тартибот ҳам жойида бўлади. Ҳуқуқ-тартибот тушунчасига келсақ, бу ҳуқуқ нормалари билан белгиланган одамлар ўртасидаги муносабатлар тартиби бўлиб, бунда фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона, муассаса, ташкилот ва

бирлашмалар ҳуқуқларини ҳеч қандай тўсқинликсиз амалга оширадилар ва мажбуриятларини оғишмай бајарадилар.

Ҳуқуқ-тартиботга риоя қилиш фақат қонун талабларинигина эмас, балки қонунлардан келиб чиқадиган қонда, низом ва бошқа норматив талабларни амалга ошириш демакдир.

Ҳар қандай жамиятда жиноятчиликнинг бўлиши ачинарли ва тоқат қилиб бўлмайдиган ҳол. Афусски, ҳозир ҳам бу ҳодисаларнинг учраб туришига ижтимоий онгининг ҳаётдан орқада қолиши, баъзи кишиларимизнинг ҳали онг, билим, маданий дарражаси ва ҳуқуқий онгининг юксак бўлмаганлиги ҳамда хўжалик-бошқарув, маъмурий ва одил судлов органлари фаолиятида-ги, шунингдек, тарбия ишимиздаги баъзи нуқсонлар сабаб бўлиб келмоқда. Шу сабабли ҳуқуқнинг айrim соҳаларида қонун талаблари бузилмоқда ва унга қарши барча чоралар билан маҳсус кураш олиб боришга тўғри келмоқда.

Қонунбузарлик, ҳуқуқ нормасини бузиш нима? Бу ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат, яъни қоюнга риоя қилмаслик демакдир. Қонунга хилоф қилмиш ёки ноқонуний ҳаракат деб, ҳуқуқий нормада ман қилинган ҳаракатни содир этиш ёки шахсга юклатилган юридик мажбуриятни бажармаслик, яъни ҳаракатсизликка айтилади. Қонунга хилоф қилмишининг жиноят деб топиладиган энг хавфли кўринишига қарши давлат мажбуров чоралари қўлланилади. Шу билан бирга маъмурий ҳуқуқ ва жиноят ҳуқуқида кўзда тутилган жазолар ҳамда тарбиявий чоралар, ишонтириш усули кенг қўлланилади.

Жиноятчилик билан курашда энг муҳим тадбир профилактика, яъни жиноятчиликнинг олдини олиш, тарбиявий ишларни кучайтириш, одамларга қонун ва ҳуқуқ-тартиботни ҳурмат қилиш рухини сингдиришдир. Лекин бу тадбирлар натижа бермаган жойда давлатимиз мажбуров чораларни қўллашга мажбур бўлади. Зеро, ҳар бир фуқаро тўла ишонч ҳосил қилмоғи лозимки, унинг ҳаёти ва соғлиғи, мулки ва ҳуқуқлари, қадрқиммати ва тинчлигини давлатимиз қаттиқ ҳимоя қиласиди.

Хизмат вазифаси ва унвонига қарамай ҳамма қонунга бўйсунмоғи қонун олдида барчанинг тенг бўлмоғи ва қонунларни бир хил тушуниб, тўла амалга оширмоғи

лозим. Қонунга риоя қилиш зарурияти ишчининг ҳам, деҳқоннинг ҳам, хизматчининг ҳам, мансабдор шахснинг ҳаётий эҳтиёжига айланиб бориши лозим. Қонунга амал қилишдан ҳамма наф кўради, сира зиён кўрмайди, аксинча қонун талабини бузиш ҳамма вақт шахснинг ўзига бирон жиддий зарар ва шикаст етказади ёки қаттиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Қонунийликни таъминлаш бутун жамоатчиликнинг ҳам иши. Қонун шунинг учун ҳурматга сазоворки, у давлатимиз ва жамиятимиз обрў-эътибори билан, давлатнинг мажбуровлор кучи билан таъминланади. Қонунларимиз жамият ва шахс манфаатларига мосдир. Уларда барчанинг манфаати ҳисобга олинади. Бизнинг қонунчилик фаолиятимизда ва қонунларимизга хос энг муҳим хусусиятлардан бири шуки, уни амалга оширишнинг мустаҳкам кафолатлари ҳам мавжуд, Масалан, қонун-қондалар бизнинг маънавиятимиз, ахлоқ нормаларимиздан келиб чиқади ва уларнинг амалга оширитиши бутун ҳокимият ва бутун демократик системамиз томонидан қўйлаб-қувватланади. Бизнинг ижтимоий тузумимиз фуқароларининг барча конституцион ҳуқуқларини: меҳнат ҳилиш, билим олиш, қариганда пенсия олиш, дам олиш ва бошқа ҳуқуқларни амалга оширишга тўла имкон беради. Бу неъматлар бизнинг иқтисодий қувватимиз билан кафолатланади. Юридик кафолатга келсак, мамлакатимизда жуда бой ҳуқуқ системаси, ижтимоий муносабатларининг барча соҳаларини тартибга солувчи қонун-қондалар ишлаб чиқилган ва яна ишланмоқда. Уларни оғишмай амалга ошириш ҳамда ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар учун фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг юридик жавобгарлиги белгиланган. Қонунларнинг турмуш талабларига тўла мос бўлиши устида зарур ишлар олиб борилиши туфайли улар узлуксиз ривожланиб ва такомиллашиб бормоқда.

Шундай қилиб, бизнинг қонунларимиз ва қонунийликни таъминлаш талаблари қоғозда эмас, реал амалга оширилиши учун барча имкониятлар мавжуд. Шу билан бир қаторда қонунийликни таъминлаш вазифаси ўз-ўзидан бажарилмай, барча фуқаро ва мансабдор шахслардан профилактика ва тарбиявий ишларни янада яхшилашни, аҳолининг умумий билими, маданияти ва ҳуқуқий маданиятини оширишни, ҳуқуқий тарғиботни мустаҳкамлашни талаб қиласди. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш учун мактабларда

таълим-тарбия ишларини янада кучайтириш, ҳуқук билимларини ўқитишини яхшилаш ва ота-оналар учун педагогик ва ҳуқуқий билимларни кенг тарғиб қилиш лозим бўлади. Ана шу йўллар билан биз мамлакатимизда қонунийликни янада мустаҳкамлашга эришмоимиз мумкин.

Қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш уни камайтириш давлат ва жамият олдига қўйилган программавий вазифа бўлиб, у ҳамманинг ижтимоий масъулиятнни оширади ва мансабдор шахсларга, барча фуқароларга катта юридик ва маънавий масъульият юклайди.

ЖИНОЯТ ВА ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК

Жиноят тушунчаси асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 14-моддасида кўрсатилган бўлиб, ушбу Кодекс билан тақиқланган айни ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ва ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳди迪 билан жиноят, деб топилади.

Ушбу Кодекс билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфни келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади.

Жиноят ҳуқуқининг бир соҳаси бўлиб, жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи юридик нормалар йиғиндицидан иборатdir.

Жиноят ҳуқуқининг манбаи жиноят қонунлариdir. Бизда улар жиноий қилмиш содир этган шахсларга нисбатан тегишли жазо қўлланиш ўйни билан жиноятчиликка қарши курашиш учун хизмат қиласди.

Жиноят ўзи нима? Жиноят муайян ижтимоий хавфли қилмиш бўлиб, уни содир этганлик учун жавобгарлик ЎзР ЖҚнинг тегишли моддаларида белгиланган. Фуқаролик ҳуқуқи, меҳнат, маъмурий ҳуқуқ нормаларини бузиш ҳам жамиятга муайян зарар келтиради. Лекин қонун бузишнинг энг хавфлиси жамият учун хавф тугдирадиган қилмиш бу жиноят ҳисобланади ва уни содир этганлик учун қонунда тегишли жазолар қўллаш қўзда тутилади. Ҳаётимизда учраб турадиган безорилик, ўғирлик, мулкни талон-торож қилиш, порахўрлик, коррупция, одам ўлдириш каби қилмишлар жамият учун ўта хавфли жиноятлар ҳисобланади.

Жиноят деб, ижтимоиј ва кенг демократияга асосланган давлат тузумига, шахсга, унинг ҳәётига ва соғлигига, мулкка, сиёсий меҳнат ва бошқа фуқаролик ҳуқуқларига тажовуз қилишда ифодаланган ва жиноят қонунида кўрсатилган ижтимоиј хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликка айтилади.

Демак, у ёки бу қилмишни жиноят деб топиш учун, биринчидан, у ижтимоиј хавфли, иккинчидан, жиноят қонунида конкрет кўрсатилганилиги, учинчидан ана шу объектлариниг бирни ёки бир нечтасига қасддан ёки эҳтиётсизлик билан тажовуз қилган бўлиши керак.

Жиноят ҳар-хил, унинг ижтимоиј хавфлилик дараҷаси ҳам турлича бўлади, у содир этилганда ҳамма вакт зарар келтиради ва ижтимоиј хавф туғдиради.

Жиноят қонунида жиноятга моддий тушунча берилади. Агар қилмиш ижтимоиј хавф туғдирмаса у жиноят ҳисобланмайди. ЎзР ЖҚнинг 36-моддасида жиноят сифатида назарда тутилган қилмишини аломатлари мавжуд бўлса-да, ўзиннинг кам аҳамиятлилиги туфайли ижтимоиј хавфли бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноят, деб топилмайди дейилган. Фақат бирон жиноятини содир этганилик учун айбдор деб топилган шахсгина жиноиј жавобгарликка тортилади. Жиноятни қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этгани чоғда 16 ёшга тулган ақли нормал шахс жиноят субъекти ҳисобланади.

Жиноят содир этгунга қадар ўн тўрт ёнга тўлган шахслар ЎзР ЖҚнинг 97-модда қасддан одам ўлдириш, 98-модда — кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш, 104-модда — қасддан баданга оғир шикаст етказиш, 106-модда — кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш, 118-модда — номусга тегиш, 119-модда — жиноиј эҳтиёжни зўрлик ишлатиб гайритабиј усулда қондириш, 137-модда — одам ўлдириш, 164-модда — босқинчилик, 166-модда — талончилик, 169-модда — ўғирлик, 173-модда — ўзганинг мулкини қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш тўғрисидаги модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари, 220-модда — озодликдан маҳрум этиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар, 222-модда — озодликдан маҳрум қилиш жойларидан қочиш, 247-модда — ўқотар қурол, ўқ дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш, 252-модда — радиактив материалларни қонунга хилоф равишда

эгаллаш, 263-модда — темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти воситачи ёки алоқа йўлларини яроқсиз ҳолатга келтириш, 267-модда — транспорт воситасини олиб қочиш, 271-модда — гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш, 277-безорилк тўғрисидаги модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар.

Янги ЖҚ жуда ўринли равишда қандай жиноятлар учун ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни жинойи жавобгарликка тортиш мумкин эмаслиги аниқ белгиланган. Булар қўйидагилардир: ЖҚнинг 122-моддаси — вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатларни бузиш, 195-модда — атроф-табиий муҳитнинг иф-модда — ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш, 123-модда — ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш,, 127-модда — вояга етмаган шахсни, ғайрижитимий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, 144-модда — фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунни бузиш, 146-модда — сайлов ва референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонунни бузиш, 193-модда — экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш, 195-модда — атроф-табиий муҳитнинг иф-лосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик, 205-модда — ҳокимият ёки мансаб ваколатини сунистеъмол қилиш, 210-модда — пора олиш, 225-модда — ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш, 226-модда маъмурий назорат қоидаларини бузиш, 230-модда — айбсиз кишини жавобгарликка тортиш, 232-модда — суд қарорини бажармаслик, 234-модда — қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш, 235-модда — кўрсатув беришга мажбур қилиш, 279-модда — бўйсунмаслик, 302-модда — хизматга совуққонлик билан қараш каби моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят содир этгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлган шахсларгина жавобгарликка тортиладилар.

Ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар жиноят содир этган шахслар умумий қоидаларга мувофиқ ва ЖҚнинг умумий қисми олтиничи бўлимидан назарда тутилган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда жавобгарликка тортиладилар.

14—16 ёшга етмаган шахслар ижтимоий хавфли ҳаракат содир этганлари ҳолда, улар ва ота-оналарининг

жавобгарлиги масаласини вояга етмаганлар иши билак шуғулланувчи комиссиялар ҳал қиласы.

Шуурсиз, яғни рұхий касалликка учраган шахс, ижтимоий хавфли құлмисиң содир этган пайтда ўз ҳаракатларидан ўзига ҳисоб берілмеган ёки ўзини идора қила олмаган бўлса, у жиноий жавобгарликка тортимайди. Ақли нормал эмаслиги ёки бошқа касаллиги суд ва тергов органлари томонидан суд психиатрия-экспертизасининг фикрига асосан аниқланади. Ундан шахсларга суд қарори билан медицина характеристидаги мажбуровлар чоралари қўлланилади. Маст ҳолда жиноят қилиш одатда, жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолат ҳисобланади. Агар ичкиликбозлик рұхий касалликка айланган бўлиб, шахс ўзини идора қила олмаган ёки ўз ҳаракатидан ўзига ҳисоб берілмеган даражасига этган бўлса, шуурсиз ҳисобланади ва унга жиноий жавобгарлик ўрнига мажбурий даволаш чораси қўлланилади.

Жиноятнинг зарур белгиларидан яна бири шуки, мазкур ижтимоий хавфли құлмиси албатта Жиноят кодексида кўзда тутилган бўлмоғи керак. Агар у ёки бу құлмис жамият учун заарли бўлсада, кодексда кўрсатилмаган бўлса у жиноят ҳисобланмайди. Ундан құлмис учун шахс маъмурӣ, интизомий ва бошқа хил жавобгарликка тортилиши мумкин. Ҳар қандай жиноят учун қонунда муайян жазо белгиланган бўлиб, у жиноят ишини кўрган суд томонидангина қўлланилади.

Жиноят таркиби: Ҳар қандай ижтимоий хавфли құлмиснинг жиноят ёки жиноят эмаслигини аниқлашда жиноят ҳуқуқи фани ишлаб чиқсан жиноят таркиби ҳақидаги таълимотга амал қилинмоғи керак. Жиноят деб қараладиган ҳар бир құлмиснинг тўрт томони, яъни тўрт элементи бўлмоғи шарт. Масалан, жиноят объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томони. Муайян құлмис таркибида ана шу тўрт элементдан биттаси етишмаса ҳам, жиноят таркиби ҳосил бўлмайди. Жиноят таркиби қўйндаги турларга бўлинади: а) оддий таркиб — яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолатлари бўлмаган жиноят; б) мурракаб таркиб, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган жиноят; в) жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларда содир этилган жиноят:

Жиноят таркиби жиноятнинг ижтимоий-сиёсий ва юридик мазмунини очиб беради ва маълум бир шахс содир этган құлмисни тўғри баҳолашга, уни қонуннинг

тегишли моддаси ва муайян қисми билан аниқ квалификация қилишга, жиноят қонунининг тўғри қўлланишига имкон беради.

Жиноят обьекти мазкур жиноятни характерлашда ҳал қилувчи белгидир. Қонун билан қўриқланадиган обьекти ҳеч қандай қийматга эга бўлмаса жиноят ҳисобланмайди.

Жиноят обьекти жиноят таркибининг бир элементи бўлиб, қилмишни жиноят деб топиш учун албатта, у ижтимоий қийматга эга бўлмоғи керак. Акс ҳолда жиноят таркиби ҳосил бўлиши мумкин эмас. Жиноятнинг умумий обьекти бу ижтимоий муносабатлардир.

Жиноят қонуни ана шу муносабатларни қўриқлаш билан бутун жамиятни қўриқлайди. Жиноятнинг маҳсус обьекти бир гурӯҳ турдаги жиноятлар учун хос ягона белгиларга эга бўлган обьектдир.

Жиноят кодексининг ҳар бир бобига бир хил маҳсус обьектга тажовуз қилувчи жиноятлар киритилган, масалан, одам ўлдириш, баданга шикаст етказиш, жинсий жиноятлар, ҳақорат, тұхмат ва шунинг кабилар шахсга қарши жиноятларга, яъни одам ҳаёти, соғлиғи, озодлиғи ва қадр-қимматига қарши жиноятларни кўзда тутивчи бобга киритилган.

Босқинчилик, товламачилик, талончилик, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, фирибгарлик, ўғирлик, давлат мулки ва хусусий мулкка қарши қилинган жиноятлар иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар бўлимига киритилган.

Жиноят турини маҳсус обьектлар ёки турдош жиноятлар обьекти белгиси билан бобларга ажратиш жиноят кодексининг маҳсус қисмини тузиш ва қонуншунослик фаолияти учун катта аҳамиятга эгадир.

Жиноят турларининг бевосита обьекти бу конкрет ижтимоий муносабатлар бўлиб, жиноят шуларга қарши қаратилган бўлади. Масалан, одам ўлдиришда бевосита обьект одам ҳаёти, баданга шикаст етказишда унинг соғлиғи, ҳақорат қилишда қадр-қиммати бўлади. Жиноятнинг предмети деб ўғирланган буюм, қийматлик, сохта пул ва шунинг кабиларга айтилади. Жиноят қуроли ундан фарқ қилиб, миљиқ, пичоқ, қофоз, бўёқ ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Жиноятнинг обьектив томони бу ижтимоий хавфли ва қонунга хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ҳисобланади. Унинг зарурий белгиларига жиноий оқибат ва

ана шу ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан жиноят содир этиш натижасида келиб чиққан заарарли оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш киради. Жиноят қилиш усули, вазияти, жойи, вақти кабилар эса унинг факультатив белгилари ҳисобланади.

Жиноятынг субъектив томони деб, шахснинг ўзи содир этган жиноята психик муносабатга айтилади. Агар у ижтимоий хавфли қилмишни қасд ёки эҳтиётсизлик билан содир этган ва бу қилмиш учун қонунда жиноий жавобгарлик кўзда тутилган бўлса, у ҳолда жиноят содир этган шахс айбдор ҳисобланиб, суд орқали унга жиноий жазо қўлланилади.

Жиноят қасдан ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этилади. Қасд икки хил бўлиб, бирни тўғри қасд, яъни муайян жиноят бевосита қасд билан содир этилади. Масалан, айбдор шу жиноятдан келиб чиқадиган ижтимоий хавф ва етказилган шикаст, ёки моддий заарга кўзи ета туриб, шуни хоҳлаб жиноят содир этади, иккинчиси, жиноят ҳуқуқида эгри қасд, деб юритилиб, бунда жиноятни ана шу жиноий оқибатнинг келиб чиқишини истамайди, лекин шундай бўлса-да, муайян жиноятни содир этади, ундан келиб чиқадиган заарарли оқибатга эса била туриб бефарқ қарайди ва шунга йўл қўяди.

Қонунда эҳтиётсизлик ҳам икки хил. Агар жиноятчи ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида маълум зарар етказиши, яъни ижтимоий хавфли оқибат юз берниши мумкиниллигига кўзи етса-да, лекин енгилтаклик билан заарарли оқибатнинг олдини олишини мўлжаллаб ҳаракат қилган ва бундай оқибат юз берган бўлса, у жиноий тарзда ўз-ўзинга ишониш дейилади. Агар шахс ижтимоий хавфли оқибатнинг юз бершини олдиндан билмаган бўлса-ю, лекин уни билиши мумкин ва лозим бўлса, буни жиноий бепарволик дейилади.

Жиноят субъекти юқорида айтганимиздек 16 ёшга тўлган ақли нормал шахс бўлади. Айрим жиноятлар 14 ёшдан бошлаб жиноят субъекти бўлиши мумкин.¹ Мансабдор ва ҳарбий жиноятлар учун фақат мансабдор, ҳарбий хизматчи ҳамда ҳарбий мажбурлар жавобгарликка тортилиши мумкин. Бундай шахслар жиноят ҳуқуқи фанида маҳсус субъект деб номланади. Қонун бў-

¹ Фақат бир хил жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда одам ўлдирганлик учун ЖК 97-моддасининг II-қисмида 13 ёшдан жиноий жавобгарлик белгиланган.

йича қуйидаги икки хил ҳолатда содир этилган ижтимоний хавфли ҳаракат, гарчи у күринишда жиноятга ўхшасада, жиноят деб топилмайды. Булар: а) зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган құлмиш; б) охирги зарурат ҳолатида содир этилган құлмиш;

Агар қонунда жиноят, деб ҳисобланған бирон мүайян ҳаракат зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган бўлса, у жиноят деб топилмайди. Жиноят Кодексининг 37-моддасига биноан зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган, яъни мудофааланувчи ёхуд бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини қонунга хилоф тажовуздан тажовузчига зарар етказган ҳолда ҳимоя қилинш чоғида қилингандың ҳаракат, агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди. Масалан: мушт кўтарган кишига пичноқ уриш ярамайди, лекин пичноқ ўқталған, кишига бирон жисмоний зарар етказниш ва реал хавф туғилгани ҳолда ўлдириш ҳам қонуний ҳисобланади. Бунда тажовуз ҳақиқий, реал хавф туғдирган бўлиши, мудофаа кучи ҳужум характеристига ва туғилаётган хавфга монанд бўлиши лозим. Масалан, темир йўл кўп-ригини портлатиш пайтида қўпорувчини ўлдириш қонуний бўлади. Лекин бирорнинг чўнтағига қўл суққан ўғрини ўлдиришни зарурий мудофаа ҳолатида одам ўлдириш, деб бўлмайди.

Охирги зарурат ҳолатида қилингандың ҳаракат ҳам қонуний, деб топилади. Масалан: юқорида кўрсатилган объектларга, яъни давлат ва жамият манфаатларига, шахсга, унинг ҳуқуқига таҳдид солаётган хавф-хатарни бартараф қилиш учун учинчи шахс ёки мулкка зарар етказиш қонунийdir. Бунда бартараф қилингандың хавф-хатар оқибатидан кўра етказилган зарар камроқ бўлмоги керак. Демак, охирги зарурат ҳолатида ҳаракат қилған шахснинг етказган зарари ёки баданга етказган шикасти жиноят ҳисобланмайди. Чунки, бошқа илож топилмагандың ҳолда, у ўз ҳаракати билан келтирган зараридан кўра кўпроқ зарар келишининг олдини олган ва кўп зарар келиши ёки шикаст етиши хавфини бартараф этган бўлади. Масалан, қатор ёғоч уйларга бир четдан ўт кетиб, ёнғин кучайган ва ўт уйларнинг биридан иккинчисига ўтиш хавфи реал бўлган пайтда, ўртадаги қўшни уйни бутунлай бузиб, тезда ёғочларни узоққа олиб бориб ташлаш билан бир неча бошқа уйлар ёнғиндан сақлаб қолинади. Ёки одам босиш хавфи туғилган-

да автомобиль ҳайдовчиси уни четга буриб, газбұдқага зарар етказады, бу билан ундан каттароқ заарнинг олдини олади. Шунинг учун бундай ҳаракатлар қонуний ҳисобланады. Жиноят содир этган шахсни ушлаш мақсадида унга зарар етказиш ҳам жавобгарликни истиесиң қиласы. Агар жиноятчыны ушлаш ёки қилинаётгап жиноятни түхтатиши, жиноятчыны тийиб қўйиш учун унга мажбуран шикаст етказиш ҳам жиноят ҳисобланмайды. Масалан: ЖКнинг 39-моддасыда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ҳокимиият органлариға топшириш мақсадида ушлаш вақтида унга зарар етказиш, агар уни ушлаш зарур бўлган чораларнинг чегарасидан четга чиқилмаган бўлса жиноят деб топилмайды.

Айбор ҳоҳишига боғлиқ бўлмаган сабаблар билан охирига етказилмаган жиноят учун ҳам, муайян жиноята қасд қилиб, лекин бирон сабаб билан кўзлаган мақсадига етолмаган тақдирда ҳам, шунингдек жиноятга тайёргарлик кўрганлик учун ҳам қонун бўйича жавобгарлик кўзда тутилади. Лекин жиноятга тайёргарлик кўриб, ўз ҳоҳишига кўра уни охирига етказмасдан қайтиша ва етказилиши мумкин бўлган заарнинг ва жиноий оқибатнинг дарҳол олдини олса, ўша қилмоқчи бўлган жинояти учун шахс жавобгар қилинмайды. (ЖКнинг 26-моддаси). Буни жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиши дейилади. Лекин аниқ вазиятга қараб жиноятчыни ушлаш учун зарур бўлган чораларниң қўлланини лозим. Акс ҳолда чегарадан чиқсан ҳисобланаби, айбор жавобгар этилади. Масалан: ЖКнинг 101-моддасыда шундай дейилади. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасдан одам ўлдириш — уч йилгача ахлоқ тузатиши ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиши жазоси билан жазоланади.

Иштирокчилик. Агар жиноят қилишда бир неча киши қатнашган бўлса, ЖКнинг 27-моддасига биноан ҳамма иштирокчилар ҳам бажарувчи билан бир қаторда ўз айблари учун жиноий жавобгарликка тортиладилар. Жиноятни бажарувчи билан бир қаторда **ташкилотчи, даролатчи** ва **кўмакчи** ҳам жиноят иштирокчилари деб топилади.

Жиноятни бевосита тўла ёки қисман содир этган ёхуд ушбу Кодексга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа восита-

лардан фойдаланиб, жиноят содир этган шахс бажарувчи деб топилади.

Жиноятга тайёргарлик кўришга ёки жиноят содир этилишига раҳбарлик қилган шахс ташкилотчи, жиноят содир этилишига қизиқтирувчи шахс далолатчи деб топилади. Воситалар бериш ёки тўсиқларни йўқотиш билан кўмаклашган, шунингдек, жиноятчани, жиноят содир этиш қуроли, излари ва воситаларини ёхуд жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни яширишга, шунингдек, бундай нарсаларни олиш ва ўтказиш тўғрисида олдиндан ваъда берган шахс кўмакчи, деб топилади.

Жиноятда иштирокчилик турлари: оддий иштирокчилик, мураккаб иштирокчилик, уюшган гуруҳ, жиноий уюшма шаклида бўлади. Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил биректирмай содир этишда қатнашиби оддий иштирокчилик деб топилади. Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил биректириб жиноят содир этишда иштирок қилиши мураккаб иштирокчилик деб аталади.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ, деб топилади.

Икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолияти билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашиши жиноий уюшма, деб танилади.

Ташкилотчи, далолатчи ва кўмакчилар ҳам УзРЖК Махсус қисмининг бажарувчини жавобгарликка тортиш кўзда тутилган моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Олдиндан тил биректирган гуруҳ, жиноий гуруҳ ва жиноий уюшманинг ташкилотчилари ҳамда аъзолари тайёргарлик кўриш ёки содир этилишида ўзлари қатнашган барча жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар.

Уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма ташкил этган ёки уларга раҳбарлик қилган шахслар шу гуруҳ ёки уюшма содир этган барча жиноятлар учун, башарти, бу жиноятлар уларнинг жиноий нияти билан қамраб олинган бўлса, жавобгарликка тортиладилар. Суд жиноят ишини кўрганда ҳар бир иштирокчининг бажарган иши, содир этган жинояти ва исботланган айбининг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб жазо танлайди.

ЖАЗО ТУШУНЧАСИ, ЖАЗО МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Жазо жиноят содир этишда айбели деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган музайян эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир.

Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятин давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Жиноят содир этишда айбели деб топилган шахсларга нисбатан қўйидаги асосий жазолар қўлланилиши мумкин:

- 1) Жарима;
- 2) Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- 3) Ахлоқ тузатиш ишлари;
- 4) Хизмат бўйича чеклаш;
- 5) Қамоқ;
- 6) Интизомий қисмга жўнатиш;
- 7) Озодликдан маҳрум қилиш;
- 8) Ўлим жазоси;

Маҳкумга асосий жазолардан ташқари қўйидаги кўшимча жазолар ҳам қўлланилиши мумкин:

- 1) Ҳарбий ёки маҳсус унвондан маҳрум қилиш;
- 2) Мол-мулкни мусодара қилиш;

Булардан, хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасида жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади.

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси ахлоқ тузатиш колонияларида ўталиб, у ерда жиноятчи меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш, қонунларни ҳурматлаш, қонунларга қатъий риоя қилишга ўргатилади.

Жиноят қонунларида жазо системаси мақсадга мувофиқ тартибда тузилган бўлиб, озодликдан маҳрум қилиш, одатда 15 йилгача, энг оғир жиноялар учунгина 20 йилгача муддатга тайинланади.

Ўлим жазоси эса ЖК 151-моддаси — агрессия, 152-моддаси — урушнинг қонун ва удумларини бузиш, 153-моддаси — геноцид, 155-модда — терроризм, 157-модда — давлатга хоинлик қилиш, 160-модда — жосуслик каби оғир жиноялар учун қўлланилади.

Бошқа жиноялардан ўлим жазоси жавобгарликни

оғирлаштирадиган ҳолатларда 97-модда — қасддан одам ўлдириш, 119-модда — жинсий әхтиёжини зўрлик ишлатиб файритабинй усулда қондириш учун тайинланиши мумкин. Ўлим жазоси вояга етмаганлар ва ҳомиладор аёлларга нисбатан қўлланилмайди.

Қўшимча жазо сифатида яна маҳкумга тегишли молмulkни мусодара қилиш, муайян вазифани эгаллаш ёки муайян касб билан шуғулланиш ҳуқуқидан, шунингдек, маҳсус унвон, орден ва медаллардан маҳрум қилиш каби жазолар қўлланилиши мумкин.

Суд жиноят ишини кўрганда жазонинг бу турларидан конкрет ҳолатларни ва айборнинг шахсини ҳисобга олиб, лозим топган турини белгилайди. Масалан, енгил жиноят учун жарима солиш ёки ахлоқ тузатиш иши қўлланилса, оғир жиноят қилган шахсга узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси ва қўшимча равишда мол-мulkни мусодара қилиш каби жазоларни тайинлайди. Муайян касб вазифасини сунистемол этган шахсларни эса, ана шу касб, вазифа ва фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан бир йилдан беш йилгача муддатга, қўшимча жазо тариқасида тайинланганда — бир йилдан уч йилгача муддатга маҳрум қиласди.

Вояга етмаганларни озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинганда тарбия колонияларига юборилади. У ерда жазони ўташ билан бир қаторда улар мактабнинг 9—11 синфи ҳажмида умумий маълумот оладилар ва меҳнат қилиб, ҳунар-касб ўрганадилар.

Жиноий жавобгарлик ёшидаги вояга етмаганлар, ўсмиirlар ижтимоий хавфлилиги учча катта бўлмаган жиноят содир қилганларида уларга нисбатан тарбиявий характердаги мажбуров чоралари қўлланилади. Булар жумласига, жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, қисқа муддатли қамоқ жазоси киради.

Катта ёшдаги маҳкум озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинганларида уни тегишли режимдаги колонияларда ўтайдилар. Бу колониялар ўрнатилган режим характерига қараб тўрт хилга ажратилади: манзил колонияларга, умумий, қаттиқ, маҳсус. Суд жиноят ишини кўриб, ҳукм чиқарган пайтда айтбор содир этган жиноятнинг оғир-енгиллигига қараб, ана шу режимлардан бирини тайинлайди ва ўз ҳукмида буни аниқ кўрсатади. Оғир жиноят содир қилган ёки илгари ҳам суд-

ланган шахслар учун жазони қаттиқ режимли колонияларда ўташ тайинланади.

Аёлларга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ учун махсус режимли колония тайинланмайди.

ЖАЗОНИ ЕНГИЛЛАШТИРУВЧИ ВА ОФИРЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТЛАР

Ҳар бир жиноятнинг ва уни содир этган шахснинг ўзиға хос хусусиятлари бор. Жиноятнинг қандай ҳолатларда содир этилиши ва жиноят субъектининг ким эканлиги конкрет қилемишни жиноят кодексининг у ёки бу моддаси билан квалификация қилишда ва жазо тайинлашда, унинг қайси тури ва муддатини белгилашда катта аҳамиятга эга.

Суд жиноят ишини синчилаб кўриб, ўз ҳукмини чиқараркан, у ана шу жиноятни содир этишда мавжуд бўлган ҳолатларни ҳисобга олиб, жиноят кодексининг муайян моддаси билан жазо тайинламоғи лозим.

Жазони ёнгилластирадиган ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси ЖҚнинг 5-моддасида кўрсатилган. Булар:

а) айни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш;

б) етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш;

в) оғир шахсий, оиласий шароитлар оқибатида ёки бошқа мушкул аҳволда жиноят содир этиш;

г) мажбурлаш ёки моддий томондац, хизмат жиҳатидан ёхуд бошқа жиҳатдан қарамалик сабабли жиноят содир этиш;

д) жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқа ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этиш;

е) зарурий мудофаанинг, охирги заруратнинг асосли чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш, ижтимоий ҳавфли қилемишни содир этган шахсни ушлашда, касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик билан зарар етказиш;

ж) вояга етмаган шахснинг жиноят содир этиши;

з) ҳомиладор аёлнинг жиноят содир этиши;

и) жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоқча зид хулқ-атвори таъсири натижасида жиноят содир этиши;

Суд жазо тайнилашда лозим топгани ҳолда булардан бошқа, яъни қонунда кўрсатилмаган ҳолатларни ҳам жавобгарликни енгиллаштирадиган ҳолат деб топиши мумкин.

Жазони енгиллаштиришнинг моҳияти шундан иборатки, суд бундай ҳолатлар мавжуд бўлганда, қонуннинг муайян моддасида кўрсатилган жазонинг максимал муддатини қўлламай, ундан камроқ ёки минимал муддатни, яъни қонун санкциясида бир йилдан уч йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш жазоси кўзда тутилган бўлса, суд икки ёки бир йиллик муддат тайинлаши мумкин. Агар қонунда бир йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш ёки шу муддатга ахлоқ тузатиш иши кўрсатилган бўлса, суд жазонинг иккинчи турини белгилаши ёки қўшимча жазо тариқасида мол-мулкни тўла, ёхуд қисман мусодара қилиш кўрсатилгани тақдирда, суд уни қисман мусодара қилиш жазосини тайинлаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига мувофиқ қўйидаги ҳолатлар жазони оғирлаштиради:

- а) ҳомиладорлиги айборга аён бўлган аёлга нисбатан;
- б) ёш бола, қария ёки ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан;
- в) хизмат вазифаси ёки фуқаролик бурчини бажарганини муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан;
- г) айборга моддий томондан, хизмат жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан қарам шахсга нисбатан;
- д) ўта шафқатсизлик билан;
- е) кўпчилик учун хавфли бўлган усулда;
- ж) ёш бола ёки руҳий касаллиги айборга аён бўлган шахсдан фойдаланган ҳолда;
- з) жиноят натижасида оғир оқибатларнинг келиб чиққанлиги;
- и) умумий оғат шароитидан фойдаланган ҳолда ёки фавқулодда ҳолат вақтида ёхуд оммавий тартибсизликлар жараёнида;
- к) таъмагирлик ёки бошқача паст ниятларда;
- л) ирқий ёки миллий душманлик ёхуд адоват замира;да;
- м) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил биритирган ҳолда ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма томонидан;

н) илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг такроран ёки қасддан янги жиноят содир этиши;

о) мастлик ҳолатида ёки гиёхвандлик воситалари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идроқига таъсири қилувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этиш.

Қонуларимиз оғир жиноятлар учун оғир жазо узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ва ҳатто ўлим жазоси қўллаш билан бир қаторда унча оғир бўлмаган ёки кам аҳамиятли жиноят қилувчиларга енгил жазо беришни ҳам кўзда тутади.

СУДЛАНГАНЛИК

Жиноий жазони ўтаган шахс маълум вақтгача судланган ҳисобланади. Бу ҳолат уни баъзи ҳуқуқлардан чеклаб туради. Бу билан давлат қонун бузган кишини бирмунча вақт кузатиб туриш имкониятига эга бўлади. Судланганлик муддати ўтгандан сўнг эса, шахснинг ҳалол меҳнат қилаётган бошқа ҳар бир киши фойдалана-диган барча ҳуқуқлари тикланади. Аксинча, илгари жиноят қилган шахс судланганлик муддати ўтмасданоқ яна бир жиноят қилгудай бўлса, унга бериладиган жазо кучайтирилади.

ЖКнинг умумий қисмида (56-модда) ҳамда маҳсус қисмининг бир неча моддаларида илгари судланганлик жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолат деб кўрсатилган.

Судланганлик жиноятининг оғирлик даражасига қараб, қонунда кўзда тутилган муддатлар ўталгандан кейин автоматик равишда бекор бўлади. Агар шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлганидан кейин унга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий таъсири чоралари қўлланилмаган бўлса, жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи, жамоа ёки жазони ўтаб чиққан шахснинг ўзи берган илтимосномасига кўра суд томонидан ЖКнинг 78 моддасида назарда тутилган муддатларнинг камида ярми ўтганидан кейин унинг судланганлиги олиб ташланиши мумкин.

Ун беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан шахслар ҳамда ўта хавфли рецидивистлар агар улар жазони ўтаб чиққанидан кейин ўн беш йил мобайнида янги жиноят содир этмасалар, суд уларнинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин.

Судланганлик авф этиш ёки амнистия акти асосида ҳам олиб ташланади.

Судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки судланганлик олиб ташлаш муддатлари асосий ва қўшимча жазолар ўтаб бўлинган ёки ижро этилган кундан бошлаб ҳисобланади (80-модда).

Агар шахс тайинланган жазодан қонунда белгилangan тартибда муддатидац илгари озод қилинган ёхуд жазо енгилроғи билан алмаштирилган бўлса, судланганлик муддати муддатидан илгари озод қилинган ёки енгилроғи билан алмаштирилган жазонинг амалда ўтаб бўлинган ҳисмидан ҳисобланади.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонун

1989 йилнинг 21 октябрида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинди ва ўзбек тилига давлат мақоми берилди.

Мазкур Қонунга кўра давлат тили ўзбек тили, деб эътироф этилди ва у ўзбек халқининг маънавий мулки сифатида қонун билан белгилаб қўйилди.

Давлат бошқарув органларида бўладиган мажлислар кенгашлар, турли анжуманлар давлат тилида олиб бориладиган бўлди, қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатлар ўзбек тилида тузиладиган бўлди.

Қонуннинг 24-моддасида таъкидланганидек, шаҳарлар, қишлоқлар, майдонлар, кўчалар, бекатлар, тарихий обидалар ва бошқа жўпрофий-ҳудудий ўринларнинг номлари ягона миллий шаклда берилади ва давлат тилида ёзилади.

Мустақилликка эришилгач, давлат тилига эътибор кучайтирилиб, бу ҳақдаги мавжуд қонунлар янада тақомиллашиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси 1993 йил 2 сентябрда «Лотин» ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонуни ва уни амалга киритиш ҳақидаги Олий Кенгаш Қарорида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини амалга киритиш белгилаб қўйилган. Қонунга биноан 1995 йилнинг 1 сентябрдан эътиборан мактабгача тарбия муассасаларида ва умумтаълим мактабларининг биринчи синфларида янги алифбо бўйича машғулотлар олиб бориладиган бўлди.

Давлат тилини бойитиш, қабул қилинган норматив ҳужжатларни янада такомиллаштириш мақсадида Ўз-

бекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида» (яни таҳрирда)¹ 1995 йил 21 декабрда Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонун 24 моддадан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшайдиган барча миллат вакилларининг манфаатларига мос келди.

«Тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун

«Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун Республикада тадбиркорликни ташкил этиш, унинг амал қилиши ва ривожланишининг ҳуқуқий асосларини белгилайди. Ушбу қонун 1991 йил 15 февралда қабул қилинган бўлиб, у 10 моддани ўз ичига олгандир.² Қонун тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мустақиллигига кафолат беради, уларнинг ҳуқуқ ҳамда масъулиятини аниқлайди, тадбиркорларнинг бошқа корхоналар, ташкилотлар, давлат бошқаруви идоралари билан муносабатларини тартибга солади.

Қонун фуқароларнинг тадбиркорлик қобилиятини бутун чоралар билан ишга солиш, уларнинг ишбилармонлигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантиришининг ҳуқуқий кафолатларини белгилаш асосида бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилгандир.

Тадбиркорлик — мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлиги асосида, амалдаги қонунлар донрасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишидир.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик:

— тадбиркорнинг шахсий мол-мулки асосида;

— тадбиркорнинг бошқа фуқаролар ва юридик шахсларнинг мол-мулкларини турли шаклларда жалб этиши асосида;

— тадбиркорнинг давлат ва жамоат ташкилотлари мол-мулкларидан фойдаланиши асосида;

— юқорида қайд этилган шаклларни қўшиб олиб бориш асосида амалга оширилади.

Ҳар қандай шаклдаги тадбиркорлик мулк эгасининг ишлаб чиқарниш жараёнида шахсан бевосита иштирок этишига ва (ёки) бошқа фуқароларнинг меҳнатини қўллаш йўли билан фойдаланишига асосланиши мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиснинг Ахборотномаси, 1995 й. № 12.

² 1999 й. 14 апрелда Олий Мажлиснинг I-чақириқ XIV-сессиясида «Тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

Тадбиркорлик шакллари қуйидагилардан иборат:

- якка тартибдаги мәхнат фаолияти асосида;
- айрим фуқаро томонидан ёлланма мәхнатга жалб этиш асосида амалга ошириладиган хусусий тадбиркорлик;
- бир гурұх фуқаролар томонидан ёлланма мәхнатта жалб этиш асосида амалга ошириладиган хусусий тадбиркорлик;
- бир гурұх фуқаролар томонидан амалга ошириладиган жамоа тадбиркорлиги;
- юридик шахсілар ва фуқароларнинг ўз мулклари ва мулкий ҳуқуқларини бирлаштириш асосида амалга ошириладиган ҳамкорликдаги тадбиркорлик.

Тадбиркорнинг ҳуқуқлари:

- қонунларда белгиланған шарттарға күра корхоналар, ташкилоттарни вужудға келтириш, таъсис этиш, сотиб олиш ва қайта тузиш йўли билан тадбиркорлик фаолиятини бошлиши ва давом эттириши;
- тадбиркор турлы даражада мулкий жавобгар бўладиган ўз тадбиркорлик ташкилотини таъсис этиш;
- қонунларга мувофиқ ходимларни мустақил ёллаш ва ишдан бўшатиш;
- тадбиркорликдан қонунларда белгиланған тартибда солиқ солинадиган чексиз миқдорда шахсий даромад орттириш;
- Қонунларга мувофиқ ижтимоий таъминланыш ва ижтимоий суурита қилиниш ҳуқуқларига эга.

Тадбиркорнинг мажбуриятлари:

- амалдаги қонунлардан ҳамда ўзи тузган битимлардан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни бажариши;
- ёлланиб ишлаётган ходимлар билан қонунларга мувофиқ мәхнат шартномалари (битимлар) тузиши;
- ишга жалб этилган барча ходимлар билан туэзилган битимга мувофиқ, корхонанинг молиявий аҳволидан қатъий назар, тўла ҳисоб-китоб қилиши;
- ёлланиб ишлаётган ходимларни ижтимоий ва тиббий суурита қилиши;
- қонунларга мувофиқ, маҳсус билим, кўнишка талаб қилинадиган ишга фақатгина зарур тайёргарликка эга, касб-кори жиҳатидан яроқли ва тегишли маълумотга эга бўлган шахсларнигина жалб этиши шарт.

Қонунларни бузганлик учун тадбиркор мулкий ёки қонунларда кўзда тутилган асосларда, суд тартибида

тадбиркорлик фаолиятини тўхтатишга қадар ўзга тарзда жавобгар бўлади.

Мулкий даъволар тадбиркорнинг меросхўрларига ҳам тааллуқли бўлади, лекин улар мерос қилиб қолдирган мол-мулк ҳажмидан ошмаслиги керак.

«Фуқаролик тўғрисидаги» Қонун

1992 йил 2 июлда қабул қилингандан «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуни 45 моддани ўз ичига олган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида ўз фуқароларининг ҳуқуqlари ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қиласди.¹

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари келиб чиқишидан, ижтимоий ва мулкий ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти; тилидан, динга бўлган муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътиқодларида, машғулотининг тури ва бошқа ҳолатлардан қатъий назар, Қонун олдида тенгдирлар.

Ушбу қонуннинг 4-моддасига мувофиқ қўйидагилар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўладилар:

1) келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, жинси, машғулотидан қатъий назар, ушбу Қонун кучга кирган вақтда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган бошқа давлатларининг фуқаролари бўлмаган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахслар;

2) давлат йўлланмаси билан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишлаётган, ҳарбий хизматни ўтаётган ёки ўқиётган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида туғилган бўлсалар ёки доимий яшаётганликларини исбот қилган бўлсалар, бошқа давлатнинг фуқаролари бўлмасалар ва ушбу Қонун кучга киргандан кейин кечи билан бир йил ичida Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган бўлсалар;

3) Ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олган шахслар.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет элда ялаши Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тўхтатишга олиб келмайди. Улар чет элда Ўзбекистон Рес-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й. № 9.

публикасининг ҳимояси ва ҳомийлигидан фойдаланадилар.

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси чет давлатга топширилиши мумкин эмас.

Фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб тургани ҳолда республика фуқароси бўлмаган ва чет давлат фуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари бўлмаган шахслар кирди.

Ушбу Қонуннинг 12-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қўйидаги ҳолатларда олиниади;

- 1) туғилганда;
- 2) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиниши натижасида;
- 3) Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларда назарда тутилган асослар бўйича;
- 4) Ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа асослар бўйича.

Фуқаролиги бўлмаган, Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлган шахсларнинг Ўзбекистонда туғилган боласи шу республика фуқароси ҳисобланади.

Ота-онаси номаълум бўлган ва Ўзбекистон ҳудудида яшайтган бола шу республика фуқароси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги қўйидаги ҳолларда тўхтатилади;

- 1) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш оқибатида;
- 2) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш оқибатида;
- 3) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган асосларга биноан;

Ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа асосларга биноан.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг тўхтатилиши Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролигининг тўхтатилишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги ишларни юритувчи республика давлат идоралари қўйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Президенти;

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги;
Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари.

Фуқаролик масалаларига оид ариза берувчиларнинг доимий истиқомат жойидаги ички ишлар идоралари орқали, чет элда доимий яшовчи шахслар томонидан эса Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари орқали топширилади.

Қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси фуқаросига Республика ички ишлар органдари ёки дипломатия ваколатхоналари ёхуд консуллик муассасалари томонидан Республика фуқароси паспорти топширилади. 16 ёшга етмаган болаларнинг ҳужжатларига уларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги ёзиб қўйилади. Республикада яшаб турган, бошқа давлат фуқароси бўлмаган шахсларга ички ишлар органи томонидан фуқаролиги бўлмаган шахсларга мўлжалланган истиқомат гувоҳномаси берилади.

Фуқаролик масалаларига оид аризаларни қабул қилиндан асоссиз бош тортганлик, аризани кўриб чиқиш муддатлари бузилганлик шунингдек, мансабдор шахсларнинг фуқаролик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тартибини ва фуқаролик масалаларига оид қарорларни ижро этиш тартибини бузадиган бошқа ноҳақ хатти-ҳаракатлари хусусида улар бўйсунадиган юқори мансабдор шахсга ёки судга қонунида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1992 йил 9 декабрда қабул қилиниб, матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирган.¹

Ушбу Қонун 53-моддадан иборат бўлиб, табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишининг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйгуни мувознатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг Ахборотномаси, 1993 й. № 1.

комплекслари ва айрим субъектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатdir.

Республикамида табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар ушбу Қонун билан, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари тўғрисидаги, атмосфера ҳавосини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисидаги ва бошқа қонунлар билан тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан тартибга солинади.

Табиатни муҳофаза қилишдан мақсад:

- инсон саломатлиги учун, экологик мувозанатни сақлаш учун, республикани самарали ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида табиатдан оқилона ва уни ишдан чиқармайдиган қилиб фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш;
- жонли табиатнинг турлари ва генетик фонди бойлигини сақлаб қолиш;
- экология тизимлари, ландшафтлар ва ноёб табиат обьектлари хил-хиллигини сақлаб қолиш;
- экология хавфсизлигини таъминлаш;
- табиат обьектлари билан боғлиқ маданий меросни асрраб қолишдир.

Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш учун давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари, вазирликлари ва идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермерлик ва кооператив хўжаликлар, шунингдек, айрим шахслар хўжалик, бошқарув ҳамда бошқа фаoliyati амалга ошириш жараёнida қўйидаги қоидаларга амал қилишлари керак:

- инсоннинг яшаш муҳити бўлмиш биосфера ва экология тизимлари барқарорлигини сақлаб қолиш, одамларнинг экологик жиҳатдан хавфсизлиги, инсон ва унинг келгуси авлодлари генетик фонди ҳақида ғамхўрлик қилиш;
- фуқароларнинг ҳаёт учун қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, барча турдаги таълим муассасаларида экология ўқувининг мажбурийлиги;
- жамиятнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини илмий асосланган ҳолда уйғунлаштириш;

- табиатдан махсус фойдаланганлик учун ҳақ түлаш ва умумий асосларда фойдаланганлик учун ҳақ тұламаслик;
- экология экспертизаси ўтказишнинг мажбурийлиги;
- табиатдан оқилюна фойдаланишиның ва табиатни муҳофаза қилишни рағбатлантириш;
- табиин ресурсларни тиклаш зарурлығы, атроф-муҳит ва инсон саломатлигы учун заарарлы тиклаб бўлмас оқибатларга йўл қўймаслик;
- табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишда ошкоралик;
- табиатни муҳофаза қилиш соҳасида илмий-регионал ва халқаро манбаатларни йўғулаштириш;
- табиатни муҳофаза қилиш қонунлари талабларини бузганлик учун маъмурний ва жиноят қонунларига асосан жавобгар бўлиш.

Республикамиз аҳолиси ўз саломатлиги ва келажак авлод учун қулай табиин мұхитда яшаш, ўз саломатлинин атроф мұхиттинг заарарлы таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга. Ана шу мақсадда мамлакатимиз аҳолиси табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат ташкилотларига бирлашиш, атроф мұхиттинг аҳволи ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга доир ахборотларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиин ресурслардан оқилюна фойдаланиши, табиат бойликларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши, экология талабларига риоя этиши шарт.

Ушбу қонуннинг офишмай бажарилиши республикамиз табиин мұхиттинг яхши сақланишига, экологик жиҳатдан покиза бўлишига ва халқимизнинг тинч-фаровон яшашига олиб келади.

«Ветеринария тўғрисида»ги Қонун

Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги қонуни 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинди, эълон қилинган кунидан амалга киритилган¹. Ветеринария — ҳайвонларни турли касалликлардан муҳофаза қилиш, уларни даволаш, аҳолининг юқори сифатли чорва-

¹ Узбекистон Республикаси Олий Қенгашининг Ахборотномаси, 1993 й. № 9.

чилик маҳсулотлариға бўлган эҳтиёжларини қондириш, ветеринария-санитария муаммоларини ҳал қилишга доир давлат, жамоат, хўжалик ва маҳсус ветеринария тадбирлари мажмуидан иборатdir.

Ветеринариянинг асосий вазифалари:

— ҳайвонларни (чорва моллар, паррандалар, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни, балиқлар, асаларилар, ҳайвонот боғларидаги, тажриба хоналаридаги жониворларни) касалликлардан ҳимоя қилиш;

— аҳолини одам ва ҳайвонлар учун умумий бўлган касалликлардан муҳофаза қилиш;

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудини бошқа давлатлар ҳудудидан ҳайвонларнинг юқумли касалликлари олиб киритилишидан муҳофаза қилиш;

— ветеринар ходимлари тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

— фан ва техника ютуқларини ветеринария амалиётига тадбиқ этиш;

Давлат ветеринария хизматини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг давлат ветеринария бошқармалари, уларга бўйсунувчи ветеринария бўлимлари, ҳайвонлар касалликларига қарши кураш станциялари (туман ветеринария станциялари, диагностика марказлари, ветеринария шифохоналари, лабораториялари, экспедициялари, бозорлардаги ветеринария санация экспертизаси лабораториялари амалга оширадилар.

Идоравий ветеринария хизмати вазирлик, идора, корхона муассаса ва ташкилотлар тасарруфида бўлиб, ветеринария мутахасислари ўз вазифа ваколатлари доирасида ҳайвонларга идоравий ветеринария назорати ва ветеринария хизмати кўрсатишни амалга оширади.

Хусусий ветеринария хизмати билан ветеринария врачи бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва бошқа ветеринария фельдшерлари ва техниклари, ветеринария врачи назоратида шуғулланиши мумкин.

Республикамиздаги чорва ва уй ҳайвонларида 80 дан ортиқ тур юқумли, гижжа касалликлари учрайди. Уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари, эмлаш, гижжасизлантириш ишлари олиб борилади. Лекин баъзида ҳайвонлар ўртасида қутуриш, лептоспироз, сальмонеллез, қорасон, гемонхоз ва бошқа шу каби касалликлар вақти-вақти билан чорвага зарар келтирмоқда.

Давлат ветеринария хизмати:

— ҳайвонларнинг касалликларини аниқлаш, ем-хашак ва ичимлик сув сифатини баҳолаш мақсадида лаборатория-клиник ҳамда бошқа тадқиқотлар ўтказади;

— касалликларнинг келиб чиқиши ва ҳайвонларнинг нобуд бўлишининг сабабларини таҳлил қилди, бундай ҳолларнинг олдини олиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади, ҳайвонларни даволаш ишларини ташкил этади;

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудини четдан ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келишидан қўриқлаш, моллар, ҳайвонотга мансуб маҳсулотлар ва хом-ашё, ем-хашак, озуқабоп қўшимчалар ва чорвачиликда қўлланиладиган бошқа воситаларни тайёрлаш, ташиб, хорижга чиқариш ва хориждан келтириш устидан назоратни амалга оширади;

— барча чорвачилик обьектлари, қушхоналар, гўшт-сугурилганни ва бошқа чорва маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар, бозорлар ва хом-ашё омборларининг ветеринария назорати остидаги обьектларга кеча-кундузниң исталган пайтида бемалол, монеъликсиз кирадилар ва ветеринария қонунларининг бузилганлиги ҳолларини бартараф этиш хусусида ҳамма учун мажбурий кўрсатмалар берадилар;

— ҳайвон эгалари, ҳайвонотга мансуб маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, сотиш билан шуғулланувчи ташкилотлар, шунингдек, фуқаролар ва ветеринария мутахассислари ушбу қонун асосида чиқарилган ҳужжатлар ва ветеринарияниң бошқа талабларини бажаришлари устидан назоратни амалга оширадилар;

— ветеринария дори-дармонлари, биологик, кимёвий ва бошқа дорилар ишлаб чиқарилишини ҳамда улардан чорвачилик ва ветеринарияда фойдаланишни назорат қиласидилар.

Ҳайвон ва чорвачилик маҳсулотларининг эгалари:

— ўз маблағлари ҳисобига ҳайвонлар юқумли касалликларига чалинишининг олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга оширишлари;

— касал ҳайвонларни даволатишлари, зарур бўлган ветеринария мутахассисининг кўрсатмасига биноан сўйиши ёки йўқ қилиб ташланишини таъминлашлари;

— ҳайвон сотиг олинганлиги тўғрисида муайян ҳудудга хизмат кўрсатувчи тегишли ветеринария хизматига хабар бериши;

— ветеринария хизматининг ҳайвонларни юқумли

касалликлардан мұхофаза этиш юзасидан берган тақдимномаларини бажариши;

— чорвачилик фермаларини, ҳайвонлар ҳамда чорвачилик маңсулотлари сақланадиган бинолар, иншоотлар, шунингдек, яйловлар, сув ҳавазалари, мол ҳайдаб ўтиладиган йўллар, темир йўл бекатлари, ярмаркалар, бозорлар, сўйиш пунктлари, гўшт комбинатлари, сепаратор бўлимлари, сут пунктлари ва заводларини лозим бўлган ветеринария станция ҳолатида сақлашлари лозим.

Ветеринария тўғрисида қонунларни бузишда айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ интизомий, моддий, маъмурий ва жиноий жавобгар бўладилар.

Ушбу қонун ҳайвон ва паррандалар дунёсини соғломлаштиришга, улар ва инсонлар касалланишининг олдини олишга қаратилган бўлиб, унинг пухта бажарилиши бу соҳада тегишли тартиб интизом ўрнатилишига олиб келади.

«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун

«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун. Республикаизда сув хўжалиги халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, аҳоли ҳамда халқ хўжалигининг сувга бўлган эҳтиёжини қондириб келмоқда.¹

Сув хўжалиги тизимида мелиорация қурилишини Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги ва Ўзсувқурилиш давлат концерни олиб боради.

Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида бир қанча корпорация ва бирлашмаларнинг ҳар бири ўз тизимида ўнлаб саноат ва қурилиш индустрисига эга. Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида илмий-текшириш институтлари, ўқув-юртлари, лойиҳаизланув ташкилотлари фаолият кўрсатади. Булардан «САНИИРИ» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Суввойниҳа», «Фарғонадавсувлойниҳа» институти, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти, республика вилоятларидаги 5 ўрта маҳсус ўқув юрти (Тошкент ва Андижон мелиорация ва сув хўжалиги коллежлари, Самар-

¹ Узбекистон Республикаси Олий кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й. № 5.

қанд, Сурхондарё, Урганч гидромелиоратив техникумлари) фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўтган вақт ичida Мирзачўл, Қарши, Жиззах ва Сурхон—Шеробод чўллари ўзлаштирилиб, у ерларга асосан пахта экини экилди.

Иирик сугориш каналларидан Бўзсув, Зах, Занг, Эски Жун, Янги Жун, Қумқўрон, Янгиариқ каналлари қайта қурилди, бир қанча гидротехника иншоотлари янгиланди. Марказий Фарғонани ўзлаштириш муносабати билан Қатта Фарғона канали реконструкция қилинди, Тошкент вилоятида Оҳангарон сув омборининг биринчи навбати, Юқори Чирчиқ сувузели, Бухоро вилоятида Қўйимозор сув омбори, Сирдарё вилоятида Жанубий Мирзачўл магистрал канали қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ана шу соҳада 1993 йил 6 майда «Сув ва сувдан фойдаланиш» тўғрисида қонун қабул қилинди. Бу қонун республикада сувга доир муносабатларни тартибга соилиш, ундан оқилона фойдаланишин таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қонун 199 моддани ўз ичига олган. Унда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари: сувдан фойдаланиш ва уни мұхофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувни ва назорати; сувининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотлар ва бошқа обьектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва ишга тушириш; сувдан фойдаланиш турлари; сув обьектларини фойдаланишга бериш тартиби ва шартлари; сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари; сувдан фойдаланишга доир низоларни ҳал қилиш, сув тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик ва бошқа ҳуқуқий масалалар кўрсатилган.

«Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун

Узбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни 1993 йил 2 сентябрда қабул қилиниб, эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилди.¹

Ушбу Қонун 25-моддадан иборат бўлиб, шаҳарча,

¹ 1999 йил 14 апрелда Олий Мажлиснинг 1-чақириқ XIV сессиясида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисидағи ушбу қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йигинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари жамъят ва давлат ишларини бошқаришда қатнашишга доир ўз ҳуқуқларининг рӯёбга чиқарилишида фуқароларга кўмаклашади, ўз худудларидаги ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал қиласди, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларини, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини бажаришда ёрдамлашиш мақсадида фуқароларни бирлаштиради.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳудудий принцип бўйича тузилади, бу органлар иш олиб борадиган ҳудудларни фуқароларнинг таклифига кўра туман, шаҳар ҳокими белгилайди, ушбу қарор кейинчалик тегишли ҳалқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Йигинлар ишида ўн саккиз ёшга етган ва мазкур ҳудудда доимий яшовчи фуқаролар қатнашади.

Ўзини-ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, уларнинг фаолият тартиби, уларнинг кўрсатишини ташкил этиш ҳамда ваколат кўлами ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари билан тартибга солинади. Бу орган юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади ва герб тасвири туширилган, белгиланган намунадаги муҳрига эга бўлади.

Фуқаролар йигинини раис (оқсоқол) тегишли ҳалқ депутатлари Кенгashi ёки ҳоким билан келишилган ҳолда заруратга қараб чақиради.

Раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларини фуқаролар йигини (йигилиш) тегишли туман, шаҳар ҳокими билан келишилган ҳолда сайлайди.

Маслаҳатчиларнинг таркибини эса йигин белгилайди. Маслаҳатчиларнинг номзодларини йигилиш раиси тавсия этади.

Раис ва маслаҳатчилар уларга йигинда ҳозир бўлган фуқароларнинг ярмидан кўпроғи овоз берса, сайланган ҳисобланадилар.

Фуқароларнинг йигини — ўзини-ўзи бошқариш органининг фаолият дастури ҳамда харажатлар сметаси,

аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва санитария ҳолатини яхшилашга доир тадбирлар режалаштиришини тасдиқлайди;

— қонунларда белгиланган тартибда ўз ҳудудида кичик корхоналар, кооперативлар, устахоналар, халқ ҳунармандчилиги цехларини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади;

— йиғиннинг, маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг чегараларини ўзгартиришга, кўча, майдон ва бошқа жойларнинг номини ўзгартиришга доир масалаларни кўриб чиқади ҳамда тегишли давлат органларига таклифлар тайёрлайди;

— Ўзбекистон республикасининг қонунларига муовфик бошқа ваколатларни амалга оширади.

Фуқаролар йиғиннинг раиси (оқсоқол) нинг ваколатларига қўйидагилар кириб, булар;

— Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва маҳаллий ҳокимият органларининг қарорларини бажаришга доир ишларни ташкил этади, фуқароларнинг моддий ва уй-жой, майший шароитларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қиласди;

— Қонунларда кўзда тутилган ҳолларда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, суд идораларида, жорхона, муассаса ва ташкилотлар билан бўладиган муносабатларда фуқаролар манфаатларини ҳимоя қила олади;

— фуқароларнинг ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда, оммавий-сиёсий тадбирларда қатнашишларини ташкил этади.

— дўконлар, ошхоналар, чойхоналар, бозорлар иши, савдо қондаларига риоя этилиши, фуқароларга маданий хизмат кўрсатиш таъминланиши устидан жамоатчилик назоратини ташкил қиласди;

— аҳоли пункктлари, сув таъминоти манбалари, уй-жойлар, мактаблар ва бошқа муассасаларнинг санитария ҳолати устидан назорат қилинишига кўмаклашади;

— қабристонлар, қардошлиқ қабрлари ва бошқа мозорларни саранжом сақлаш юзасидан жамоатчилик ишларини ташкил қиласди;

— дэҳқон хўжаликларининг оилавий мулк тақсимотларини рўйхатга олади, ўз ҳудуди доирасида яшовчиларни ҳисобга олиб боради;

— иморат қуриш қоидаларига риоя этиш, хонадонларга туташ жойларнинг ораста бўлиши, жониворларни сақлашга оид ветеринария қоидаларини бажариш устидан жамоат назоратини ташкил қиласди;

— аҳоли пунктларида ёнфинга қарши тадбирлар ўтказишни ташкил этади, зарур бўлганда эса тиббий оғатларга қарши курашга ва уларнинг оқибатини тугатишга фуқароларни жалб этади;

— тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кўмаклашади;

— ҳарбий хизматга мажбур шахслар ва чақирилувчиларни ҳарбий комиссионатларга чақирилаётганликларидан хабардор этишини ташкил қиласди, аҳолини фуқаро мудофаасига доир тадбирлар ўтказишга жалб этади;

— вояга етмаганлар назоратсиз қолишининг олдини олишга доир жамоатчилик ишларини ташкил этади, отаёнасининг қарамогисиз қолган болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга, шунингдек, ёшларни ишга жойлаштиришга кўмаклашади;

— аҳоли ўртасида лекция, маъруза ва суҳбатлар ўтказишни ташкил қиласди, фуқароларга мунтазам равишда кино хизмати кўрсатишга, китоб савдосини ривожлантиришга, газета ва журналларнинг тарқатилишига ёрдамлашади, меҳнаткашлар оммавий равишда дам оладиган ҳудудларни ташкил этишга, спорт иншоотлари тармоғини ривожлантиришга кўмаклашади;

— тегишли ҳудудда байрам кунлари ва шонли саналар муносабати билан оммавий тадбирлар ўтказишни ташкил қиласди;

— фуқароларга уларнинг шахсини, оилавий ва мулкий аҳволини тасдиқловчи маълумотномалар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонунларида кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар беради.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари ўзларига берилган ваколатлар доирасида қарорлар қабул қиласдилар. Бу қарорларни тегишли ҳудудда яшайдиган барча фуқаролар адо этишлари шарт. Ўзини-ўзи бошқариш органларининг қонунларига зид ҳужжатларини халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари ёки тегишли ҳокимлар бекор қиласдилар.

Ўзини-ўзи бошқариш органларининг қарорлари, шунингдек, раис (оқсоқол)нинг хатти-ҳаракатлари устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Ушбу Қонуннинг жойларда тўла амалга оширилиши, унинг мазмунида назарда тутилган чора-тадбирларнинг аниқ бажарилиши тегишли ҳудудларда тўла-тартиб ўрнатилишига, жамоат тартибининг намунали сақланишига уй-жой ва маҳаллалар тоза тутилишига олиб келиши шубҳасиздир.

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида» Қонун

1994 йилнинг 6 майдаги фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида Узбекистон Республикасининг қонунида¹ фуқароларнинг давлат органларига, жамоат бирлашмаларига мулчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқини ифода этувчи асосий қондаларни, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби ва муддатларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ва бошқа қонунларда ўзларига берилган ҳуқуқ ва эркинликларни рўёбга чиқара бориб;

— ўзларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаб мурожаат қилишга;

— давлат ва жамоат бирлашмаларининг ваколатли органлари бузилган ҳуқуқларини тиклашига ҳақлидирлар.

Мурожаатлар якка тартибда ёки жамоа бўлиб ифодаланган бўлиши мумкин ҳамда оғзаки ёки ёзма шаклдаги таклиф, ариза ёхуд шикоят кўринишида киритилади.

Мурожаатларда фуқароларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, таклиф, ариза ёки шикоятлар моҳияти баён этилган бўлиши лозим.

Мурожаатлар 5 кун муддатдан кечиктирилмай тегишли органлар ва мансабдор шахсларга жўнатилади ва бу ҳақда фуқарога маълум қилинади.

Фуқароларнинг оммавий ахборот воситаларига йўллаган мурожаатларидан жамоат фикрини ўрганиш ва матбуотда акс эттириш учун фойдаланилади.

Таклифлар фуқароларнинг давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг фаолиятини яхшилишга қаратилган мурожаат-

¹ Узбекистон Республикаси Олий кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й. № 5.

лардир. Давлат органи, корхона, муассаса, ташкилот таклифни ҳар томонлама кўриб чиқиши ва унинг натижасини фуқарога маълум қилиши шарт.

Аризалар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш тўғрисида илтимос баён қилинган мурожаатлардир.

Аризаларни кўриб чиқувчи органлар:

— аризаларни ҳар томонлама, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқишилари;

— қонунга асосланган қарорлар қабул қилишлари ва уларнинг ижросини таъминлашлари;

— аризаларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида фуқароларга маълум қилишлари шарт.

Аризада баён қилинган талабларни қондиришнинг рад этилиши фуқарога рад этишининг сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма тарзда маълум қилинади.

Шикоятлар давлат органларининг, жамоат бирлашмаларининг мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ёхуд қарорлари туфайли фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклаш талаб қилинган мурожаатлардир.

Давлат органи, ташкилот ва муассасаларга шикоят билан мурожаат қилган фуқаро:

— шикоятни текшираётган шахсга ўз далил исботларини шахсан баён қилиши;

— текширишга доир материал билан танишиб, танишитириш;

— қўшимча материаллар тақдим этиш;

— адвокат ёки бошқа шахснинг хизматларидан фойдаланиш;

— етказилган зарар қонунда белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари ўз ваколати доирасида:

— шикоятларни холисона, ҳар томонлама ва ўз вақтида текширишлари;

— шикоятга сабаб бўлган ноқонуний қарорни бекор қилишлари ёки ўзгартиришлари, ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш юзасидан шошилинч чоратадбирлар кўришлари, қоидабузарликларга олиб келган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлашлари;

— Фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, шикоят муносабати билан қабул қилинган қарор амалда ижро этилишини таъминлашлари;

— шикоятни текшириш натижаси ва қабул қилинган қарор ҳақида фуқарога ёзма тарзда маълум қилишга ҳақлидирлар.

Ариза ва шикоятлар давлат органига, жамоат бирлашмасига, корхона, муассаса ва ташкилотга тушган кундан эътиборан бир ойгача муддат ичидаги ҳал этилади, улар масалани моҳиятан ҳал этишлари, қўшимча ўрганишларни ва текширишларни талаб қилмайдиган масалаларни эса 15 кундан кечиктирмай ҳал этишлари шарт.

Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида қонун таъбларига риоя этилиши устидан назоратни давлат ҳоқимияти органлари, шунингдек, ўзларига бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, таъминлайдилар.

Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунларига риоя этилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ҳамда унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадилар. Улар ўзларига берилган ваколатларга мувофиқ фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳуқуқбузарларни жавобгарликка тортишга қаратилган чора-тадбирларни кўрадилар.

Ушбу қонунда кўрсатилишича фуқароларнинг шикоятларини хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилинаётган органлар ёки мансабдор шахсларнинг ўзига жўнатиш таъқиқланади.

«Адвокатура тўғрисида»ги Қонун

Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуни 1996 йил 27 декабрда қабул қилиниб, матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилган.¹

Адвокатура — ҳуқуқий институт бўлиб, у адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ҳамда хусусий адвокатлик амалиёти билан шуғулланувчи айrim шахсларнинг мустақил кўнгилли, касбий бирлашмалардан

¹ 1998 й. 25 декабря Олий мажлиснинг XIII-сессиясида Адвокатлик фаолияти кафолатлари ва адвокатларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

иборатдир. Адвокатура Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ мамлакатимиз фуқаролари, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналарга, муассасаларга юридик ёрдам кўрсатади.

Жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида адвокат:

— ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар беради ва тушунтиради;

— ҳуқуқий хусусиятдаги аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқади.

— фуқаролик ишлари ҳамда маъмурӣ ҳуқуққа оид ишлар бўйича судда ва бошқа давлат органларида, жисмоний ва юридик шахслар олдида вакилликни амалга оширади;

— жиноий ишлар бўйича дастлабки терговда ва судда ҳимоячи, жабрланувчининг вакили, фуқаровий даъвогар; фуқаровий жавобгар сифатида иштирок этади;

— тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатади.

Адвокат қонунларда ман этилмаган бошқа хил масалалар юзасидан юридик ёрдам ҳам кўрсатиши мумкин.

Адвокат ўз касбий фаолиятида амалдаги қонуњ талабларига риоя этиши, унга юридик ёрдам сўраб мурожаат этган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя этиш учун қонунда кўзда тутилган восита ва усуллардан фойдаланиши шарт.

Адвокат муайян иш бўйича ёрдам кўрсатаётгани ёки аввал юридик ёрдам кўрсатган шахсларнинг манфаатлари ишни олиб боришни сўраб мурожаат этган шахснинг манфаатларига зид келган ёки у судья, прокурор, терговчи, сириштирув ўтказувчи шахс, жамоат айбловчиси, суд мажлиси котиби, эксперт, мутахассис, жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили, гувоҳ, холис, таржимон сифатида иштирок этган, шунингдек ишни дастлабки тергов қилишда ёхуд судда адвокатнинг қариндоши бўлмиш мансабдор шахс иштирок этган ёки иштирок этаётган бўлса, худди шунингдек, адвокат бевосита ёки билвосита шу љидан шахсан манфаатдор бўлган ва бу ҳол унга ўз ишини топширган шахснинг манфаатларига зид келадиган ҳолларда юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги толшириқни қабул қилишга ҳақли эмас.

Адвокат кимнинг манфаатларини ҳимоя қилиш топширигини олган бўлса, ўз ваколатларидан шу шахснинг зарарига фойдаланишга ҳамда гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини ҳимоя қилишдан бош тортишга, агар мижознинг ўзи уни бундан озод этмаса, ҳақли эмас.

Жиноят ишини кўриб чиқишида қатнашишга тайинланган адвокат фуқаронинг ҳақ тўлашга имкони йўқлигини важ қилиб, унга юридик ёрдам кўрсатишдан бош тортишга ҳақли эмас.

Адвокат давлат хизматида туриши мумкин эмас.

Адвокатининг касбга оид ҳуқуқлари, шаъни ва қадркиммати қонун билан қўриқланади. Адвокатнинг касбий фаолиятига у ёки су тарзда аралашиш, улар ўз касбий вазифаларини бажараётганда олган муайян маълумотларни ошкор этишини талаб қилиш, шунингдек, адвокатлар бирлашмаларининг мансабдор шахсларидан ва техник ходимларидан худди шундай маълумотларни талаб қилиш таъқиқланади. Адвокат ўз касбий вазифаларини бажараётганида унга бирор-бир шаклда таъсири ўтказишга йўл қўйилмайди.

Адвокатнинг иш юзасидан ҳуқуқий нуқтаи назари хусусида суринширув органлар терговчи, прокурор, тақдимнома киритиши, шунингдек, суд хусусий ажрим чиқариши мумкин эмас.

Адвокат бирон ижтимоий хавфли қилмиш содир этганида эса унга нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан қўзғатилиши мумкин.

«Адвокатура тўғрисида»ги Қоинун 17 моддадан иборат бўлиб, унга оғишмай амал қилиш, адвокатнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлайди, у ўз вазифасини мустақил равишда, қатъий турив, амалга оширишга имкон беради. Клиентларга унга нисбатан ишонч туғдиради ва ниҳоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида қонунийликка, қонун устуворлигини таъминлайди.

«Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш ҳақида»ги Қонун

«Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши. Мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи

кунлариданоқ қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилганлигидан далолатдир.

Санациялаш — бу иқтисодий начор корхоналарни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасидир.

Санация қилишдан асосий мақсад иқтисодий таңг аҳволга тушган қишлоқ хўжалик корхоналарининг тўловчанлик қобилиятини тиклаш ва молиявий жиҳатдан соғломлаштириш демакдир. Санация қўйидаги тарзда амалга оширилади:

— қарзларни ўзаро ҳисоб-китоб қилишни ташкил этиш;

— давлатдан олинган кредитлар, фоиз устамалари, солиқ йигимлари ва бошқа мажбурий тўловлар муддатини санация пайтида тўхтатиб туриш;

— ишлаб чиқаришни рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашга қайта ихтисослаштириш;

— ташки бошқарувни жорий этиш;

— қишлоқ хўжалик корхонасининг тўлов қобилиятини тиклашдан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан молиявий ёрдам кўрсатиш.

Олий Мажлиснинг X сессиясида қабул қилинган ушбу қонунда кўрсатилган тадбирлар, бу қонуннинг мақсади ва вазифалари асосий қишлоқ хўжалиги корхоналарининг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатишдан илгари амалга оширилади, қишлоқ хўжалик корхонасининг тўлов қобилиятини, иқтисодий қувватини тиклаш ва келгусида унинг фаолияти самарали бўлиши учун шартшароитлар яратишдан иборатдир.

Қишлоқ хўжалиги корхонасини санация қилишининг асосий вазифаларига:

— қишлоқ хўжалиги корхонасининг фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган зарур ўзгартиришларни амалга ошириш;

— рақобатбардош маҳсулот етиштириш ва уни реализация қилиш учун зарур шартшароитлар яратиш;

— корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш кабилар киради.

Санация давлат маблағларини жалб этган ёки жалб этмаган ҳолда ўтказилиши мумкин. Санация қилиш жараёнида давлат маблағлари қайтариб бериш шарти билан жалб этилади.

Санациянинг асосий турларига: ўзаро қарз сўрашни ташкил этиш;

— тўлаш муддати ўтказиб юборилган қарзларни тў-лиқ ёки қисман сотиб олиш;

— солиқлар, йиғимлар, бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириш ва давлат кредитларини қайтариш муддатларини санация муддатига узайтириш;

— корхонани рақобатбардош маҳсулотлар чиқаришга мослаб қайта ихтисослаштириш;

— қишлоқ хўжалиги корхонасининг тўлов қобилиятини тиклаш ва унга ўз фаолиятини давом эттиришдан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан молиявий ёрдам кўрсатилиши;

— корхона ўз фаолиятини давом эттириши учун кредиторларга тегишли қарзларни тўлаш муддатини узайтириш ёки уларни бўлиб-бўлиб тўлаш ёки қарзларнинг муайян қисмидан кечиш тўғрисида корхона ва кредитор ўртасида битим тузишдан иборат.

Санация қилиш қўйиндаги ҳолларда тўхтатилади;

— уни ўтказиш учун белгиланган муддат тугагандан кейин;

— санация қилиш тўғрисидаги қонуни талаблари ба-жарилмаётганлиги сабабли;

— санация қилишнинг самарасиз эканлиги аниқланганлиги муносабати билан;

— санация қонунларда назарда тутилган бошқа асосларга мувофиқ ҳам тўхтатилиши мумкин;

Санация тўғрисидаги қонунларни бузганликда айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда фуқаролик ва маъмурӣ жавобгарлик тўғрисидаги Кодексларнинг тегишли моддалари билан жавобгарликка тортиладилар.

«Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисида»ги Қонун

Ўзбекистон Республикасининг «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисида»ги Қонуни 1997 йил 24 апрелда қабул қилиниб, матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилган.¹

Ушбу қонун товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси тармоқ хўжалик бирлашмалари таркибига кирмайдиган кичик, ўрта ва хусусий тадбиркор-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., № 4—5.

лик субъектларини аъзолик шарт бўлган ҳолда шартнома асосида бирлаштирувчи давлатга қарашли бўлмаган нотижорат ташкилотдир.

«Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси» номидан фақат ушбу Қонуннинг қоидаларига мувоғиқ фойдаланиш мумкин. Бошқа ташкилотлар ўз номларидан бу сўз биримасидан фойдаланишга ҳақли эмас.

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ушбу қонундан ҳамда бошқа қонунлардан иборат.

Палата республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришга, унинг жаҳон хўжалик тизимиға кўмаклашиш, бозор инфраструктурасининг яхлит тизимини шакллантириш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароит яратиш, тадбиркорликнинг барча турларини Ўзбекистон тадбиркорларининг бошқа мамлакатлар тадбиркорлари билан савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларини ривожлантириш мақсадида тузилади.

Палата қуйидаги вазифаларни бажаради:

— давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, жамоат ва ҳалқаро ташкилотларда, шу жумладан бошқа мамлакатларда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларининг манфаатларини ифодалайди;

— кичик ва ўрта ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиша шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмларини рўёбга чиқаришда иштирок этади;

— корхоналар ва ташкилотларнинг давлат реестри асосида кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг реестрини юритади;

— уч томонлами ҳамкорлик ёлланма ишчилар иттифоқи, иш берувчилар иттифоқи ва ҳукумат тизимини вужудга келтиришда, миллий иқтисодиёт ва ижтимоий сиёсатни ишлаб чиқиши ва олиб боришда иштирок этади;

— тадбиркорлик фаолияти учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишини уюштиради;

— тадбиркорликнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқлайди, тадбиркорликни ривожлантиришда ҳамда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг фаолият юритиш шароитларини яхшилашга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда белгиланган тартибда иштирок этади;

— хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги низоларни ҳал этишда кўмаклашади;

— товар ва хизматлар экспортини ривожлантиришга кўмаклашади, ташқи бозорда операциялар ўтказишда ва иқтисодий ҳамда илмий-техникавий ҳамкорликнинг шаклларини ўзлаштиришда кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ёрдам кўрсатади.

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тизимини туман (шаҳар) палаталари, ҳудудий палаталар ҳамда «Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси» ташкил этади.

Туман (шаҳар) палатаси ушбу тумандаги (шаҳардаги) камида ўн нафар товар ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорнинг йиғилишида таъсис этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳари ҳудудида, тегишли равишда, битта ҳудудий палата тузилиши мумкин. Ҳудудий палата туман (шаҳар) палаталарини бирлаштиради ва туман (шаҳар) палаталари вакилларининг конференциясида таъсис этилади. Ҳар бир палатанинг ўз устави бўлиб, туман (шаҳар) палатасининг устави палата аъзоларининг йиғилишида тасдиқланади.

Ҳудудий палата устави эса туман (шаҳар) палаталари вакилларининг қурултойида тасдиқланади.

Уставда палатанинг номи ва маизили, палатанинг мақсад ва вазифалари, палата аъзолигига қабул қилиш ва ундан чиқиши шартлари, тартиби, палата раҳбар органларининг ваколати ва уларни ташкил қилиш тартиби, уларнинг ваколат муддати, уларнинг қарорларини қабул қилиш тартиби, палата фаолиятини тўхтатиш тартиби кўрсатилган.

Палата қўйидаги ҳуқуқларга эга:

— Ўзбекистон Республикасида ва бошқа давлатларда корхоналар, фирмалар ва ташкилотлар тузиш, ўз ваколатларини очиш, шунингдек, чет эл корхоналари ва ташкилотлари билан биргалликда аралаш палаталар тузиш;

— товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг манфаатларига дахлдор қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларини лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш;

— товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун фондлар таъсис этиш кабиларни амалга оширади.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни 1997 йил 29 августда қабул қилиниб, эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилди.¹ Қонун 34 моддадан иборат бўлиб, фуқароларга таълим-тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилгандир. Қонуннинг асосий вазифаси таълим олувчиларнинг соглом фикрловчи, баркамол бўлиб етишишларини кўзлайди.

Қонун қўйидаги асосий бандлардан иборатдир.

1. Умумий қоидалар;
2. Таълим тизими ва турлари;
- 3) Таълим жараёни қатнашчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш;
- 4) Таълим тизимини бошқариш;
5. Якунловчи қоидалар.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қўйидагилардан иборат бўлиб, булар таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик, характерда эканлиги; таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги; умумий ўрта, шунингдек, ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг йўналишини лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишини танлашнинг ихтиёрийлиги тартибга солинган.

Таълим тизими давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва иодавлат таълим муассасалари; таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек, уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолияти ёритилган.

Республикамизда таълим турлари — мактабгача таълим; ўрта маҳсус, касб-хунар таълими, олий таълим; олий ўқув юртидан кейинги таълим; кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш; мактабдан ташқари таълимни ўз ичига олади.

Таълим жараёни қатнашчиларини ижтимоий ҳимоя қилишда таълим муассасалари ходимларига иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланиб, ҳақи тўлана-диган йиллик узайтирилган таътиллар ва қонунларда назарда тутилган имтиёзлар берилади.

¹ Узбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й. № 9.

Таълим тизимини бошқаришда таълим стандартлари, мутахассисларининг билим ва савиясига ва касб тайёргарлигига доир талаблар бажарилишини таъминлаш; ўқитишнинг илғор шакллари ва яғги педагогик технологияларини, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш масалалари ёритилган.

«Нотариат тўғрисида»ги Қонун

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни 1996 йил 26 декабрда қабул қилиниб, 1997 йил 1 марта эътиборан амалга киритилгандир. Бу қонун 2 бўлим¹, 17 боб, 93 моддадан иборатdir.²

Республикамизда нотариатнинг вазифаси жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфатларини нотариус томонидан қонулларда назарда тутилган, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳўмоя қилишни таъминлашдан иборатdir.

Республикамизда нотариал ҳаракатларни ушбу қонунга мувофиқ давлат нотариал идорасида ишловчи ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар амалга оширади.

Ўзбекистонда нотариус лавозими олий юридик маълумотга эга бўлган давлат нотариал идораларида ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ҳузурида камида бир йиллик стажировкани ўтаб, малака имтиҳони топширган, нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган республика фуқароси тайинланади.

Нотариус ўз фаолиятида мустақил бўлиб, бу фаолиятини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси қонулларига амал қиласди.

Нотариус лавозими Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан таъсис этилади ва тугатилади.

Нотариус муайян ҳудудда нотариал округда, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини бериш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки тегишли адлия бошқармаси томонидан лицензияси бўл-

¹ 1 — бўлим. Нотариат фаолиятининг ташкилий асослари.

² 2 — бўлим. Нотариал ҳаракатлар ва уларни амалга ошириш қоидалари.

² ² Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й. № 2.

ган шахслар орасидан танлов асосида амалга оширилади. Танлов ўтказиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги белгилайди.

Нотариус қўйидаги ҳуқуқларга эга:

— ўзига мурожаат қилган барча шахслар учун ушбу Қонунда назарда тўтилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш;

— битим ва аризаларнинг лойиҳаларини тузиш, ҳужжатларнинг нусхаларини ва улардан кўчирмаларни тайёрлаш, шунингдек, нотариал ҳаракатларнинг амалга оширилишига доир масалалар юзасидан тушунтиришлар бериш;

— жисмоний ва юридик шахслар нотариал ҳаракатларни амалга ошириши учун зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

Нотариуснинг мажбуриятларига қўйидагилар киради:

— жисмоний ва юридик шахсларга ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилишда кўмаклашиш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб бериш;

— томонлар тақдим этган битимлар лойиҳаларини мазмун моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш, ушбу битимлар қонун талабларига зид келиш-келмаслигини текшириш;

— қонунга мос келмайдиган нотариал ҳаракатларни рад этиш;

— нотариал ҳаракатларни бажаришда фуқаролар ёки мансабдор шахслар томонидан қонун бузилганини аниқланган тақдирда зарур чора-тадбирлар кўрилиши учун тегишли корхона, муассаса ва ташкилотларга ёки прокурорга бу ҳақда хабар қилиши шарт.

Нотариал идораларда ишловчи нотариуслар қўйидаги ҳаракатларни бажаради:

1) битимларни тасдиқлади;
2) васиятномаларни тасдиқлади;
3) эр-хотиннинг умумий эгалигидаги мол-мулки, улушга мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар беради;

4) мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни таъқиқлаб қўяди ёки таъқиқни бекор қиласди;

5) меросга эга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беради;

6) мерос бўлган мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради;

- 7) ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини гувоҳлантиради;
- 8) ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганини гувоҳлантиради;
- 9) ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини гувоҳлантиради;
- 10) кўчмас мулк очиқ савдода сотиб олинганлиги ҳақида гувоҳлантиради;
- 11) фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлайди;
- 12) пул суммалари ва қимматли қофозларни депозитга қабул қилиб олади;
- 13) ижро хатларини ёзади;
- 14) векселларнинг протестларини амалга оширади;
- 15) денгиз протестларини амалга оширади;
- 16) нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатларини ҳамда реестрлардан кўчирмаларни беради ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари қўйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширади:

— битимларни (шартнома, васиятнома, ишончномалар ва ҳоказоларни) тасдиқлайди.

Республикада уй-жойларни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномалар бундан мустасно.

— фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлайди;
— фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлайди;
— ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини гувоҳлантиради;
— пул суммалари ва қимматли қофозларни депозитга қабул қилиб олади;
— ижро хатларини ёзади.

Консуллик муассасаларининг консуллари қонунларда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

Нотариат тўғрисидаги ушбу қонун фуқаролик муносабатлари соҳасида дуч келадиган кўпгина ҳуқуқий масалаларни қонун юзасидан аниқ тартибга солиб, нотариал ҳаракатлар донрасини пухта белгилаб беради ва бу қонунларга риоя қилиш ҳам мамлакатимизда қонунийликни мустаҳкамлаш учун хизмат қиласи.

«Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун

«Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун 1919 йил 26 декабрда қабул қилиниб, эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.¹

Ўзбекистон ўсимликлар дунёсининг хилма-хиллиги, турларга ғоят бойлиги ва уларнинг халқ хўжалигидаги муҳим аҳамиятга кўра Марказий Осиёда алоҳида ўринини эгаллайди. Ўзбекистон Республикасининг Фанлар Академияси Ботаника институти олиб борган тадқиқотлари натижасида, ўлкамизда 146 оиласа мансуб бўлган 4500 га яқин юқори сифатли ўсимлик турлари борлиги аниқланган. Булардан қоқидошлар (600 тага яқин тури мавжуд), бурчакдошлар (450 га яқин), буғдоидошлар (260 га яқин тур), карамдошлар япиздошлар ва бошқа йирик оилаларнинг вакиллари аниқланган. Ўзбекистон Флораси пайдо бўлиши, тарқалиши, тур, туркум ва оилаларнинг ўхшашлиги жиҳатидан Марказий Осиёдаги бошқа республикалар, Эрон ва Афғонистон ўсимлик қопламига жуда яқин туради.

Ўзбекистонда ўсимлик ўсмайдиган жой йўқ. Уларни текисликдаги қумли чўллардан тортиб, қорли баланд тоғларгача бўлган турли тупроқ шароитида учратиш мумкин.

Фанлар Академияси Ботаника институти ходимлари томонидан чоп этилган 4 жилдлик «Ўзбекистоннинг ўсимликлар қоплами» (рус тилида) монографиясида республикамиздаги 1196 қавмни қамраб олган 17 ўсимлик жамоа келтирилган, «Ўзбекистон флораси» (6 жилдли) ва «Урта Осиё ўсимликлари аниқлагачи»дан (10 жилдли) каби асарларни олиш мумкин.

Республикамиз флораси фойдали ўсимликларга ниҳоятда бойдир, Лекин ундан фойдаланиш оқилона ташкил этилмаганлиги туфайли табиий ўсимлик қопламларининг майдонлари, ундаги фойдали турларнинг захираплари тобора қисқариб бормоқда ва оқибатда «Қизил китоб»га кирадиган турларнинг сони ортиб бормоқда.

Ушбу қонун табиий шароитда ўсимлик дунёсини, шунингдек, такрор етиштириш ва генетик фондини сақлаш

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й. № 1.

учун экиб ўстириладиган ёввойи ўсимликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Бу қонуннинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

— флоранинг тур бўйича таркибини ва генетик фондини табиий шароитларда сақлаб қолиш;

— ўсимлик дунёсидан оқилона фойдаланишини ва уни такрор етиштиришни таъминлаш;

— юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва бошқалардир.

Ўсимлик дунёсининг обьектларига қўйидагилар кириб, булар ёввойи организмлар — дараҳтлар, буталар ва ўтсизон уруғлайдиган ўсимликлар, сувўтлар, лишайниклар ва замбурурглар, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик жамоалариdir.

Ўсимлик дунёси обьектларидан фойдаланиш турларига чорвачилик эҳтиёжлари учун ёввойи озуқа маҳсулотларини тайёрлаш, чорва молларини ўтлаттириш, ўсимлик дунёсидан овчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш, ёввойи ўсимликлар доривор хом ашёсини тайёрлаш (йиғиш), ўсимлик дунёсидан илмий-тадқиқот мақсадларида фойдаланиш, ўсимлик дунёси обьектларидан маданий-маърифий, тарбиявий, согломлаштириш, рекрацио ва эстетик мақсадларда фойдаланиш ва бошқалар киради.

Ўсимлик дунёсининг обьектларидан вақтинча (узоқ муддатли ва қисқа муддатли) фойдаланиш мумкин. Ўсимлик дунёси обьектларидан фойдаланувчилар:

— ўсимлик обьектларидан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя қилишлари;

— фойдаланишга бериб қўйилган ўсимлик дунёси обьектларидан оқилона фойдаланишлари;

— ўсимлик обьектларидан фойдаланиш жойларида ёнгин хавфзизлигига риоя қилишлари ва ёнгинга қарши тадбирларни амалга оширишлари, ёнгинчи чиққан ҳолларда эса уни ўчириш чораларини кўришлари;

— ўсимлик обьектларидан фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида тўлашлари шарт.

— ўсимлик дунёси обьектларидан фойдаланиш ҳуқуқи қўйидаги ҳолларда бекор қилинади;

— ўсимлик дунёси обьектларидан фойдаланиш ҳуқуқидан воз кечилаганда;

- белгиланган фойдаланиш муддати тугаганда;
- ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни такрор етиштириш қоидалари нормативлари ва бошқа талаблар бузилганда;
- ўсимлик объектларидан фойдаланганлик учун ҳақ белгиланган муддатда тўланмагандан;
- фойдаланиш таъсирида табиий ўсимликлар жамоаларида аслига қайтариб бўлмайдиган ўзгаришлар юз бериши хавфи туғилганда;
- ер эҳтиёжлари давлат ёки жамоа эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилинади.

Ушбу қонунда шунингдек, ёввойи ўсимликларни бошқа жойга кўчириш ва дурагайлаш, уларнинг янги турларини ёввойи флорага кўчириш асослари Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва ўсимлик карантини бўйича давлат хизмати органларининг хulosалари асосида чиқарган қарорга биноан илмий тадқиқот ва хўжалик мақсадларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Шунингдек, илмий, маданий-маърифий, ўқув-тарбиявий ёки эстетик қимматга эга бўлган ботаника коллекциялари давлат ҳисобидан ўтказилиши лозим.

Ботаника коллекцияларининг эгалари бўлмиш юридик ва жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган ҳисобга олиш, тўлдириб бориш, асраш, сотиб олиш ва сотиш, жўнатиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва ундан олиб чиқиш қоидаларига риоя этишлари шарт.

Ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади. Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонуиларни бузиша айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Ушбу қонун 28-моддадан иборат бўлиб унинг амалда тадбиқ этилиши ва унга оғишмай риоя қилиниши ўсимлик дунёсини муҳофаза қилишда катта аҳамиятга молик бўлиши шубҳасиз.

«Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Конун

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни Ўзбекистон ҳайвонот дунёси турларга ниҳоятда бой қўшни республикалар ҳайвонот дунёсига жуда ўхшаш бўлиб, субтропик кўринишдадир. Республикамизда нодир ва кам учрайдиган ҳайвонлардан бурама шоҳли эчки, айиқ, қоплон, қорақулоқ, силовсин, сиртлон, қундуз, жайрон, қўшоёқ, бухоро буғуси, бухоро қўйи кабилар «Қизил китоб»га киритилган.

Судралиб юрувчиларнинг 57 тури мавжуд бўлиб, жумладан, тошбақалар 1, калтакесаклар 29, илонлар 18 (заҳарлилари 5 та кўзойнакли, илон, кўлвор илон, чўл қора илони, қалқонтумшуқ илон) турни ташкил қиласди.

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилюна фойдаланиш, шунингдек, унинг яашаш муҳитининг муҳофаза қилиниши, улардан қишлоқ хўжалигига, чорвачилик, овчилик, тиббиёт йўналишида кўпгина амалий ишлар қилинган ва илмий асарлар ёзилган.

Жумладан, улар «Туркистон ҳайвонлари», «Ўрта Осиёning табиати ва ҳайвонот дунёси» (2 жилдли): «Ўзбекистон ҳайвонот олами», «Ўзбекистон қушларининг гельминотлари» (1963), «Қизилқум чўлинининг биоценозлари» (1971 й.), «Ўзбекистон уй сут эмизувчиларининг гельминотлари» (1975 й. т.), «Ўзбекистон қизил китоби» (1983 й. т.), «Ўзбекистон қушлари» (2 жилдли, 1987 йил, 1990 й. каби) асарлардир.

Ўзбекистон табиати жуда бой бўлиб, эндиликда экологик фаунистик сабаблар оқибатида кўпгина ҳайвонот дунёси — ёввойи ҳайвонлар, сут эмизувчилар, судралиб юрувчилар, бўғимоёқлилар, сув тубидаги ҳайвонлар, қушлар, ҳашоратлар, бошқа жонзотлар йўқолиб бормоқда ва «Қизил китобга» киритилмоқда.

Ҳайвонларнинг айрим турларининг қирилиб кетиш сабабларини аниқлаш, улар сонини қайта тиклаш, уларни давлат муҳофазасига олишга оид ҳукуматимиз томонидан кўпгина чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган ва шу кундан эътиборан амалга киритилган ушбу қонун ҳайвонот дунёсини сақлаб қолиш ва уни муҳофаза этишда муҳим

аҳамиятга эгадир.¹ Бу қонун қуруқликдаги сувда, атмосферада ва тупроқда яшайдиган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий ёки вақтинча турадиган ёввойи ҳайвонларни, шунингдек, илмий ёки табнатни муҳофаза қилиш мақсадларида ярим эркин шароитда ёки сунъий яратилган яшаш муҳитида боқилаётган ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишин тартибиға солади.

Ушбу қонун 41-моддадан иборат бўлиб, ҳайвонот дунёси обьектлари, ҳайвонларни ва улардан фойдаланиш ҳажмларни давлат томонидан ҳисобга олиш, ҳайвонот дунёси давлат кадастри, ҳайвонот дунёси мониторинги, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш устидан назорат, ов қилиш ва балиқ овлаш хўжалигини юритиш, ҳайвонларни бошқа жойларга кўчириш, иқлимга мослаш ва чатиштириш, ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш, зоология коллекциялари яратиш ва уларни тўлдириб бориши, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвон турларини муҳофаза қилиш ва уларни тутиш тартиби, ҳайвонот дунёсидан илмий, маданий-маърифий, тарбиявий ва эстетик мақсадлардан фойдаланиш, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фодаланиш тўғрисидаги қонуларни бузгандлик учун жавобгарлик каби масалаларни ўз ичига олган.

Қонунда ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар ҳуқуқлари кўрсатилиб, булар ҳайвонот дунёси обьектларидан уларни бериб қўйиш шартларига мувофиқ фойдаланиш, тутиб олинган ҳайвонот дунёси обьектларинга ва улардан олинган маҳсулотга нисбатан мулкдорлик ҳуқуқига эгадир.

Ов қилиш ёки балиқ овлаш хўжалигини юритувчи юридик шахсларга ҳайвонот дунёси обьектларидан белгиланган нормалар доирасида фойдаланиш учун рухсатномалар бериш, ов ва балиқ маҳсулотини қайта ишлаш ҳамда ҳайвонот дунёси обьектларидан буюмлар ишлаб чиқариш, уларга етказилган маҳсулот ва буюмлардан фойдаланишга ҳамда уларни сотишга ҳақлидирлар.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқи қўйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин. Чунончи, фойдала-

¹ Узбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й. № 1.

ниш зарурати қолмаганда ёки ундан воз кечилганда, фойдаланишининг белгиланган муддати ўтганда, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларни бузганда, фойдаланиш ҳуқуқи берилган юридик шахс тугатилганда ва бошқа асослар мавжуд бўлса, қонунларда белгиланган тартибда тугатилади.

Ҳайвонлар устидан илмий тадқиқот ишлари олиб бориш учун, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тақдимномаси ва Ветеринария Академиясининг хулосаси бўйича Вазирлар Маҳкамаси берадиган рухсатномалар асосида йўл қўйилади. Қамёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвонот дунёси турлари Қизил китобга киритилади.

Ушбу қонунда белгиланган шартларни бузганлик учун айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жазобгарликка тортиладилар.

Қонунга хилоф равишда тутилган ҳайвонот дунёси обьектлари, улардан олинган маҳсулот, уларни тутиш қуроли ва воситалари, шу жумладан транспорт воситалари қонунларда белгиланган тартибда олиб қўйилади ва мусодара қилинади, агарда олиб қўйиш ва мусодара қилиш имкони бўлмаган тақдирда, уларнинг қиймати қонунда белгиланган миқдорда ва тартибда ундирилади.

Ушбу қонунларга қатъйи амал қилиш ёки оғишмай рноя этиши республикамиз фуқароларининг зарур бурчидир, чунки мамлакатимиз ободлиги, гуллаб-яшиши учун унинг табнатини, ҳайвонот дунёсини барча чоралар билан қаттиқ муҳофаза қилиш гоят муҳим вазифадир.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН

Республикамизнинг истиқлолга эришуви туфайли оммавий ахборот воситалари тараққиётида янги демократик ривожланиш босқичи бошланади. Собиқ совет даврида матбуотда миллатнинг дарди, уларнинг чинакам орзу умидлари, ҳурриятга эришиш учун интилишлари эмин-эркин, ҳаққоний равишда ифодаланмас эди.

Асосий Қомусимиз бўлмиш Конституциянинг 67-моддасида: «Оммавий-ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди». Цензурага йўл қўйилмайди» дейилган.

1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида жами 416 газета, 77 журнал рўйхатдан ўтказилган. Республикада чиқадиган газета ва журналлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар, муассасалар, Қорагалпоғистон Республикаси раҳбарияти, вилоят шаҳар ва туман ҳокимлари, ҳалқ депутатлари Кенгашлари, рўйхатга олинган партиялар, миллий марказлар, диний муассасалар, тижорат ва тадбиркорлик ташкилотлари томонидан таъсис этилган бўлиб, улар муассасаларнинг бевосита раҳбарлигида фаолият кўрсатмоқда.

1993 йилда Ўзбекистон матбуотини қўллаб-қувватловчи жамгарма таъсис этилиб, 1996 йилда, ушбу фонд ва Ўзбекистон журналистлар уюшмаси негизида Ўзбекистон Республикаси Оммавий ахборот воситаларини демократлашириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий сиёсий фонди ташкил этилди.

Бу фонд оммавий ахборот воситаларига моддий жиҳатдан ёрдам бериш билан бирга журналистларни демократик жараёнга тайёрлаш, уларнинг дунёқарашини ўстириш, эркин фикрлашга, малакасини оширишга ҳаракат қиласди.

Шунингдек, оммавий ахборот воситалари ичida радиоэшиттириш ўз моҳияти бўйича истиқлол мафкурасига хизмат қиласди.

Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг (Узтелерадио) асосий вазифалари ва фаолиятининг ўйналишлари Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳаётда содир бўлаётган ўзгаришлари тўғрисида кенг ҳабардор қилиш, мамлакатда конституциявий нормалар ва қонунларни чуқур тушунириш, инсон қадр-қиммати, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳурмат қилинишини таъминлаш, инсон қадр-қимматини таҳқиқлайдиган ёки одамларни уларнинг дини, миллий ва маданий белгиларига қараб ҳақоратлаш сифатида талқин этилиши мумкин бўлган материаллардан фойдаланишга йўл қўймаслик, миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялаш, ёш авлодда юксак маънавийлик фазилатларини шакллантириш, меҳнатдаги бунёдкорлик, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги» қонунига мувофиқ, газета, журналлар, ахборотнома, бюллетенлар, ахборот агентлиги телевидение (кабелли телевидения) ва радиоэшитти-

риш), доимий номга эга бўлган, давлат тасарруфидаги мустақил ва бошқа оммавий даврий нашрлар оммавий ахборот воситаларидир.

Оммавий ахборот воситаларидан Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумининг, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш, уруш ва зўравонликни, шафқатсизликни, миллий, ирқий, диний адоватни тарғиб этишни, давлат сирини шунингдек, ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни ошкор этиш, ёхуд жиной жавобгарликка сабаб бўладиган хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишга йўл қўйилмайди.

Оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларнинг шахсий ҳаётига аралашиш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг **Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонуни** 1997 йил 26 декабрда қабул қилиниб, матбуотда эълон қилинган кундан амалга киритилди.¹ Ушбу қонун 30 моддадан иборат бўлиб, оммавий ахборот воситалари эркинлиги, сўз эркинлиги, цензурага йўл қўйилмаслик, журналистик текширув, ахборот манбанин ошкор этмаслик, оммавий ахборот воситаларида ҳомийлар иштироқи, нашрга оид материаллар, телекўрсатув ва радиоэшиттириш материалларининг сақланиш тартиби, расмий хабарлар оммавий ахборот воситасининг муҳаррири, таҳрир ҳайъати, ахборот ва эълонларни эълон қилиш, муаллиф материаллари ҳамда хатларидан фойдаланиш, раддия бериш ёки жавоб қайтариш ҳуқуки учун жавобгарлик, чет эл оммавий ахборот воситалари ваколатхоналари ёхуд вакилларининг Ўзбекистон Республикасидаги фаолияти, халқаро шартномалар тузиш тартиби каби моддаларни ўзичига олади.

Мазкур қонун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш соҳасидаги энг демократик ҳуқуқий нормаларни кўзда тутган бўлиб, уни офишмай амалга ошириши, мамлакатимиз обрў-эътиборини унинг нуфузини юксакларга қўтариши зарур.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й. № 1.

«Қишлоқ хўжалиги кооператив (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонун

Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооператив (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонуни 1998 йил 30 апрелда Олий Мажлисининг XI сессиясида қабул қилиниб, 1998 йил 1 июлдан эътиборан амалга киритлди¹. Бу қонун қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва уларнинг бирлашмалари фаолиятининг ҳуқуқий-ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитларини белгилайди.

Қишлоқ хўжалиги коперативи (ширкат хўжалиги) қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотлари етиштириш учун пай усулига асосланган оила (жамоа) пудратига фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) фаолияти қўйидаги принципларга асосланади:

- ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланишини ва тупроқ унумдорлигининг оширилишини таъминлайди;
- кооператив (ширкат) фаолиятида аъзоларнинг ўз меҳнати билан иштирок этишининг шарт эканлиги;
- меҳнатни асосан оила (жамоа) пудрати асосида ташкил этиш;
- кооператив (ширкат) аъзоларининг меҳнатига бажарилган ишлар ҳажми ва сифатига қараб ҳақ тўлаш;
- яқуний даромадни кооператив (ширкат) аъзолари ўртасида уларнинг мулкий пайларига мувофиқ тақсимлаш;

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) қонунларда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ташкил этилган, деб ҳисобланади ва юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади.

Кооператив (ширкат) мустақил баланс, банк муасасасида ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб варақаларига, ноими ёзилган муҳрга эга бўлади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й. № 5—6.

Кооператив (ширкат) хўжалигининг ўз Устави бўлиб, Уставда қўйидагилар қайд этилган:

- кооперативнинг (ширкатнинг) номи ва жойлашган ери:
- фаолият соҳаси ва мақсади;
- кооператив (ширкат) муассасаларининг таркиби ва аъзоларининг сони;
- кооператив (ширкат) аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- кооперативнинг (ширкатнинг) пай жамғармаси ва бошқа жамғармаларнинг миқдори;
- асосан оила (жамоа) пудратига асосланган кооператив (ширкат) аъзоларининг меҳнатда иштирок этиши ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шакллари;
- кооператив (ширкат) даромадларини (фойдасини) тақсимлаш, шу жумладан мулкий пайлар бўйича дивидентлар тўлаш учун тақсимлаш;
- кооперативни (ширкатни) қайта ташкил этиш ва тугатиш шартлари;
- Уставга кооператив (ширкат) фаолияти билан боғлиқ, қонунга зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам киритилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигидаги) ер участкалари, қонда тариқасида, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти этишириш учун онлаларга оила пудрати шартномаси шартларига кўра вақтинча фойдаланишга берилади.

Оила (жамоа) пудрати шартномаси ҳар йили қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқа руви тимсолида оила бошлиғи томонидан тузилади.

Оила (жамоа) пудрати шартномасида қўйидагилар назарда тутилади:

- ер участкасининг ўлчами, жойлашган ери ва ҳолати;
- ер участкасидан фойдаланиш шартлари, тарафларнинг алмашлаб экишга мувофиқ қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ва ер сифатини ошириш, турроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириб бориш бўйича мажбуриятлари;
- этишириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг нархи, унга ҳақ тўлаш ва уни сотиш шартлари;
- этишириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг миқдори ва турлари, уларнинг сифати;
- Оила пудратида меҳнатга ҳақ тўлаш якуний натижаси.

ларга кўра етиштирилган маҳсулотнинг шартномада на-
зарда тутилган миқдори, сифати ва нархига қараб амал-
га оширилади. Шу билан бирга пай эгалари хўжалик-
нинг йил давомидаги фаолияти якунига кўра дивидент-
лар оладилар.

Қишлоқ хўжалик кооперативларини ташкил этиш,
уларнинг фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатили-
ши билан боғлиқ шизолар тегишли қонунларга мувофиқ
ҳал этилади.

Ушбу қонуннинг амалга тадбиқ этилиши қишлоқ хў-
жалигида товар маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг кўпайи-
шига кооператив ташкилотларнинг ривожланишига,
уларнинг молиявий қувватининг оширилишига қаратил-
гандир.

«Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонун

Деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш
борасида ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган
қонунларни аҳоли ўртасида тушунтириш ва тарзиб қи-
лини катта аҳамият касб этади.

Жўмладан, Узбекистон Республикаси Олий Мажли-
синанг XI-сессиясида қабул қилинган ва 1998 йил 1 июл-
дан эътиборан амалга киритилган,¹ «Узбекистон Республикасининг фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни фер-
мер хўжалигини ташкил қилиш ёки қайта ташкил эти-
лиши, тугатилиши, уларнинг фаолияти ҳақидаги қонун
бўлиб, фермерлик орқасидан тўқин ҳаёт кечирувчи фуқа-
роларимиз учун жуда зарур манба бўлиб хизмат қиласди.

Ушбу қонунда хўжаликнинг бошлиғи ва аъзолари
киммлар бўлиши, хўжаликни ташкил қилиш шартлари,
ерга эгалик қилиш, ер-сувдан фойдаланиш, хўжаликнинг
мол-мулки, унинг маблағлари ва ҳисоб-китоблари каби
зарур маълумотларни беради.

Чунончи, ҳар қандай фермер хўжалиги аввало туман
ҳоқимиятида давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин
юридик шахс мақомига эга бўлади ҳамда банк мусасса-
сасида ҳисоб-китоб ва бошқа хил ҳисоб варақлар очиши-
га, номи ёзилган муҳрга эга бўлишга, юридик ва жис-
моний шахслар билан амалий муносабатлар олиб бо-
риш ҳуқуқига эга бўлади.

Шунингдек, тумандаги бирон-бир фермер хўжалиги

¹ Узбекистон Республикаси Олий мажлисинанг Ахборотномаси,
1998 й. № 5—6.

посёлка, қишлоқ ва овул, ўзини-ўзи бошқариш органдары ҳар бир фермер хўжалигини хўжалик китобига киритиб, унда фермер хўжалигининг шахсий таркиби, хўжалик бошлиғи ёки бошлиқ вазифасини бажарувчи шахс тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, хўжаликка ажратилган ер участкасига оид асосий маълумотлар қайд этилган бўлади.

Фермер хўжалигини ташкил этишда, масалан, чорвачилик маҳсулоти этиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги камида шартли 30 бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Фермер хўжалигига бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва-молга турли вилоятлардаги суғориладиган ерларда камидা 0,3 гектар, суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса камидা 2 гектарни ташкил этиши керак.

Деҳқончиликка мўлжалланган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахта ва ғалла маҳсулотлари этиштириш учун камидা 10 гектар: боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни этиштириш учун камидা 1 гектарни ташкил этиши лозим.

Ер участкалари берилганда фермер хўжалиги ўз зинмасига қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (5 йил учун ўртacha йиллик ҳосил ҳисобида ер кадастри баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади ва бу мажбурият шартномада мустаҳкамлаб қўйилади.

Фермер хўжалигининг аъзолари қўйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

— этиштирилаётган маҳсулотга мустақил нарх белгилаш;

— ўзи этиштирган маҳсулотни истеъмолчиларга ўз хоҳиши бўйича реализация қилиш;

— харид этиладиган маҳсулотга олдиндан ҳақ тўланадиган фьючерс битимлари тузиш;

— тадбиркорликдан қонунда белгиланган тартибда солиқ солинадиган, чекланмаган миндорда фойда олиш;

— ходимларни ишга ёллаш ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш ва ҳоказо.

Ушбу қонун халқ хўжалигини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлиб, унга оғишмай риоя қилиш ҳар бир фермер хўжалиги аъзоларининг асосий бурчидир.

Чунки фермер хўжалиги ҳаётимиз учун зарур манба

бўлиб, унинг фаолияти «Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солинади.

СУД СИСТЕМАНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Суд ўзига юклатилган вазифаларни амалга оширишда ўз ҳудудидаги корхона, муассаса ва ташкилот ҳамда фуқаролардан тушган фуқаролик ишлари, меҳнат, никоҳ ва оила, ер-сув соҳасидаги даъволарини судда кўриш ва тегишли қарорлар чиқариш, жиноят ишларини мазмунан кўриб ҳукм чиқариш йўли билан қонунларни амалга оширишни таъминлайди.

Суд бузилган ҳуқуқни тиклайди, масалан, ишдан по-тўғри бўшатилган шахсни ўз ишига қайтаради, бўш квартирани қонунсиз равишда эгаллаган кишиларни ўйдан кўчириш ҳақида қарор чиқаради, мулк даъволарини кўрганда қонунга асосланиб, тегишли шахсга муайян мулкни қолдириш ёки тақсимлаш, кимга қандай улушни бериш ҳақида қарор чиқаради.

Суд жиноят ишларинда тергов материалларини бевосита синчилаб текшириш, гувоҳ, жабрланувчи, мутахасис-эксперт ва суд процесси бошқа иштирокчиларининг кўрсатувлари ва фикрларини эшишиб ҳамда ашёвий далил, ҳужжат ва шунинг каби далил исботларни бевосита текшириб чиқиб (тегишли ажрим чиқариб) судланувчи устидан айблов ёки оқлов ҳукми чиқаради ёхуд далил исбот етарли эмас деб топса, тегишли ажрим чиқариб, ишни қўшимча терговга юборади. Юқори суд поғоналарида иш кўрилганда эса, бундай ҳолларда ҳукм бекор қилиниб, иш янги суд таркибида қайта кўришга ёки терговга юборилади.

Суд жиноят ишларини кўрганда ана шу қилмишни вужудга келтирган сабаб ва шароитларни маълум муҳитдаги камчилик ва нуқсонларни ҳам аниқлаб, уларни бартараф қилиш тўғрисида хусусий ажрим чиқаради ва уни тегишли корхона ва ташкилот раҳбарларига юбориб муайян муддат ичидаги йижро этишини талаб қиласи.

Суд аниқ иш кўраётганда ташқи таъсирдан бутунлай холи бўлиб, фақат қонунгагина бўйсунади, қонун нормаларигагина асосланиб ҳукм ва қарор чиқаради.

Суд ҳайъати ҳар бир муайян ишни кўрганда уч кишидан: битта судья ва иккита халқ маслаҳатчисидан

иборат бўлади. Суд системаси Ўзбекистонда 5 йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпогистон Республикаси Олий суди, Қорақалпогистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят судлари, вилоят хўжалик судлари Тошкент шаҳар суди, Тошкент шаҳар хўжалик суди туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, фАОлият кўрсатадилар.

Конституциявий суд барча қонунлар устидан назорат қилувчи суд бўлиб, у Президент Фармонлари, Олий Мажлис ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа қонунларнинг Конституцияга мослигини аниқлайди. Қонунларда қарама-қаршилик, бир-бирига зид нормалар учраган тақдирда уларни бартараф қилишни таъминлайди. Конституциявий суд республикада ягона ва унинг ҳайъати 7 кишидан иборат бўлиб, Олий Мажлис томонидан сайланади. Конституциявий суднинг Қарорлари матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий Хўжалик суди судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимига биноан Олий Мажлис томонидан сайланади.

Қорақалпогистон Республикаси Судьялари Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимомасига биноан Қорақалпогистон Республикаси жўқорғи Кенгеси томонидан сайланадилар, туман судлари эса тайинланадилар.

Вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман (шаҳар) судлари судьялари Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг хulosасига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг тақдимомасига биноан, хўжалик судлари судьялари эса Олий хўжалик суди Раисининг тақдимомасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадилар.

Қуролли Кучлар ҳарбий суди ва гарнizon судлари-нинг судьялари Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг хulosасига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг тақдимомасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадилар.

ди. (63-модда Ўзбекистон Республикасининг Судлари тӯғрисида Қонуни. 1993 йил, 2 сентябрь).¹

Мавжуд қонунларга мувофиқ барча судларнинг иши ва ташкилий фаолиятлари ягона демократик принципга асосланади. Чунончи: а) одил судлов барча фуқароларнинг суд ва қонун олдида тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилади; б) вилоят, туман (шаҳар) судъялари тайинланади, Олий суд аъзолари ва халқ маслаҳатчилари эса кенг демократик асосда муайян муддатга сайланади, улар жиноят ва фуқаролик ишларини кўришда баравар иштирок қиласидилар; в) судлар ишни коллегиал равишда кўрар экан, ўзларига мустақил бўлиб, фақат қонунга бўйсунадилар, г) судлар ишни манфаатдор томонлар ва судланувчи тушунадиган — миллий тилда олиб борадилар; д) суд процесси ошкора юритилади; е) айбланувчи ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга; ж) судда жамоат қораловчиси ва жамоат ҳимоячиси иштирок этиши мумкин, баъзи ишларда фақат адвокат ёки адвокат ва прокурор қатнашуви лозим.

Суд ишларида қонунларни тӯғри тадбиқ қилиш ва қонунийлик принципини тӯла амалга ошириш юзасидан прокуратура органлари назорат олиб борадилар.

Суд ҳайъати уч кишидан иборат бўлиб, халқ маслаҳатчилари судья билан тенг ҳуқуққа эгадирлар. Халқ маслаҳатчилари фуқароларнинг жиноят ва фуқаролик ишларини тӯғри ҳал қилишда судга ёрдам берадилар. Фуқаролик ишларида судланувчи ва давлат айловчиси бўлмасдан тарафлар, яъни даъвогар ва жавобгарлар, прокурор ва баъзан бошқа (учинчи) шахслар қатнашади.

Туман (шаҳар) судлари, вилоят суди, республика олий суди фуқаролик ва жиноят ишларини кўриш йўли билан одил судловни амалга оширадилар, содир қилинган жиноятга яраша қонунда белгиланган жазо турларини қўллайдилар.

Жиноят ва фуқаролик ишларини биринчи марта мазмунан кўриб, иш юзасидан ҳукм ва ҳал қилув қарори чиқарган судлар биринчи погона суди дейилади. Вилоят судлари ва республика олий суди, республика ҳарбий суди ҳам ўзларига тегишли жиддий, оғир ва давлатга қарши хавфли жиноятлар ҳақидаги ишларни биринчи

¹ Узбекистон Республикаси Олий Қенгашининг Ахборотномаси. 1993 й. № 10.

погона сифатида кўришлари мумкин. Кассацион шикоят ва протест тартибида иш кўрувчи судлар иккинчи поғона, назорат тартибида иш кўрувчи судлар эса, учинчи погона судлари деб аталади.

Тошкент шаҳар суди, вилоят ва республика суди одатда қуий судлар кўрган ишларни иккинчи поғона тариқасида кўрадилар. Эндиликда жуда кам учрайдиган жосуслик ёки Ватанга хиёнат қилиш тўғрисидаги ишларни эса республика Олий суди биринчи поғона тариқасида кўриши мумкин.

Жиноят ишларнинг характеристири ва жиноят содир этилган ҳудудга қараб қайси судга тегишилиги ЎзР. Жиноят процессуал Кодексининг 388—394 моддаларида кўрсатилган.

Республика Адлия вазирлиги, вилоят ва шаҳар адлия органлари судларига ташкилий раҳбарлик, адвокатура, нотариат ва бошқа адлия органларига умумий раҳбарлик ишини амалга оширадилар. Улар аҳолининг ҳуқуқий тарбияси юзасидан олиб бориладиган ишларни мувофиқлаштириш ва бошқа ташкилий ишларни бажариш билан шугулланадилар.

«Прокуратура тўғрисида»ги Қонун

Прокуратура идоралари фаолиятини ташкил этиш ва прокурорларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Прокуратура тўғрисидаги қонуни, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган бошқа қонунлар билан белгиланади.

Прокуратура зиммасига қонунда назарда тутилмаган вазифаларни юклаш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар барча вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар, шунингдек, кимга бўйсунишидан кимнинг тасарруфида бўлишидан ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, муссасасалар, корхоналар, ташкилотлар, ҳарбий қисмлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, фуқаролар қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этишлари устидан назоратни амалга оширадилар.

Прокурор аввало барча фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона, муассаса, ташкилотлар томонидан қонуннинг аниқ амалга оширилиши устидан назорат олиб боради. У ҳамма бошқарув органлари чиқарган қарор, фармойиш, қўлланма ва буйруқларнинг қонўний бўли-

ши, амалдаги қонун-қоидаларга зид бўлмаслиги устидан назорат қиласди. Озгина бўлсада ғайриқонуний ҳоллар аниқланган чоғда дарҳол тегишли юқори ташкилотларга протест билдириб, қонун бузилишини бартараф қилиш чораларини кўради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасига биноан, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларниң аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.¹

Прокуратура идоралари фаолияти қонунининг устунлигини ҳар томонлама қарор топтиришга, ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашга, Конституцияда белгиланган инсон ва фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, давлатнинг тузумини сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тизимларини, миллий гуруҳлар ва ҳуддий тузилмаларниң ҳуқуқларини ғайриқонуний тажовузлардан муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилгандир.

Прокурорлар ўз фаолиятини қўйидаги йўналишларда амалга оширадилар:

— фуқароларнинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган қонунларниң аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат олиб бориш;

— корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, маисабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонунларниң ижро этилишини назорат қилиш (умумий назорат);

— жинояччиликка қарши курашувчи идораларниң қонунларни ижро этишларини назорат қилиш ва уларнинг қонунларниң қўлланишига доир фаолиятини мувофиқлаштириш;

— судларда жиноий ишлар кўриб чиқилишида давлат айбловини қўллаб-қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларини қараб чиқишда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларнга протест келтириш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномасини - 1993 й. № 1.

— ушланганларни сақлаш, дастлабки қамоқ, суд тайинлаган жазо ва мажбурий характердаги бошқа чораларни ўташ жойларида қонуларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш;

— Қуролли Қучларда қонуларга риоя этилишини назорат қилиш;

— жиноятлар юзасидан тергов олиб бориш ва содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш;

— қонуларни такомиллаштириш ва қонуларни тарғиб қилишда қатнашади (Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни, З-модда).

Бутун прокуратура системаси ягона қонунийлик принциплари асосида марказий олий ҳокимиятга бўйсуниб, ҳар қандай маҳаллий органлардан мустақил равишда тузилгандир.

Прокурор умумий назорат тартибида текшириб, қонун бузилишини, шунингдек, бирон шахс томонидан жиноят қилинганлиги аниқланганда қонун бузилишини тиклаш ва жиноятчини жавобгар қилиш каби чораларни кўради, жиноят қилишда айбор шахс устидан жиноий иш қўзғатади. Шу билан бирга прокурор суриштирув ва тергов органлари ҳамда судларда қонун бузилишини учратса, уни тезда бартараф қилиш, қамоқ жойларида, агар бирон шахснинг ғайри қонуйи равишда ушлаб турилганлигини аниқласа, уни дарҳол қамоқдан озод қилиш чораларини кўради.

Юридик актларда: бўйруқ, низом, қўлланма, суд ҳукми, суд қарори, марказий ва маҳаллий ҳокимият фармойиши, қарор ва ҳоказо ҳўжжатларда қонунга хиллоф ҳоллар учраганда прокурор юқори орган ёки ташкилотга протест киритиб, уни бекор қилишни сўрайди. Прокурор қонун бузилиши ва жиноят содир этилишининг сабаб ва шароитларини аниқлади, уларни бартараф қилиш тўғрисида эса тавсиянома ёзив тегишли мансабдор шахсларга юборади. Бундай тавсияномалар ва протестлар юзасидан белгиланган муддат ичida лозим бўлган чора-тадбирлар қўлламофи ва бу ҳақда прокурорларга хабар қилинмоғи керак.

Прокурор тергов ва суриштирув юргизувчи шахслар устидан тушган шикоятларни кўриб ҳал қиласди. Прокурорнинг жавобидан ёки кўрган чорасидан қаноатланмаган шахслар эса юқори прокурорга шикоят беришлари мумкин.

Прокурор биринчи инстанция судларида жиноят иш-

лари кўрилганда давлат айбловчиси сифатида қатнашуви мумкин, иккинчи ва учинчи инстанция судларида эса иш материаллари билан танишиб, уни қонунан ҳал қилиш лозимлиги тўғрисида ўз фикрини ёзма ва оғзаки тарзда баён қилиб боради.

Жиноят судда исботланмагани тақдирда прокурор қонунга мувофиқ айбловдан воз кечишга мажбур, чунки унинг вазифаси фақат қонунийликни таъминлашдир.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ

Жиноятнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаша жиноятчиликка қарши курашда ички ишлар органларининг роли бениҳоя каттадир..

Айниқса, республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг, уюшган жиноятчиликка қарши кураш, содир этилган жиноятларни очиш, қидирувда бўлган жиноятчиларни ушлашда ички ишлар органлари ходимлари фаоллик кўрсатмоқдалар. Милиция ходимлари энг аввало жиноятнинг олдини олиш бўйича зарур бўлган бутун чора тадбирларни кўрадилар. Содир этилган жиноятлар бўйича эса суриштирув ва тергов ишларини олиб борадилар. Жиноят содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларни аниқлайдилар, уларни бартараф қилиш чора тадбирларини кўрадилар. Кўчаларда транспорт ҳаракати хавф-сизлигини таъминлаш, озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм бўлганларни ахлоқан тузатиш, муқаддам судланганларни назорат қилиш вазифалари ҳам ички ишлар органлари зиммасига юклатилгандир. Ана шундай вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг жойлардаги органлари қўйидаги хизмат тармоқларидан иборатдир.

Жиноятчиликнинг олдини олиш (профилактика хизмати), жамоат тартибини сақлаш, жиноят-қидирув хизмати, уюшган жиноятчиликка; рэкэт ва коррупцияга қарши кураш; давлат автомобил назорати, эксперт-криимиалистика хизмати, тергов, «Ахлоқ милицияси», паспорт хизмати ва бошқа хизмат турлари фаолият кўрсатадилар. Уларнинг умумий мақсади жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқароларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Амалдаги қонунларга ва Ички ишлар вазирлигининг буйруқларига мувофиқ милиция ходимларига муайян ҳуқуқлар берилиб, қўйидаги вазифалар юклатилган.

Улар ҳар бир шахсдан жамоат тартибига риоя қи-
лиш, қонун бузувчилар ва жиноятчиларга нисбатан қо-
нуний чоралар кўриш ишларини олиб борадилар. Улар
йўл ҳаракати қоидаларини бузиш, санитария ҳолатига
риоя қилмаслик; жамоат жойларида спиртли ичимлик
ичиш; майда безорилик ва бошқа қилмишлар содир
этнингдан булар тўғрисидаги материалларни кўриб чи-
қиб, айбордога жарима солиш жазосини қўллаши, судга
ўтказиши, ёки ана шу материалларни тегишли чора кў-
риш учун жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзи-
ни-ўзи бошқарни органларига юборишлари мумкин.

Шунингдек, улар ўз хизмат ваколати доирасида фо-
ҳишибозликка, қўшмачиликка қарши кураш, савдо, тад-
биркорлик ва молия соҳасидаги қонунбузарликка оид
ишларни ҳам юқорида айтиб ўтилган органларга юбо-
риб, тегишли чора кўришларини сўрайдилар.

Милиция органлари жиноят-процессуал қонунларига
мувофиқ ўзларига тегишли, бўлган ишлар юзасидан су-
риштирув ишлари, маҳсус топширилган ишлар бўйича
эса тергов олиб борадилар.

Улар жамоат тартибини сақлаш, жиноятларнинг ол-
дини олиш учун хизмат соҳалари бўйича маъмурӣ на-
зорат олиб борадилар. Масалан, спиртли ичимликлар
билин савдо қилиш қоидаларининг савдо ташкилотлари
томонидан бажарилиши, паспорт режимига фуқаролар-
нинг аниқ риоя қилиши, қурилиш, кон, таъмиглаш, йўл
қуриш ишларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш,
болалар қаровсизлиги ва назоратсизлигига йўл қўймас-
лик ҳақидаги қоидаларининг ота-оналар томонидан ба-
жарилиши кабиларни назорат қиласидилар.

Милиция органларига Узбекистон Республикаси Ички
Ишлар вазирлиги 1993 йил 30 декабрда чиққан № 451-
сонли буйроғи билан қамоқ жойларидан озод қилинган
маҳкумлар устидан назорат олиб бориш вазифаси ҳам
юқлатилган. Бу тадбир ана шундай шахслар томони-
дан такроран жиноят содир этилишининг олдини олиш-
га қаратилгандир.

Ички ишлар органларининг хизмат фаолияти амал-
даги қонунлар Ички Ишлар Вазирликлари буйроқлари
билин тартибга солинади, уларнинг хизмат фаолиятида
қонунийликка риоя қилинишини ўз юқори органлари ва
прокуратура назорат қилиб боради.

Шу билан бирга, бугунги кунда Муҳтарам Прези-
дентимиз И. А. Қаримов таъкидлаганидек, «Ички иш-

лар вазирлиги тузилмасида ҳам туб таркибий ислоҳотларни амалга ошириш белгиланган. Уларни ташкилий, моддий-техникавий жиҳатдан анча мустаҳкамлаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, йўл ҳаракати хавфсизлиги, жамоат тартибини ва фуқаролар осойишталигини таъминлайдиган бўлинмаларни ислоҳ қилиш устида самарали ишлар олиб борилмоқда».

Ислоҳотлар натижасида ички ишлар органларининг фуқароларни ва жамиятни террорчиллик, қўпорувчилик хуружидан, барча шаклдаги экстремизм, уюшган жиноятчилик каби жиноят кўринишларидан ишончли ҳимоя қилишни таъминлайдиган тизим шаклланиши зарур.

«Ички ишлар органлари шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини ҳимоя қилишнинг ишончли гарови бўлиши лозим».¹

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ПРОФИЛАКТИКА ТАДБИРЛАРИ

Ҳуқуқий демократик давлатимиз ва жамиятимизнинг бутун фаолияти ҳуқуққа хилоф ҳаракатларининг олдини олишга, жиноятчиликнинг пайини қирқишига қаратилгандир. Бозор иқтисодиёти муносабатларининг янада ривожланиши халқимиз моддий фаровонлигининг оша бориши, улар билим ва маданиятининг юксала бориши жиноятчиликнинг олдини олишга яхши замин тайёрламоқда. Ҳозир қонунчиликни мустаҳкамлашда энг асосий йўналиш қонун бузилишига йўл қўймаслик, жиноятчиликнинг олдини олишдир. Ахир ҳар қандай жиноят оқибатида одамга етказилган жиддий шикастни ва моддий зарарни осонликча тиклаб бўладими? Ахир жиноятчилик адолатли демократик жамият қуриш ишига, инсон тарбиясига, айниқса ёшлар тарбиясига ҳам жуда катта зарар етказадику. Иккинчи томондан жиноят эвазига берилган жазони ўташ айбдор учун ҳам унинг яқинлари, ота-онаси ёки оиласи учун ҳам қайгули ташвиш ва азоб эмасми?

Модомики, юқорида айтиб ўтганимиздек жиноятчилик билан курашни ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмас экан, бу вазифа узлуксиз ғамхўрлик қилишни, тарбиявий ва профилактика ишлари олиб боришни талаб қиласр экан,

¹ Узбекистон XXI асрга интилмоқда.— Тошкент: Узбекистон, 1999 йил, 47—48-бетлар.

демак ҳамма чора-тадбирларни жиноятчиликнинг олдини олишга қаратиб бормоқ керак.

Ҳозирги ривожланган демократик жамиятимизда ҳукуматимизнинг куч-ғайрати аҳолининг моддий фаровонлигини яхшилашга, бозор иқтисадиёти муносабатларини ривожлантиришга ва янги инсонни давр талабига мос қилиб тарбиялашга қаратилгандир. Демак, барча иқтисодий тадбирлар билан бирга тарбия ишининг яхшилашиши, ҳуқуқий тафаккурнинг юксалиши, жиноятнинг олдини олишга, яъни жиноятчиликнинг камайишига олиб келади. Турмушда шуни кўрамизки, безорилик, ўғирлик, фирибгарлик, товламачилик ва бошқа шу каби жиноятларни содир этган кишиларнинг аксарияти жамоат ишларида қатнашмайдиган, маҳалла аҳлига қўшилмайдиган, оммавий маданий тадбирлардан четда юрадиган, ҳуқуқий онги паст кишилардан иборатдир. Уларнинг аксарияти ёшлигида яхши тарбия олмаган, турмуш қийинчиликларини рўкач қилиб, ўқишини ташлаб кетган, ҳаётда, ишда ўз ўрнини тополмаган, хунарсиз, дангаса кишилардир. Шунинг учун аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, моддий фаровонлигини юксалтириш билан бир қаторда уларнинг умумий ва ҳуқуқий тарбиясини (маданиятини) ҳам жиддий суръатда яхшилаш зарурдир.

Ҳар бир жиноятнинг аниқ сабаблари ва содир этиш шарт-шароитлари бор. Шунинг учун аниқ сабаб ва шароитларни суд, прокуратура ва тергов органлари ҳар бир жиноятни иши кўрганда ёки тергов олиб бораётганидагина аниқлади. Уларни бартараф қилиш тадбирлари жиноятчиликнинг олдини олиш учун катта аҳамиятга эгадир. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар ва ўзини ўзи бошқариш органлари жиноятчиликни вужудга келтириши мумкин бўлган ҳолат ва шароитларни аниқлашга ва тўғри йўлдан бироз чиқа бошлаган шахслар тарбиясига, уларни ўз вақтида йўлга солишга алоҳида эътибор берадилар.

Умуман қонунга хилоф қилмишларнинг олдини олиш учун жуда кўп муайян тадбирлар комплекси ишлаб чиқилмоғи лозим. Агар суд, прокуратура, милиция органлари ҳамда туман ҳокимияти қошидаги мавжуд комиссиялар раҳбарлигига маҳсус комплекс иш режалари тузилиб, улар пухта бажарилиб турилса, анчагина ижобий натижаларга эришилган бўлур эди.

Давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг бу-

тун куч-ғайратлари мулчиликнинг турли шаклларини, фуқароларнинг мулкни кўз қорачигидай қўриқлаш, ич-килиkbозлик ва безориликка қарши курашни кучайтириш, вояга етмаганлар билан ишлаш инспекциясининг ишини яхшилаш, болалар назоратсизлиги ва шу каби ижтимоий заرارли ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган бўлмоғи лозим.

Жиноятчиликнинг олдини олишда милиция участка инспекторларининг туман, даҳа, маҳалла аҳолисини пухта ўрганиши, улар орасидаги текинхўр, ичкиликбоз ва бошқа тартиббузарликларни аниқлаши, тарбияси қийин бўлган ёки ўқишини ташлаб кетган болаларни ҳисобга олиб бориши, жазони ўтаб қамоқ жойларидан бўшаган шахслар устидан маъмурй назорат ўрнатиши алоҳида аҳамиятга эгадир.

Прокурорларнинг барча фуқаро ва мансабдор шахслар, корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан қонунларга қатъий риоя қилиниши, қонун талабларининг аниқ бажарилиши устидан назорат олиб бориши ва қонун нормалари бузилган ҳолларда уни дарҳол бартараф қилиш чорасини кўриши ҳам жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим тадбир ҳисобланади.

Хўжалик ва савдо ташкилотларида ўз вақтида ревизия ва текшириш ўтказиб туриш, ҳисоб ва ҳисобот ишининг яхши ўюнтирилиши моддий қийматликлар, мулкичиликнинг турли шакллари пухта қўриқланиши ва бу ишларнинг яхши йўлга қўйилганлиги устидан прокурор назорати, ёнғин назорати олиб бориши мулкни талон-торож қилишнинг олдини олади

Умуман прокурорлар турмушнинг барча соҳаларида қонунларнинг бажарилиши устидан доимий равишда назорат олиб бориши, қонун талаблари бузилган ҳолда уни бартараф қилиш чорасини кўриши ҳам самарали тадбирлардандир.

Шунингдек, прокурорларнинг судлар ва милиция орғанларининг ишларида қонунга қатъий риоя этилишини назорат қилиши, жиноят ва фуқаролик ишларини кўришда судлар, жиноят ишида суриштирув ва тергов юритишида милиция ва тергов ходимлари қонунларнинг бузилишига йўл қўйганлари ҳолда уни тиклаш чораларини кўришлари ҳам қонунга хилоф ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилгандир.

Қонун бўйича фуқаролик ва жиноят ишларини судда кўриб, мазмунан ҳал қилиш, иш юзасидан ҳал қилув

қарори ва айблов ёки оқлов ҳукми чиқариш (ишиң қўшимча терговга юбориш) учун муайян муддатлар белгиланган. Ўзбекистон жиноят процессуал кодексида суринтирув ва тергов муддатлари жиноят ишининг характеристига қараб кўрсатилган. Ана шу муддатларга қатъий риоя қилиб, сансалорликка йўл қўймай, ҳар қандай ишини мумкин қадар оператив ҳал қилиб, айборга тегишли жазо чоралари қўлланиш ҳам жиноят содир қилишга сабаб бўлган аниқ, ҳолат ва шароитларни бартараф қилиш тўғрисида иш юзасидан киритилган тавсиянома ёки хусусий ажримларнинг ижро қилинишига эришиш ҳам жиноятчиликнинг олдини олишдаги жиҳдий тадбирлардандир. Бу ўринда ички ишлар органларининг ишлари ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, жиноятни профилактика қилишда уларнинг роли бениҳоя катта. Моддий қийматларни қўриқлаш, банк омонат кассалари, омбор, дўкон ва корхоналардаги мулкни сақлашда муҳим обьектларда ёнгин хавфсизлигини таъминлашда бу органлар мунтазам равишда профилактик ишлар олиб борадилар. Милициянинг ташқи хизмати, патрул ва автомобиль инспекциясининг ишлари, паспорт режимига риоя қилишни текшириб бориш, қамоқдан бўшаган айрим маҳкумлар устидан маъмурӣ назорат ўрнатиш ва бутун милиция фаолияти жиноятчиликнинг олдини олишга профилактика қилишга қаратилган.

Одатда милиция, прокуратура, суд органларининг тавсияномалари, қарор ва хусусий ажримларида у ёки бу корхона, муассаса ва ташкилотда учраган шуқсонларни бартараф қилиш тўғрисида сўз бораркан, бу шуқсонларни типик, ҳамма жойда бирдай учрайдиганлари бор. Улар моддий қийматларни қўриқлашда йўл қўйилган эҳтиётсизлик, бепарволик, мулкни қўриқлов ишини яхши уюштиргани, ҳисоб ва ҳисобот ишларининг қолоқ ва чалкаштиги, ўз вақтида текширув ўтказиб турмаслиги ёки тарбия ишидаги камчиликлар, айрим кишиларнинг айби, ходимларнинг совуққонлиги, масъулиятсизлиги, вояга етмаганларга спиртли ичимлик сотиш, ўсмирларни жиноят ёки ножӯя ҳаракатларга жалб этиш ва шунинг каби ҳолатлардир.

Ана шу муайян шароитларни бартараф қилишни тавсия ва талаб қилган тегишли органлар ЎзР. ЖПК 299-моддасига асосан бир ой муддат ичидаги кўрилган тадбирлар тўғрисида жавоб қайтаришни таклиф қиласидилар. Тақдимнома ёки хусусий ажрим юборган органлар ал-

батта ўз талабларининг ижро этилишига эришмоқлари ва бунинг устидан назорат олиб бормоқлари лозим.

Жиноятчиликни камайтиришда ичкиликбозликка қарши кураш ҳам жiddий масаладир. Маълумки, ичкиликбозлик маданиятсизлик ва бекорчилик маҳсули, фуқаларининг бўш вақтлари яхши ўюстирилмаганлиги ва беҳуда ўтиши оқибатидир.

Одатда ичкиликбозлик ножёй ҳаракатлар ва жиноятчилик билан ёнма-ён юради. У ахлоққа ҳам, қонунга ҳам зид ҳодисадир. Жиноятчиларнинг кўпчилиги, шу жумладан, турли хавфли жиноятлар маст ҳолатда содир этилади. Масалан, безориликнинг 60—90 фоизи, одам ўлдиришнинг ёки баданга оғир шикаст етказишининг 70 фоизи, транспорт йўл ҳалокатларининг 30—40 фоизи ичкилик, уни сунистеъмол қилиш оқибатида юз бермоқда. Кўпгина бошқа жиноятлар ҳам ичкиликбозлик ва безориликдан келиб чиқади.

Шунинг учун ҳам ичкиликбозлик билан кураш жиноятнинг олдини олишда катта аҳамиятга эгадир. Ичкиликбозликка қарши курашда шуни ҳисобга олиш керакки, ҳозирги вақтда кишини ичкиликбозликка жалб қиласиган сабаблар кўпайган. Масалан, ичкилик шайдолари учун туғилган кун, ҳарбий хизматга кузатиш ва қайтиб келиш, янги йил, наврӯз, ғалаба куни, мустақиллик куни, конституция эълон қилинган кун ва бошқа байрамлар, дам олиш куни, хуллас исталган кун, исталган соатда ичкилик ичиш расм бўлиб қолмоқда. Ҳатто санаторий ва дам олиш уйларига борганда ҳам, ёз фаслида шаҳардан ташқарига истироҳат учун чиққанда ҳам кўпгина кишилар ичкиликсиз юрмайдилар. Бунинг натижасида кўпинча баҳтсиз ҳодиса, фалокат ва жиноятчилик юз беради, Ҳатто мактаб ёшидаги болалар ҳам туғилган кунларига ёки бошқа бирон воқеага, болалар байрамига тўпланишганда лимонад шишаси ёнида бир илож қилиб, албатта пиво, вино шишаларни ҳам пайдо бўлиб қолади. Шу йўл билан болаларда ҳам ичкилик, меҳмондорчилик ва тантаналарнинг ажралмас йўлдоши, шодлик нишонаси деган тушунча ҳосил бўлади, ичкилик ичиш шу тариқа ёшларда ҳам мустаҳкам одат тусига киради. Ичкиликсиз бирон маърака, йигин тарқалмайди, деган эътиқод вужудга келади. Афсуски баъзилар жамиятишимиз яратиб берган мўл-кўлчилик ва фаровонликни сунистеъмол қиласилар. Шунинг учун бу борада ота-оналар, мактаб ўқитувчилари, тарбиячилар доимо

ёшларнинг истиқболини ҳисобга олиб иш кўрсалар, бо-
лаларни ичкиликдан узоқда олиб юрсалар, бу ишда
ўзлари ҳам яхши ўрнак кўрсатсалар тарбия ишига кат-
та ҳисса қўшган ва кўпгина келгуси ғам-ғуссаларнинг
олдини олган бўлур эдиар.

Ичкиликнинг камдан-кам ва меъёри билан истеъмол
қилинишига эришган ҳар бир аҳоли пункти, туман ва
шаҳарларда кўпгина жиноят турлари кескин камайиб
кетиши муқаррардир ва бунга ҳеч қандай шубҳа қил-
маса бўлади. Ичкиликбозлик балосига мубтало бўлма-
ган ҳар бир кимсанинг саломатлиги яхши, маънавий эҳ-
тиёжи бой, онг ва маданияти бекиёс юксак, турмуши
осоишта ва фаровон, эл ичиди обрў-эътибори баланд,
касби-кори-ю, меҳнати сербарака бўлишини ҳаётнинг
ўзи, жуда кўп фуқароларимиз турмуши мисолида яққол
намойиш қилиб турибди.

Шундай қилиб, махсус равишида жиноятнинг олдини
олиш тадбирларига; жиноят қилишга олиб келиши мум-
кин бўлган **сабаб** ва **шароитларни** бартараф қилиш,
уларни вужудга келтиришда айбдор бўлган шахсларни
жавобгарликка тортиш тўғрисида тавсияномалар кири-
тиш ёки хусусий ажримлар чиқариш; жиноят қилиш ол-
дида турган кишига жамоат ёки маъмурий таъсир чо-
расини кўриш; шундай кишилар устидан тегишли на-
зорат ўрнатиш, жамоаларда жиноятга олиб келувчи
муайян шароитлар тўғрисидаги масалани ва уни барта-
раф этиш йўлни муҳокама қилиш, турмуш ва тарбия
шароити ноқулай бўлган кишиларни иш ва ўқишига жой-
лаштириш, жазони ўтаган ёки шартли ҳукм қилинган,
қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилин-
гандар ва бошқаларни тегишли ишларга жойлаштириш,
уларга ёрдам бериш ва назорат қилиш каби тадбирлар
киради: Бу тадбирлар жиноятни очиб, айбдорга жазо
қўлланиш юзасидан олиб бориладиган ишлар билан
ҳам тўла боғлиқдир. Тергов юритиш, жиноятни очиш,
айбдорни жазолашнинг муқаррарлиги катта огоҳланти-
рувчи аҳамиятга эга. Жиноят процессуал ҳаракатлар ва
жиноий жазони қўллаш жиноятларнинг махсус равиши-
да ва умуман олдини олишга, яъни муайян айбдор томо-
нидан жиноят қилишининг олдини олишга қаратилгандир.

Мамлакатимизда жиноятчиликнинг олдини олишда
аҳолининг, хусусан ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясини ях-
шилаш катта аҳамиятга эгадир. Келажакда чинакам
онгли фуқароларни тарбиялаб етиштириш учун ҳозир-

дан мактаб ёшидаги даврдан бошлаб, вояга етмаганларнинг умумий тарбиясига, дастлабки оила ва мактабдаги таълим-тарбия ишига бутун диққат-эътиборни бермоғимиз лозим. Ёш авлодни яхши чиниқтириб, қонунқоидаларга ва ахлоқ нормаларига ҳурмат руҳида тарбиялаб етиштиришини таъминлаш жуда катта профилактика тадбирдир.

Маълумки, асосий тарбия учоги — бу оиласидир. Бу борада жамиятимиз ота-оналар зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Зеро, боланинг кўзи оиласида очилиб, онги оиласида шаклланади. У атроф-муҳитни оиласида таниб, яхши-ёмонни оиласида ажрати бошлайди. Ота-онанинг сабр-тоқат билан ва ўз вазифаси ва тарбия сирларини билиб, педагогик билимларни эгаллаб иш олиб бориши оиласида ижтимоний фойдали тушунча ва яхши одатларни ривожлантиришда катта самаралар беради. Ана шу тарзда тарбиялаб, болани тўғри йўлга солиб борган ота-она уни доимо кузатиб кўча-куйдаги салбий таъсирдан ҳам сақлаб бормоги керак. Ҳатто боланинг мактаб ва маҳалладаги ўртоқлари ким эканлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Шунинг учун болани қуршаган муҳитни яхши билиб, уни ёмон таъсирлардан эҳтиёт қилиш жуда муҳим.

Таниқли педагог А. Макаренко шундай деган эди: «Сиз фақат бола билан гаплашганда, унга бирон нарса ўргатаётганда тарбиялайман, деб ўйламанг. Сиз уни ҳар қадамингизда, ҳатто уйда йўқлигингида ҳам тарбиялаб борасиз. Сиз бирор билан ёки бирор тўғрисида нималарни гаплашасиз, нимага хурсанд бўлиб, нималардан қайғурасиз, дўст ёки рақибларингиз билан қандай муомала қиласиз, қай тахлитда кулласиз, қай ҳолатда газета ўқийсиз — шуларнинг ҳаммаси бола учун жуда муҳим. Сўз оҳангингиз озгира ўзгариб қолганини ҳам бола сезади, фикр йўналишидаги барча бурилишларни киши билмас тарзда у фаҳмлаб олади, сиз буни пайқамайсиз. Башарти, сиз уйда қўйпол ёки мақтанчоқ бўлиб, ёхуд ичкиликбозлик қилиб, унинг устига онани ҳақорат қиласангиз тарбия тўғрисида ўйлаб ўтирамай қўя қолинг, чунки сиз уни амалда тарбиялайсиз ёкий ёмон тарбиялайпсиз, ҳеч қандай яхши насиҳатларингиз ва тарбия услубингиз энди сизга ёрдам бермайди»¹.

Тарбия иши юксак онг ва, маданиятга чиндан. ҳам

¹ Макаренко А. С. Асарлар. IV том М., 1951, 20 б.

педагогик билимларга асосланган бўлиб, сабаб, матонат ва изчиллик билан узлуксиз равишда, ҳормай-толмай олиб бориш зарур бўлган нозик ва мураккаб жараёндир. Шунинг учун ҳам ота-она билим ва турмуш тажрибаси билан яхши қуролланган бўлмоғи, бола тарбияси учун чуқур ва фахрли масъулият сезмоғи лозим.

Агар оила ва мактабда тарбияга мустаҳкам пойдервор қўйилган бўлса, қўча-куйдаги салбий таъсирларга берилиш ҳоллари ҳам камроқ учрайди. Афсуски, ҳали катталар орасида бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи кўнгилсиз ҳодисалар кўп учрайди. Масалан, ичкиликбозлик билан кураш суст бориши натижасида, қўча-куйда, айрим онлаларда ичиб, безорилик қилиб, зарарли ўрнак кўрсатувчи кўнгилсиз ҳодисалар кўп учрайди. Масалан, ичкиликбозлик билан кураш суст бориши натижасида, қўча-куйда, айрим онлаларда ичиб, безорилик қилиб заарарли ўрнак кўрсатувчи, ўз болаларининг ва бошқаларниң ҳаётини заҳарловчи ичкиликбозлар, харидор пулидан ёки тарозидан урадиган айрим сочувчилар, трамвай, троллейбус ёки автобусларда, такси, машиналарда пул олиб патта бермай ёки ошиқча пул олувлари ва шунинг каби айрим бошқа юлғичларниң бутун хатти-ҳаракатлари ўсмирлар тарбиясига ғоят салбий таъсир ўтказади.

Бизда бундай ножӯя ҳаракатлардан келадиган зарарли таъсир беҳад каттадир. Мана шундай «кўча тарбиячилари» боланинг руҳиятини бузуб, ота-она ва мактаб тарбиясига ҳам путур етказадилар.

Баъзан мактабининг ўзида айрим сабаблар билан болага нотўғри баҳо қўйиш, ўринсиз мақташ ёки койиш, қўпол муомала, лаганбардорлик ёки бюрократлик аломатлари учрайди.

Агар бирон киши бир уйнинг деразасига тош отса, симёочни арралай бошласа ёки трамвай йўлининг гайкасини бураётган бўлса одамлар дарров бу ишга аралашадилар, келиб чиқадиган хунук оқибатининг олдини оладилар.

Лекин ўсмирга бирор ёмон таъсир кўрсатаётган бўлса, у чекиши, ичиш ва бошқа ярамас одатларга ўргатилиётган бўлса, буни кўрган киши уни ёмон йўлдан қайтаришга урнимайди. Кўпинча «Бу менинг болам эмас-ку» деб қарайди.

Агар ўтмишда кишилик жамиятининг илғор намоёндадаригина инсон тарбияси устида жон куйдирган бўл-

салар, бизнинг замонамиизда ҳар бир катта ёшдаги фуқаро, ҳар бир маданиятли киши ҳали ақли қўйилмаган ўсмирга ғамхўрлик кўрсатиб, уни тўғри йўлга бошлимоғи ва бола тарбиясини муқаддас инсоний бурч деб билмоғи керак. Ёш авлодни тарбиялаш умумхалқ иши. Мактаб ўқувчиларининг, талабаларнинг бўш ва таътил вақтларини ақлга мувофиқ равишда ижтимоий фойдалари ишларга банд қилиш лозим. Бу тадбирлар кўпинча қўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишга ва боланинг тўғри тарбияланишига тегишли шаронит туғдиради.

Холбуки, бу ишда ҳам анча-мунча ташкилий нуқсонлар бор. Назоратсиз юрган ўсмирлар, ўқиши ташлаб кетиб, мактаб тарбиясидан маҳрум бўлган болалар жиноят қилишга мойил бўладилар. Шу сабабли қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ёшлар тарбиясини яхшилашда уларнинг иш ва ўқишидан ташқари бўш вақтларини, дам олишини тўғри ташкил қилиш мухим ўринн эгаллайди. Ёшларнинг гармоник ўсишлари учун уларнинг ўз қимматли вақтларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишлари катта аҳамиятга эга. Ҳаёт шуни кўрсатадики, ўсмир ва ёшларнинг хулқидаги нуқсонлар кўпинча бўш вақтни бемаъни ўтказиш, маданий савияни оширишга ва китоб, спорт, турли ижтимоий фойдалари машғулотларга қизиқиш йўқлигидан келиб чиқади.

Ёш авлодни тарбиялашда мактабнинг роли жуда катта. Мактабда болаларга энг яхши инсоний фазилатларни сингдириш, улarda одамийлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик каби хислатларини ўстириш учун барча имкониятлар бор. Бундай тарбия эса, инсоннинг ўсиб улғайишида ва бутун ҳаёт йўлида мустаҳкам замин бўлади. Ёш авлод орасида ижтимоий нормаларни бузининг, қонунга зид ҳаракатлар қилишнинг олдини олади.

Мактабларда тарбия иши шундай ўюштирилсанки, уни битиравчи ҳар бир ўсмир ҳамма жиҳатдан турмушга лаёқатли, етук фуқаро бўлиб чиқса, ҳақиқатан ҳам келажакда соғлом авлодга эга бўлиш учун ҳозирги ёшларни, яъни бўлажак ота-оналарни ёшлиқдан ижтимоий ва жисмоний соғлом қилиб тарбияламоқ, бирон кишининг ҳам жисмоний заиф ва ахлоқан майиб бўлиб қолишига йўл қўймаслик foят мухимдир.

Касаллик билан курашда унинг олдини олиш, профилактика қилишнинг аҳамияти қанчалик зўр бўлса, ижтимоий ҳаётда ҳам кўнгилсиз ҳодисаларнинг, тарбиялизмик, ёмон хулқ, ичкликтобозлик ва жиноятчиликнинг

олдини олиш шу қадар катта ва ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Бола тарбияси билан астойдил шуғулланган тақдирда бир йўла унинг яхши баҳо билан ўқишини ҳам, демократик жамиятимизнинг муносаби кишиси сифатида етишиб чиқишини ҳам, жамоат тартиби ва қонунийликнинг мустаҳкамланишини ҳам таъминлаган бўламиз. Шунинг учун тарбияга масъулиятсиз қараётган ота-оналарга жамоат таъсирини ўтказмоқ, ўз бепарвонилари ва назоратсизлиги билан боланинг текинхўр, жиноятчи бўлишига шароит туғдирадиган шахсларга нисбатан ўз вақтида тегишли чоралар қўлламоқ лозим.

Ахир, ота-оналар ўз болаларини мустақил ҳаёт йўлига узатар эканлар, улар ҳам бу ўринда катта имтиҳондан ўтадилар. Бола тарбиясида ўз вазифаларини бажармаган, ахлоқ ва ҳуқуқ нормаларига хилоф ҳаракатларга йўл қўядиган ота-оналар фуқаролик, маъмурӣ ёки жинойи жавобгарликка тортиладилар. Масалан 16 ёшгача бўлган болалар айби билан келтирилган зарарни ота-она тўлайди. Бундан ташқари вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар бола тарбияси соҳасида ўз вазифаларини ва мажбуриятларини бажармаган ота-оналарни шу комиссия мажлисида муҳокама қилиб, уларга нисбатан ЎзР. МЖКнинг 47-моддасига асосан чора кўрадилар. Зарур ҳолларда ота-оналик ҳуқуқини сунстеъмол қилган шахслар ишини судга ошириб, уларни бу ҳуқуқдан маҳрум қилиш масаласини қўяди.

Президентимиз И. Қаримов ташаббуси билан 1998 йил — «Оила йили», деб эълон қилингани муносабати билан жойларда мутасадди идоралар ва жамоат ташкилотлари бу борада жуда кўп ишлар олиб бориш масаласи, оила йили билан боғлиқ равишда ишлаб чиқилган. Давлат дастурида оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила манфаатларининг ҳуқуқий муҳофазасини, ижтимоий, иқтисодий, мәънавий ва маданий эҳтиёжларини таъминлаш юзасидан муҳим вазифалар кўзда тутилган.

«Оила йили» тўғрисида гап кетганда яна бир муҳим қонун тўғрисида тўхталиб ўтиш лозим. Бу Олий Мажлисининг XI сессиясида қабул қилинган «Оила Кодекси»да оилавий муносабатларда эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлилик принципи, оиладаги мулк, бола тарбияси ва

бошқа жиҳатлар янги замон талаблари асосида талқин этилган.

Шунингдек, 1998 йил матбуотда эълон қилинган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика «Оила» илмий-амалий марказини ташкил этиш тӯғрисида»ги қарори оила манфаатларини такомиллаштириш йўлида қўйилган янги қадам бўлди.

Бу марказнинг вужудга келиши айни муддао бўлиб, марказ оиланинг ривожи, равнақи билан боғлиқ муаммоларни атрофлича илмий жиҳатдан ўрганади ва ўз тавсияларини беради. Жумладан, бу марказ оилани режалаштириш, оила-аъзолари саломатлигининг тиббий-биологик асосларини ўрганиш билан бир қаторда, ёшларни оилавий ҳаётга тарбиялашни яхшилаш мақсадида никоҳ уйлари ва саломатлик марказларида махсус ўқув тарбиявий курсларни ташкил этади. Шунингдек, оиланинг ҳуқуқий саводхонлигини тубдан яхшилаш ҳамда ҳимоялаш, маънавий баркамол ва жисмонан соғлом авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни муҳим эканлиги асосий вазифа қилиб қўйилган.

Оилада фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор бериш, яхши едириш, кийинтириш учун аёлларимизга барча имтиёзлар яратилган. Республика, Меҳнат Кодекси, Фуқаролик Кодекси, Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти ҳақидаги ва бошқа бир қанча қонунларда хотин-қизларга берилган кенг ҳуқуқ ва эркинликлар ўз ифодасини топган.

1994 йил 1 октябрдан бошлаб, қўрғонлар, қишлоқ, овул, маҳалла, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органдарни томонидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Оналиқ ва болаликни муҳофаза қилиш, болаларнинг жисмоний ва ақлий ҳамда маънавий камол топиши учун қуляй шарт-шароитлар яратиш мақсадида Республика-миз Президенти И. Каримов 1993 йил 23 апрелда ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармасини ташкил этиш тӯғрисида»ги Фармонга имзо чекди. «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди. Бу тадбирларнинг барчаси ёш авлод тарбиясини яхшилашга қаратилгандир.

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ.

Демократик қонунларимиз аввало она, бола ва ўсмирларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қи-

лади. Давлатимиз кўп болали оналарга бола тарбияси учун барча қулай шаронтларни яратиб бермоқда. Эмизкли она таътили узайтирилган; бола туғилгандан сўнг З йилгача уни тарбиялаш имкони берилади, кўп болали онага нафақа тайинланган. ясли ва боғчалари мизнинг шаронти яхши бўлиб, бола тарбияси ва она-нинг ишлаши учун барча қулайликлар яратилган.

Ҳукуматимиз томонидан таълим-тарбия, маориф соҳасининг ишини янада яхшилаш борасида бир қанча қонунлар, фармонлар, қарорлар ва низомлар қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 февралдаги «Мактабгача тарбия масаласи тўғрисида»ги Низомида мактабгача тарбия муассасаларининг вазифалари, мажбуриятлари ва ҳуқуқлари белгиланган. Бу бола тарбияси билан шугулланиш, уларни ўқитиш, меҳнатга иштиёқ, ота-онасига муҳаббат, атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонунида таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамоиллари, таълим тизими ва бошқарув тартиби, таълим-тарбия ходимларининг ҳақ-ҳуқуқлари, вазифалари белгилаб берилашган.

Ҳозирда ўқувчи ёшлиарни ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор берилмоқда, яъни уларнинг билим олиши учун зарур шаронтлар яратилган.

Олий ўқув юртлари талабаларининг коллеж ва лицейларининг ўқувчилари, аспирантура тингловчиларининг илм олиши учун барча шаронтлар яратилмоқда. Янги шаклдаги таълим муассасалари, иқтидорли ўқувчилар синфи, маҳсус фанлар чуқур ўргатиладиган боғчалар, мактаблар, академик лицейлар ташкил этилмоқда. 1997—98 ўқув йилидан бошлаб барча олий ўқув юртлари қошида лицейлар очилди. Фақат олий ўқув юртларидагина эмас, балки боғча ва мактаб ҳаётига ҳам компютерлар кириб келди.

Миллионлаб ажойиб, меҳнатсевар ва бунёдкор ёшлиаримиз жамиятимизнинг барча жабҳаларидаги тинимсиз меҳнат қилиб келмоқда. Лекин шу билан бир қаторда айрим ёшлиаримиз борки, улар тарбиясидаги нуқсонлар тұрайылғанда қайинчиликни

енгишда мәхнатсеварлик, бардошлилік ва сабот-мато-нат күрсатишига заифлик қилиб қоладилар.

Хозирги бозор иқтисодиёті муносабатларининг қи-йинчиликларига дош беролмай, ахлоқсизлик ва жиноят күчасига кириб кетмоқдалар. Бу ахволга нотұғри тарбия, атроф-муҳитдагиларнинг бефарқлиги, ота-она, мактаб жамоат ташкилотларининг тарбия ишидаги хато ва нұқсонларига сабаб бўлмоқда.

Демак, шахснинг ривожланишидаги энг муҳим омил тарбия масаласидир. Ёш авлодни тарбиялаш деганда, биз уни ахлоқ ва одоб жиҳатидан ҳам эстетик, жисмоний ва бошқа жиҳатлардан тарбиялашин тушунамиз. Шу билан бирга яна ижтимоий тарбия ҳуқуқий ва бутун маданий тарбияни ўз ичига олади. Асосий мақсад чуқур маълумотли, ҳар жиҳатдан юксак маданиятли ва онгли, ҳуқуқий тафаккури юксак даражадаги ёшларни тарбиялашдир.

Фуқароларнинг амалдаги қонунлар түғрисидаги би-лимларни ва ҳуқуқий онгини ҳар томонлама ошириш, уларни ҳуқуқ системаси, қонунларининг ҳар бир соҳасидаги асосий принциплар, қондалар, нормалар билан умумий тарзда таништириш қонунчиликни мустаҳкамлашда шубҳасиз яхши самаралар беради. Ҳуқуқий тарбиботни чуқур ва кең кўламда олиб бориш шунинг учун ҳам зарурки, фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, давлатимиз томонидан қабул қилинаётган қонунларни ўзлаштириб боришда яхши натижалар беради.

Ҳаёт тақозоси билан эндиликада аҳоли ўртасида қонунларни кенг тарғиб қилиш иши илгаригига иисбатан анча жонланди. Барча корхона, ташкилот ва муассасаларга ҳуқуқ тартибот идораларининг ходимлари, турли мавзуларда лекциялар ўтказиб, радио, телевидение ва матбуотда тез-тез чиқиб турибдилар. Лекин буларнинг ҳаммаси ҳали етарли эмас.

Ҳуқуқ ва юридик билимлар нечогли кенг ва чуқур тарғиб қилинса, шунча яхши бўлади. Ахир ҳозирги мурракаб ижтимоий муносабатларимиз, жамиятимизнинг бутун ҳаёти ва фаолияти қонун-қондалар билан тартибга солинади. Ҳаётимиз асосини амалдаги қонунлар ташкил қиласиди, қонунчилигимиз асоси ҳам ана шу амалдаги қонунлардир.

Қонунлар ва уларнинг ижроси бозор иқтисодиёты муносабатларининг ривожини ва мустаҳкамланишини таъ-

минлайди, жамиятимиз аъзоларининг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатларини тартибга солади, фуқароларни юксак ғоявийлик ва онглилк руҳида тарбиялади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1997 йил 20 май куни республика ҳуқуқ тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувида ҳалқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш, қабул қилинган қонун ва қонунийлик ҳужжатлари моҳиятини аҳоли кенг қатламларига янада чуқурроқ етказиш билан боғлиқ масалалари хусусида сўз юритиб, «...юксак ҳуқуқий тафаккур, ҳуқуқ устуворлиги нафақат бугунги жамиятимиз учун, балки биздан кейин келадиган авлодлар учун ҳам зарурдир»,¹ — деб таъкидлаб ўтди.

Қонунга ҳурмат, уни бузувчиларга муросасизлик ва адолатпарварлик ҳисларини ёшлиқдан тарбиялаб бормомимиз лозим. Бунинг учун бизнинг фуқароларимиз ва ёшларимиз ҳуқуқнинг қайси тармоғи қандай ижтимоий муносабатларни тартибга солишини яхши ўзлаштириб олишлари керак.

Ижтимоий хавфилик даражаси айниқса юқорироқ бўлган хатти-ҳаракатлар маъмурий ва жиноят қонунларига хилоф ҳаракатлар бўлганлиги учун ана шу қонунлар асосларини биринчи навбатда ва кенг равишда ўсмир ва ёшлар орасида тарғибот қилиш зарурияти туғилди. Бу ишда ўсмирларнинг, ёш авлоднинг ҳуқуқий тарбияси алоҳида аҳамиятга эга.

Инсонга ёшлиқдан ҳуқуқий тарбия бериш, унинг тўғри ўсиб, улғайишида муҳим роль ўйнайди. Ниҳоят, жиноятчиликнинг олдини олиш ва қонунийликни мустаҳкамлашда тарғибот ишларини кенгайтириш ва ҳалқ оммаси орасида демократик қонунларимизни чуқур тушунтириш ишлари зўр самаралар берувчи сиёсий-тарбиявий, тадбирлардандир. Шунинг учун ҳам барча ўрта мактаб ва олий ўқув юртларида ҳуқуқий билимларни, ўқувчи ва талабалар томонидан яхши ўзлаштиришга эришиш ва аҳоли орасида ҳуқуққа онд билимларни кенг тарғибот қилиш демократик қонунларни яхши тушунтириб бориш ва ана шу мақсадлар учун матбуот, радио, телевидениедан самарали фойдаланиш шубҳасиз яхши натижалар беради.

Урта мактабларда ҳуқуқ билимларидан дарс берадиган ўқитувчилар орасида кенг суратда семинарлар таш-

кил қилиш, ўқувчилар ва ҳуқуқ ўқитувчилари учун тез-тез ҳуқуқ соҳалари бўйича лекциялар уюштириб турish ҳам яхши самара беради. Ўрта мактаб 9-синфлари, лицей ва коллежлар учун ўзбек тилида давлат ва ҳуқуқ асосларидан услубий қўллашмалар ишлаб чиқиш, ҳуқуқ соҳалари бўйича кенг китобхон оммаси учун тегишли рисолалар чиқарилса жуда фойдали иш бўлур эди. Бу китоблар дастлаб «Ахлоқ ва ҳуқуқ», «Инсон ва қонун», «Табиат ва қонун», «Оила ва қонун», «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари», «Экология ва ҳуқуқ», «Бозор муносабатлари ва ҳуқуқ», «Иқтисод ва ҳуқуқ», «Демократия ва ҳуқуқ» мавзуида чиқарилиб, эҳтиёжга қараб яна давом эттирилса, китобхонларимиз учун катта совга тайёрланган бўлур эди. Жойларда вақти-вақти билан ҳуқуқий мавзуларда машғулот ва маслаҳат (консультация) ташкил қилиб турish кутилган натижаларни беради.

Ҳуқуқий тарбибот ишларида ҳуқуқ олимларини, юридик ўқув юртлари педагоглари, прокуратура, суд, адвокатура, ички ишлар идоралари ходимлари мумкин қадар кўпроқ жалб қилинсалар ҳамма жойда ҳуқуқий тарбибот ишини кенг миқёсда фаоллаштиришга тўла имкон туғилар эди. Бу иш ҳар бир соҳадаги республика, вилоят раҳбар органларининг изчиллик ва талабчанлик билан ишни пухта ташкил қилиши ва мунтазам суратда режа асосида олиб боришларига боғлиқ.

Ҳуқуқий тарбиботни кенгайтириш ҳаёт тақозоси, турмуш талаби ва ҳукуматимиз томонидан қўйилган фахрли вазифадир.

Умуман ҳуқуқий маданиятни республикамиз миқёсида юксалтириш учун Адлия вазирлиги ҳуқуқий тарбиботни доимий равишда мувофиқлаштириб борса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг етакчи ва раҳбар ходимлари томонидан мунтазам равишда радио ва телевидсенида давра сұхбатлари, интервьюлар уюштириб борилса, бундай сұхбатларда Ўзбекистон фуқаролари билан телефон орқали савол-жавоб қилиниб, фуқароларни қизиқтирувчи энг зарур масалалар юзасидан қонун-қоидалар тушунтириб борилса нур устига аъло нур бўлур эди.

Үндан ташқари журналистларимиз, шоир ва ёзувчиларимиз ўзларининг катта ва кичик асарларида ҳуқуқий

Х У Л О С А

Мустақил Ўзбекистон янги минг йиллик сари дадил одимлаб бормоқда. XXI асрда Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат шаклланиши давом этади. Бу борада сабитқадамлик, изчиллик, босқичма-босқич жамиятнинг барча жабҳалари демократлаштирилиб борилади.

XXI аср дунё миқёсида «инсон ҳуқуқлари асри» бўймоги лозим. Юртбошимиз ҳақли равишда таъкидланалариdek, «Ўзбекистон инсон ҳуқуқини таъминлаш борасида дунёда ҳеч бир мамлакатдан кам бўлмаслиги керак».¹ Ҳақиқатдан ҳам, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳар бир давлатда демократиянинг ривожланганлик даражасининг кўрсаткичидир.

Жамиятимиз ҳаётини демократлаштириш борасида ги олдимиизда турган вазифалар кўламини Ўзбекистон Парламентининг XIV сессиясида Президентимиз ўзларининг дастуриламал маърузаларида аниқлаб бердилар. Бу устувор вазифалар қўйиндагилардан иборат:

1. Инсон ҳуқуқлари соҳасида Миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қила-диган муассасаларниң яхлит тизимини барпо этиш;

2. Фуқароларнинг ижроия органларига мурожаатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. фуқароларнинг шикоятларини ўз вақтида ва одилона кўриб чиқиш учун, давлат органлари масъулнитини ошириш мақсадида «Давлат органлари томонидан фуқароларнинг шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида» қонун қабул қилиш зарур.²

3. Халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим.³ маданият, қонун ва қонунийлик муаммоларига эътиборларини қаратсалар аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ўз ҳиссаларини қўшган бўлур эди.

¹ Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т-6. Тошкент: Ўзбекисгон, 1998 йил, 28-бет.

² Каримов И. А.—Ўзбекистон XXI асрга интилоқда.—Тошкент: Ўзбекистон, 1999 йил, 31—32-бетлар.

³ Каримов И. А.—Юқсан ҳуқуқий тафаккур-демократик жамият тақозоси//Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида—Тошкент: Ўзбекистон, 1998 йил, 30-бет.

Ватанимиз тақдирин ва буюк келажагига бефарқ бўлмаган ҳар бир Ўзбекистон фуқароси:

— биринчидан, Олий Мажлис, Президент, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинаётган қонунлар, фармонлар ва қарорлардан тўла хабардор бўлиши керак;

— иккинчидан, инсон ҳуқуқларига оид қонуни хужжатларини ҳар бир одам юрагидан ўтказиши, бу қонунлар унинг ҳаётига қандай таъсир қилишини англаб етмоғи лозим;

Ушбу мухтасар китоб шу масалаларни кенг халқ оммасига мўлжаллаб яратилган дастлабки ишлардан биридир. Албатта, биз муаллифлар истиқлол йилларида қабул қилинган 300 дан ортиқ қонунлардан энг асосийларини танлаб олиб, китобхон эътиборига етказишга интилдик. Ҳа, синчков ва талабчан ўқувчи нега у ёки бу қонун тўғрисида маълумот йўқ, дейиши мумкин. Бу саволга жавобан шуни айтиш мумкинки, бир китоб ҳажмида барча қонунларни қамраб олиш мумкин эмас. Ундан ташқари, бу барча ўзбек ҳуқуқшунос олимлари ва амалиётчиларининг долзарб вазифасидир. Шунинг учун ҳам биз ушбу китоб бўйича барча мулоҳаза, таклиф ва таққидий фикрларни миннатдорчилик билан қабул қиласиз.

МУНДАРИЖА

Инсон ҳуқуқлари ва қонунлар дүнёсига сәხатта марҳамат!	3
Истиқлол, Ичсон ва қонун	6
Давлат ва ҳуқуқ	8
Инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқтый маданият	11
Конституция — Асосий қонун	28
Фуқаролик кодекси	34
Фуқаролик процессуал кодекси	35
Хұжалик процессуал кодекси	36
Меңнат кодекси	36
Оила кодекси	37
Ер кодекси	39
Божхона кодекси	41
Солиқ кодекси	42
Маъмурый жавобгарлиқ тұғрисидаги кодекс	45
Ножýя қарапат ва маъмурый жавобгарлик	46
Жиноят кодекси	50
Жиноят кодексининг хусусиятлари	51
Жиноят процессуал кодекси	87
Жиноят ижроия кодекси	88
Қонунийдік принциплари ва қонун нормаларининг бузилиши хақида тушунча	89
Жиноят ва жиной жавобгарлик	92
Жазо тушунчаси, жазо мақсади ва вазифалари	101
Жазоны енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи қолатлар.	103
Судланғанлик	105
«Давлат тили қақида»ги қонун	107
«Тадбиркорлық тұғрисидә»ги қонун	108
«Фуқаролық тұғрисидә»ги қонун	110
«Табиатни мұхофаза қилиш тұғрисидә»ги қонун	114
«Ветеринария тұғрисидә»ги қонун	117
«Сув ва сувдан фойдаланиш тұғрисидә»ги қонун	118
«Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошоқарыш органлари тұғриси- да»ги қонуни	121
«Фуқароларнинг мурожаатлари тұғрисидә»ги қонун	124
«Адвокатура тұғрисидә»ги қонун	126
«Кишлоқ құжаллик корхоналарини санация қилиш ҳақида»ги қонун	128
«Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тұғрисидә»ги қонун	130
«Таълим тұғрисидә»ги қонун	131
«Нотариат тұғрисидә»ги қонун	134
«Ұсимлик дүнёсінің мұхофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тұғрисидә»ги қонун	134

«Хайвонот дунёсими мұхофаза қилиш ва ундан фойдаланиш түгристіңде»ғи қонун	136
«Оммавий ахборот воситалари түгристіңде»ғи қонун	139
«Қишлоқ хұжалиги кооператив (ширкат хұжалиги) түгристіңде»ғи қонун	141
«Фермер хұжалиги түгристіңде»ғи қонун	143
Суд системасининг ҳуқуқий асослары	145
Прокуратура түгристіңде қонун	148
Ички ишлар органлари	151
Жиноятчиликкінг олдени олиш ва профилактика тадбирлари.	153
Ҳуқуқий тарбия	163
Хулоса	168

На узбекском языке

ГУЛЯМ АХМЕДОВИЧ АХМЕДОВ АБДУГОФУР ХАМИДОВИЧ САТТАРОВ

*Мұхаррир Шарофат Искандар қызы
Мусаввир А. Баҳромов
Техник мұхаррир А. Раҳимов*

Босмахонанага 21.06.1999 йилда берилди. Босишга 22.09.1999 йилда рұхсат этилди. Қоғоз бичими $84 \times 108^{1/32}$. Босма табоги 6,5. Нашриёт ҳисоб табоги 10,56. Шартлы босма табоги 11,1. Буюртма № 4120. Адади 3000. Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигиге «Адолат» нашриёти,
7000047, Тошкент, Сайилгоҳ күчаси, 5.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босмахонасида чол этилди. 700002, Тошкент, Сағбон кўча, 1-берккўча, 2-йй.